

471

Ўттинч тўққизинчи йил чиқиши  
Робиулохир 1447ҳ  
Октябр 2025м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Ал-Варо

Ал-Варо сўзи

## Аллоҳнинг суннат-қонунлари ўзгармайди ва алмашмайди

Демократия ва  
шўро  
Ҳақиқат ва сохталиқ  
ўртасида

66

Росулуллоҳ ﷺ билан у  
зотнинг саҳобалари ва  
элчиларининг  
собиққадамлиги

71

Тўсқинлик қилувчи  
ожизликдан узрни  
йўққа чиқарувчи  
қодирликкача

54

Росулуллоҳ ﷺ  
нинг  
ахлоқлари

«Янги Яқин Шарқ» модели  
Америка гегемонлигими ёки  
Ислом ва унинг Халифалиги?  
Янги фикрий лойиҳага назар

45

76



## Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Аллоҳнинг суннат-қонунлари ўзгармайди ва алмашмайди.....3
- «Must not do» – Ердан то қарор қабул қилиш (C2/C4I) инфратузилмасига қадар: Армиясиз ишғол: Олти араб давлати ўз ҳарбий калитларини Вашингтон ва Тель-Авивга қандай топширди? ..... 25
- «Янги Яқин Шарқ» модели  
Америка гегемонлигимиз ёки Ислом ва унинг Халифалиги?  
Янги фикрий лойиҳага назар..... 45
- Тўсқинлик қилувчи ожизликдан узрни йўққа чиқарувчи қодирликкача...  
Қодирликнинг Ислом давлати эълон қилиш ва шариатни татбиқ этиш фарзлигидаги таъсири (3). 54
- Демократия ва шўро  
Ҳақиқат ва сохталик ўртасида ..... 66
- Росулulloҳ ﷺ билан у зотнинг саҳобалари ва элчиларининг собитқадамлиги ..... 71
- **Жаннат боғлари:** Росулulloҳ ﷺнинг ахлоқлари..... 76
- **Қуръони Карим суҳбатида:** «Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар»..... 81
- **Олам мусулмонлари хабарлари**..... 91
- **Сўнги сўз:** Қўшма Штатлар катта бўлиниш чоррахасида ..... 99
- Ислом даъвати табиати ..... 100



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## АЛЛОҲНИНГ СУННАТ-ҚОНУНЛАРИ ЎЗГАРМАЙДИ ВА АЛМАШМАЙДИ

Муаллиф Сулофа Шумон  
Аллоҳ раҳмат қилсин

Ёзувчи синглимиз Сулофа Шумон фикр ва даъват майдонларидаги босиб ўтган йўлига гўзал хотима ўлароқ, «Ал-Ваъй» журнаliga ўзининг сўнги сўзини йўллагач, Аллоҳ Таолонинг раҳматига қовушди. Синглимиз Сулофа – Аллоҳ уни Ўз раҳматига олсин – журнал муаллифлари ва ижодий жамоасининг бир аъзоси эди. У ўзининг ҳақгўй қалами ила Уммат ғамини кўтариб чиқди ва унинг рошид онгини ёрқин ифода этди.

Биз унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзиямизни изҳор этган ҳолда, олий ва буюк Аллоҳдан марҳумани Ўз ҳузурида гўзал қабул айлашини, манзилини мукаррам қилишини, гуноҳ ва хатоларидан поклашини ҳамда аҳли оиласига сабри жамил ва ажр-мукофот ато этишини сўраб қоламиз.

Аллоҳга кўпдан-кўп, пок ва муборак ҳамдлар бўлсин! Аллоҳга Унинг важҳининг жалолига ва салтанатининг буюклигига муносиб ҳамдлар бўлсин! Пайғамбарлар саййиди ва имоми бўлмиш саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг аҳли оилаларига, саҳобаларига ҳамда то қиёмат кунига қадар у зотга эргашган ва дўст тутганларга салавот ва саломлар бўлсин! Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَوْ فَتَلَكُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوَلَّوْا الْأَدْبِرَ ثُمَّ لَا يَجِدُونَ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا﴾

**«Агар кофир бўлган кимсалар сизлар билан жанг қилишганида, албатта ортларига қараб қочишган бўлур эди. Сўнгра улар на бир дўст ва на бир ёрдамчи топишар»**

[Фатҳ 22]

Араб тилида «Суннат» сўзи

«Суннат» – «син» ва «нун» ҳарфларидан таркиб топган яхлит ва умумий ўзак бўлиб, бирор нарсанинг оқиши ва энгиллик билан давом этишини англатади. Кўплик шакли «сунан»дир. У бир неча маъноларни ўз ичига олади. Хоҳ мақтовли, хоҳ мазамматли бўлсин, йўл ва ҳаёт тарзи маъносида келади. Шунингдек, суннат одатдир. Аллоҳнинг суннати эса – Унинг махлуқотлари борасидаги ҳукми, яъни уларнинг устида жорий қилган қонуниятларидир. Агар бу сўз шариатда мутлақ ишлатилса, бундан Азиз Китобда (Қуръонда) очиқ айтилмаган, бироқ Набий ﷺ сўз ёки амал билан буюрган, қайтарган ёхуд тарғиб қилган нарсалар ирода қилинади. Шу сабабли ҳам, шаръий далилларда «Китоб ва Суннат», яъни «Қуръон ва Ҳадис» деб айтилади. Муҳаддислар истилоҳида Набий ﷺнинг суннатлари – Набий ﷺга нисбат берилган сўз, амал, тақрир (маъқуллаш), халқий (жисмоний тузилиш) ёки хулқий сифатлар, шунингдек, раъйга ўрин бўлмаган масалаларда саҳобий ёки тобеинга нисбат берилган нарсалардир. Шариатда суннат – динда мақталган, аммо фарз ҳам, вожиб ҳам бўлмаган амалдир. Луғатда суннат – табиат, хулқ, юз ва кўриниш маъноларини англатади. Шунинг учун бирор нарсанинг кўринишда унга энг ўхшашидир, деб айтилади. Аҳли суннат эса, аҳли бидъатнинг муқобилидир.

Мавзуимизга қайтадиган бўлсак, «сунан» лафзининг моддий ашёлар қонуниятларига тенг келувчи бирор истилоҳий маънода ишлатилиши кенг тус олмаган. Шу боис, луғавий маъно ундан ажрамаган ҳолда сақланиб қолди. Биз Қуръон ва Ҳадисда «суннат» ва «сунан» сўзларининг инсонларнинг тасарруф қилиш тарзига ёки инсоний жамиятларнинг муайян амалларни бажариши ортидан тушадиган ҳолатларига далолат қилиш учун қўлланганига гувоҳ бўлдик. Аллоҳ Азза ва Жалла инсонлар учун (маълум) суннатларни жорий этди ва мусулмонлардан уларни билиш ёки кашф этишни талаб қилди. Бундан кўзланган маъно шуки, суннат Аллоҳнинг ҳукмидир. Демак, Аллоҳнинг суннатлари Унинг махлуқотларида муайян қонуниятларга мувофиқ жорий қилган ҳукмларидир. Мавзу аввалида келтирилган ояти карима орқали англаймизки, Аллоҳнинг ушбу коинотда жорий қилган суннатлари, яъни муайян ҳукм ва қонунлари мавжуд. Ушбу ҳукмлар ўзгармайди

ва алмашмайди. Зеро, улар Аллоҳ Таолонинг тақдиридир ва ояти карима айнан шунга далолат қилади. Оятнинг мавзуси мўминларга нусрат бериш борасидаги Аллоҳ Таолонинг суннатидир. Ояти карима мўминларга – иймонни маҳкам тутганлари, Аллоҳдан ёрдам сўраб, Ундан нусрат тилаганлари сабабли – ғалаба ва тамкин (ҳукмронлик) хушхабарини беради. Шунингдек, унда даъватлар йўли ва уларнинг оқибати борасида ибрат бордир. Бу – мўминларга башорат, кофирларга огоҳлантириш ва барчани чиройли амал қилишга рағбатлантиришдир. Зеро, ояти каримада Аллоҳ Таоло Росули ﷺ га хитоб қилади. Росул ﷺ га қилинган хитоб эса, у зотнинг Умматига қилинган хитобдир. Ушбу хитоб мазмуни шуки, агар Росулulloҳ ﷺ ва саҳобалари билан Қурайш кофирлари ўртасида урушга изн берилганида эди, яъни ҳижратнинг олтинчи йили Росулulloҳ ﷺ ва саҳобалари Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун чиқиб, мушриклар томонидан бундан тўсиб қўйилган пайтда уруш бўлганида эди, шубҳасиз, ғалаба ва нусрат ҳақ аҳли бўлмиш мусулмонлар томонида бўлиб, улар ботил аҳли ва Қурайш кофирлари устидан ғолиб келган бўлур эдилар. Сўнгра, кейинги оятда ушбу ҳукм – яъни ҳақнинг ботил устидан, иймоннинг кўфр устидан ғалаба қозониши – Аллоҳнинг суннатларидан бири экани таъкидланади. Яъни модомики ҳақ аҳли Аллоҳ билан бирга бўлар экан, ҳақ ва ботил ўртасидаги курашда Аллоҳнинг ҳукми ва қонуни шудир. Шунингдек, оят ушбу суннатлар ва ҳукмларнинг ҳеч қачон ўзгармаслиги ва алмашмаслигини таъкидлайди.

Аллоҳнинг пайғамбарларни ёлғончига чиқарувчиларни жазолашдаги суннатларидан олинадиган ибрат – мутакаббир кимсаларнинг пайғамбарларни ёлғончига чиқариши ва дунё ҳаётига алданиб қолиши суннат-қонуниятини англаб етишдир. Ушбу суннатларда улар учун ўзларидан куч-қувватда устун бўлган, аммо охир-оқибат азоб қамраб олган кимсаларнинг тақдирида улкан сабоқ ҳамда ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш тасвири мужассам. Аллоҳнинг Азиз Китобида ушбу маънони тасдиқловчи ва таъкидловчи оятлар такрор-такрор келган. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿قُلْ لِلذِّينِ كَفَرُوا إِنْ يَنْتَهُوا يُغْفَرْ لَهُمْ مِمَّا قَدْ سَلَفَ وَإِنْ يَعُودُوا فَقَدْ مَضَتْ سُنتُ الْأَوَّلِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), кофир бўлган кимсаларга айтингики, агар (кофирликларидан) тўхташса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур. Агар яна (кофирликка) қайтишса, у ҳолда аввалгиларининг суннатлари (яъни, кўргуликлари) ўтган-ку, (яъни уларнинг ҳам бошларига аввалги кофирларнинг куну тушар)» [Анфол 38]

Яна бундай деди:

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿۳۸﴾ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ فِي شِعَابِ الْأَوَّلِينَ ﴿۳۹﴾ وَمَا يَأْتِيهِمْ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿۴۰﴾ كَذَلِكَ نَسْلُكُهُ فِي قُلُوبِ الْمُجْرِمِينَ ﴿۴۱﴾ لَا يُؤْمِنُونَ بِهِ وَقَدْ خَلَتْ سُنَّةُ الْأَوَّلِينَ ﴿۴۲﴾﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз. (Эй Муҳаммад), аниқки, Биз сиздан илгари ўтган, аввалги (турли-туман) тоифаларга ҳам (пайғамбарлар) юборганмиз. Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилиб кулишган эди. Шунингдек, уни (яъни, пайғамбарлар устидан кулиш иллатини) барча жиноятчи-осийларнинг дилларига солиб қўюрмиз. Улар унга (Қуръонга) иймон келтиришмайди. Ҳолбуки, аввалгиларнинг суннатлари-ибратлари ўтгандир (яъни, аввалги кофирлик билан ўтган кимсаларнинг оқибатлари нима бўлгани маълумдир)»

[Ҳижр 9-13]

Яна бундай деди:

﴿وَإِنْ كَادُوا لَيَسْتَفِزُّوكَ مِنَ الْأَرْضِ لَيُخْرِجُوكَ مِنْهَا وَإِذَا لَا يَلْبَثُونَ خِيفَتِكَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿۷۶﴾ سُنَّةً مَنْ قَدْ أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنْ رُسُلِنَا وَلَا تَجِدُ لِسُنَّتِنَا تَحْوِيلًا ﴿۷۷﴾﴾

«Улар сизни бу ердан (Маккадан) чиқариб юбориш учун (турли макр-ҳийлалар билан) қўзғатиб юборишларига оз қолди. У ҳолда, уларнинг ўзлари ҳам сиздан кейин озгина (муддат) туриша олади, холос (сўнгра, албатта ҳалок қилинишур). (Ўз пайғамбарларини қувиб чиқарган қавмнинг ҳалок қилиниши) сиздан илгари юборган пайғамбарларимиздан қолган йўл-қонундир. Сиз ҳаргиз Бизнинг қонунимиз ўзгарганини кўрмайсиз» [Исро 76-77]

Жамиятга оид суннат бизга шуни баён қиладики, ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш – ҳақни шунчаки ёмон кўриш ва ундан

нафратланиш босқичидан, даъват аҳлига нисбатан душманликни ошкор қилиш ва улар билан очиқчасига курашиш босқичига кўчади. Зеро, ботил ҳақнинг шунчаки мавжуд бўлиб туришига ҳам рози бўлмайди. Чунки у, ҳақнинг зотида ҳаракатланувчи ва асло турғун бўлмаган куч борлигига ҳамда у (ҳақ) фақат ёйилиш, кенгайиш, таъсир ўтказиш, ансор ва издошларни тўплаш, қолаверса, тамкин ва ғолибликка эришишдан бошқасига рози бўлмаслигига аниқ ишонади.

Аллоҳнинг суннати – гарчи маълум вақт ўтса-да – ҳақнинг ғалаба қозонишидир. Агар бирор кун давр айланиб, ҳукмронлик ботил қўлига ўтса ҳам, бу боқий қолмайди. Ботил тезда завол топади ва ўрнини ҳақ эгаллайди. Агар улар даъватчиларни ўз диёрларидан чиқариб юборишса, қамашса ёки ўлдиришса ҳам, ботил ҳеч қачон ҳақнинг ўрнини боса олмайди. Бу ўзгармайдиган ва алмашмайдиган собит суннатдир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿مَا كَانَ عَلَى النَّبِيِّ مِنْ حَرَجٍ فِيمَا فَرَضَ اللَّهُ لَهُ سُنَّةَ اللَّهِ فِي الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلُ وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدَرًا مَّقْدُورًا﴾

**«Аллоҳ пайғамбарга фарз қилган (яъни ҳалол қилган) нарсада унга бирон танглик бўлмас. (Бу) илгари ўтган (пайғамбарлар) ҳақидаги Аллоҳнинг йўли-қонунидир (яъни улар учун ҳам Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларда ҳеч қандай танглик бўлмаган). Аллоҳнинг амри иродаси тақдир азалий бўлди»** [Аҳзоб 38]

Яна бундай деди:

﴿وَأَقْسَمُوا بِاللَّهِ جَهْدَ أَيْمَانِهِمْ لَئِن جَاءَهُمْ نَذِيرٌ لَّيَكُونُنَّ أَهْدَىٰ مِنْ إِحْدَى الْأُمَمِ فَلَمَّا جَاءَهُمْ نَذِيرٌ مَّا زَادَهُمْ إِلَّا نُفُورًا ﴿٦٠﴾ اسْتِكْبَارًا فِي الْأَرْضِ وَمَكْرَ السَّيِّئِ وَلَا يَحِيقُ الْمَكْرُ السَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِ ۚ فَهَلْ يَنْظُرُونَ إِلَّا سُنَّتَ الْأَوَّلِينَ ۚ فَلَن نَّحْدِلَ لِسُنَّتِ اللَّهِ تَبْدِيلًا ۖ وَلَن نَّحْدِلَ لِسُنَّتِ اللَّهِ تَحْوِيلًا﴾

**«(Макка кофирлари) агар уларга бирон огоҳлантиргувчи (пайғамбар) келса, албатта ҳар қандай умматлардан ҳам ҳидоят топгувчироқ бўлишлари ҳақида жон-жаҳдлари билан қасам ичишганди. Бас қачонки уларга огоҳлантиргувчи (Муҳаммад алайҳис-салом) келгач, (бу)**

**уларни янада (ҳидоятдан) узоқлаштирди холос. Улар ерда мутакаббирлик қилган ва (пайғамбарга қарши) ёмон макр-ҳийла қилган ҳолларида (ҳидоятдан узоқлашишди). Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур. Бас улар фақат аввалгиларнинг суннатларига (яъни кўргуликларига) кўз тутушмоқда, холос (яъни уларнинг ҳам бошларига аввалги динсизларнинг куну тушар). Бас сиз ҳаргиз Аллоҳ суннати-қонунининг ўзгарганини кўрмасиз ва ҳаргиз Аллоҳ суннатининг айланганини (яъни азобга мустаҳиқ бўлган кимсалар қолиб, ўзгалар азобланганини) кўрмасиз»** [Фотир 42-43]

﴿أَفَلَمْ يَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَيَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ كَانُوا أَكْثَرَ مِنْهُمْ وَأَشَدَّ قُوَّةً وَأَثَارًا فِي الْأَرْضِ فَمَا أَعْنَى عَنْهُمْ مَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿42﴾ فَلَمَّا جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ فَرِحُوا بِمَا عِنْدَهُم مِّنَ الْعِلْمِ وَحَاقَ بِهِم مَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿43﴾ فَلَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا قَالُوا ءَأَمَنَّا بِاللَّهِ وَحَدُّهُ وَكَفَرْنَا بِمَا كُنَّا بِهِ مُشْرِكِينَ ﴿44﴾ فَلَمْ يَكُ يَنْفَعُهُمْ إِيمَانُهُمْ لَمَّا رَأَوْا بَأْسَنَا سُنَّتَ اللَّهُ الَّتِي قَدْ خَلَتْ فِي عِبَادِهِ وَخَسِرَ هُنَالِكَ الْكَافِرُونَ ﴿45﴾﴾

**«Ахир улар ер юзида сайру-саёҳат қилишиб, ўзларидан аввалги (ўз пайғамбарларини ёлғончи қилиб иймонсиз кетган) кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини (улар қандай қисматга йўлиқишганини) кўришса бўлмайдими?! Улар (Макка мушрикларидан) кўра кўпроқ ҳамда куч-қувват ва ердаги осори атиқалари жиҳатидан зўрроқ эди. (Аммо) уларга топган (молу-дунёлари ҳам, куч-қувватлари ҳам) асқотгани йўқ. Чунки уларга пайғамбарлари (Аллоҳга иймон келтириш ва У Зотга бўйсунуш зарур эканлиги ҳақида) аниқ ҳужжатлар келтирган вақтларида улар ўзларининг олдиларидаги (фақат дунёвий бўлган) билимлари билан шодланиб-мақтанишди (ва пайғамбарлари огоҳлантирган азобни масхара қилиб кулишди). Ва уларни ўзлари масхара қилгувчи бўлган (азоб) ўраб олди. Энди қачонки улар Бизнинг азобимизни кўришгач «Якка-ю ягона Аллоҳга иймон келтирдик ва (илгари Аллоҳга) шерик қилиб олганимиз бутларга кофир бўлдик», дейишди. (Лекин) Бизнинг азобимизни кўрган вақтдаги иймонлари уларга фойда бергувчи бўлмади. (Бу) Аллоҳнинг (барча) бандалари**

**ҳақидаги ўтган йўли – қонунидир** (яъни азоб тушган вақтида келтирилган иймоннинг фойдаси бўлмас). **Ва ўшанда кофирлар зиёнкор бўлишди»** [Ғофир 82-85]

Яна бундай деди:

﴿وَسَارِعُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٨٢﴾ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكُظَيِّمِ الْعَيْظِ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٣﴾ وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً أَوْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَاسْتَغْفَرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَن يَغْفِرِ الذُّنُوبَ إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصِرُّوا عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٨٤﴾ أُولَٰئِكَ جَزَاءُ هُم مَّغْفِرَةٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَجَنَّتْ تَجْرِي مِن تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا وَيَعْمَ أَجْرُ الْعَمَلِينَ ﴿٨٥﴾ قَدْ خَلَتْ مِن قَبْلِكُمْ سُنَنٌ فَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكْذِبِينَ﴾

**«Ва Парвардигорингиз томонидан бўлгучи мағфиратга ҳамда тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган эни осмонлар ва ер (баробарида) бўлган жаннатга шошингиз! (У тақводор зотлар) яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг (хато-камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик қилувчиларни севади. (У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолайиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишни сўрайдиган – ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур – ва билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир. Уларнинг мукофотлари Парвардигорлари томонидан мағфират ва тағларидан дарёлар оқиб тургучи жаннатлар бўлиб, улар ўша жойда абадий қолажақлар. Яхши амал қилгучиларнинг ажрлари нақадар яхши ажр! Сизлардан илгари ҳам кўп йўллар – тажрибалар ўтгандир. Бас, ерда айланиб юриб, Аллоҳнинг динини ёлғон деганларнинг оқибатлари қандай бўлганини бир кўринглар»**

[Оли Имрон 33-37]

Ушбу ояти карималар ва уларни тадаббур қилиш орқали шуни англаймизки, Аллоҳнинг суннати ёки суннатлари – Аллоҳнинг бу ҳаётда ўз бандалари устида жорий этган

ҳукмлари ва қонунларидир. Улар ҳеч қачон ўзгармайди ва алмашмайди.

Биринчи: Инсоннинг ер юзига халифа қилиниши – ҳақ ва ботил ўртасидаги кураш суннатига замин ҳозирлаш

Инсоннинг ер юзига халифа этиб тайинланиши ерни Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг минҳожига мувофиқ обод этиш учундир. Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига – Унга ҳеч қандай шерик келтирмаган ҳолда – ибодат қилиш ҳам шунинг ичига киради. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Эсланг, (эй Муҳаммад), Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман», деганида улар айтдилар: «У ерда бузғунчилик қиладиган, қонлар тўкадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан Сени улуғлаймиз ва Сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан»** [Бақара 30]

Яна бундай деди:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** [Зориёт 56]

Яна бундай деди:

﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ وَيُقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ وَذَلِكَ دِينُ الْقَيِّمَةِ﴾

**«Улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўқис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир»** [Баййина 5]

Ушбу оятлар Аллоҳнинг суннатларидан бирини таъкидламоқда: Аллоҳ инсонни бу ҳаётда беҳуда яратмаган. Аксинча, уни ҳайвонлар каби энг тубан даражага тушиб қолмаслиги учун, инсон зотини юксалтирувчи буюк мақсад ва олий ғоя учун яратган. Ушбу мақсад ер юзини Аллоҳнинг

манҳажига мувофиқ обод этишда ҳамда ибодатни Аллоҳ Таоло учун холис қилишда намоён бўлади. Бундан кўзланган олий ғоя эса Аллоҳ Таолони рози қилиш, оқибатда, охиратда жаннат ютуғига эришишдир. Қолаверса, ушбу мақсад ва ғоянинг моҳияти инсоннинг инсон сифатидаги азиз-мукаррамлигини рўйбга чиқаришдир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِّنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا﴾

**«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»** [Исро 70]

Иккинчи: Ибтило (синов) суннати

Бу – мўминни кофирдан, итоатгўйни осий ёки фосиқдан, нопокни покдан, бинобарин, ҳақ аҳлини ботил аҳлидан ажратиб олиш учундир. Мақсад ҳақ аҳлининг дунёда нусрат ва тамкин билан, охиратда жаннат билан мукофотланишга сазовор бўлишларини, ботил аҳлининг дунёда азобга, охиратда эса дўзах оловига лойиқ бўлишларини таъминлашдир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيٰوةَ لِيَبْلُوَكُمْ اَيْكُمْ اَحْسَنُ عَمَلًا وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيْمُ﴾

**«(Эй инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир»** [Мулк 2]

Яна бундай деди:

﴿الْم ۞ أَحْسِبَ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَامَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ ۞ وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ الْكٰذِبِينَ﴾

**«Алиф, Лом, Мим. Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Иймон**

*келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур»* [Анкабут 1-2]

Ушбу суннатлар иллатлик ва шартлилик қоидаларидан ҳамда Қуръоннинг турли ўринларидаги оятларнинг мазкур суннатларга далолатларидан истинбот қилинади. Синовнинг ҳикматларидан бири мўминнинг сабри, иймонида садоқати ва собитқадамлиги қай даражада эканини, унинг дунёда нусратга, охиратда эса энг олий даражаларни қўлга киритишга нечоғлик сазовор эканини аниқлашдир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تُدْخِلُوا الْجَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسْتَهْمِبِينَ﴾  
 وَالصَّرَآءُ وَزُلُوفًا حَتَّى يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَهُ مَتَى نَصَرَ اللَّهُ ءَلَا إِنَّ نَصْرَ اللَّهِ قَرِيبٌ﴾

*«Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгари ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?» деган эдилар. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: «Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир»* [Бақара 214]

Яна бундай деди:

﴿أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تُتْرَكُوا وَلَمَّا يَعْلَمِ اللَّهُ الَّذِينَ جَاهَدُوا مِنْكُمْ وَلَمْ يَتَّخِذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَا رَسُولِهِ وَلَا الْمُؤْمِنِينَ وَلِجَنَّةٍ وَاللَّهُ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ﴾

*«(Эй мўминлар), балки сизларнинг орангизда (ҳақ йўлда) курашган ва Аллоҳдан, Унинг Росулидан ва мўминлардан ўзга бирон кимсани дўст тутмаган зотларни, Аллоҳ билмасдан (яъни, имтиҳон қилмасдан ўз ҳолига) қўйиб қўйишини ўйлагандирсизлар?! Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир»* [Тавба 16]

Синов суннати бизга Аллоҳнинг мўмин бандаларига нисбатан раҳмати, карами ва адолати нақадар кенг эканини намоён этади. Зеро, мўмин киши (бошига тушган) синовни сабр ва Аллоҳнинг қазо-ю қадарига розилик билан қарши олса, бу унинг гуноҳларига каффорат бўлади. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿مَا كَانَ لِأَهْلِ الْمَدِينَةِ وَمَنْ حَوْلَهُمْ مِنَ الْأَعْرَابِ أَنْ يَتَخَلَّفُوا عَنِ رَسُولِ اللَّهِ﴾

**«Мадина аҳолиси ва уларнинг атрофларидаги аъробийлар учун (жиҳодга чиқмай) Аллоҳнинг пайғамбаридан қолишлари жоиз эмас эди»** [Тавба 120-121]

Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилдилар:

«مَا يُصِيبُ الْمُؤْمِنَ مِنْ نَصَبٍ وَلَا مَرَضٍ وَلَا هَمٍّ وَلَا حَزَنٍ وَلَا أَذَى وَلَا غَمٍّ، حَتَّى الشُّوْكَةِ يُشَاكُّهَا، إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا حَطَايَاهَا»

«Мўминга бирор машаққат, касаллик, ташвиш, маҳзунлик, азият ва ғам-ғусса етса, ҳатто унга бир тикон кирса ҳам, албатта, Аллоҳ булар сабабли унинг гуноҳларини ўчиради». Яна дедилар:

«لَا يُصِيبُ الْمُؤْمِنَ شَوْكَةٌ فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا نَقَصَ اللَّهُ بِهَا مِنْ حَطِيئَتِهِ»

«Мўминга бир тикон кирса ёки ундан каттароқ бирор мусибат етса, Аллоҳ ўша сабабли унинг гуноҳини камайтиради». Яна дедилар:

«مَا يَزَالُ الْبَلَاءُ بِالْمُؤْمِنِ وَالْمُؤْمِنَةِ فِي نَفْسِهِ وَوَلَدِهِ وَمَالِهِ، حَتَّى يَلْقَى اللَّهَ وَمَا عَلَيْهِ حَطِيئَةٌ»

«Мўмин ва мўминанинг ўзида, фарзандида ва мол-мулкида бало (синов) давом этаверади. Токи у Аллоҳга устида бирорта ҳам гуноҳи қолмаган ҳолда йўлиқади». Бақара сурасидаги ояти карима ушбу суннатни очиқ-ойдин таъкидлаш учун келди: Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَلَنَبْلُوَنَّكُمْ بِشَيْءٍ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّادِرِينَ ﴿١٠٤﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿١٠٥﴾ أُولَٰئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ﴾

**«Ва албатта сизларни хавфу хатар, очлик, молу-жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: «Албатта биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтгувчилармиз», дейдиган собирларга хушxabар беринг (эй Муҳаммад). Ана ўшаларга Парвардигорлари томонидан саловот (мағфират) ва раҳмат бордур. Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир»**

[Бақара 155-157]

Учинчи: Аллоҳ инсонга ҳақ ва ботилни танлаш имконини берди:

﴿قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِكُمْ سُنَنٌ فَسِيرُوا فِي الْأَرْضِ فَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُكَدِّبِينَ﴾

**«Сизлардан илгари ҳам кўп йўллар – тажрибалар ўтган. Бас, ерда айланиб юриб, Аллоҳнинг динини ёлғон деганларнинг оқибатлари қандай бўлганини бир кўринглар»**

[Оли Имрон 137]

﴿قُلْ لِلَّذِينَ كَفَرُوا إِنْ يَنْتَهُوا يُغْفَرْ لَهُمْ مَا قَدْ سَلَفَ وَإِنْ يَعُودُوا فَقَدْ مَضَتْ سُنَّتُ الْأَوَّلِينَ﴾

**«(Эй Мухаммад), кофир бўлган кимсаларга айтишги, агар (кофирликларидан) тўхташса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур. Агар яна (кофирликка) қайтишса, у ҳолда аввалгиларининг суннатлари (яъни, кўргуликлари) ўтган-ку, (яъни уларнинг ҳам бошларига аввалги кофирларнинг куну тушар)»**

[Анфол 38]

﴿وَمَا يَأْتِيهِمْ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ﴾ كَذَلِكَ نَسْلُكُهُ فِي قُلُوبِ الْمُجْرِمِينَ ﴿﴾  
 لَا يُؤْمِنُونَ بِهِ وَقَدْ خَلَتْ سُنَّةُ الْأَوَّلِينَ ﴿﴾

**«Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилиб кулишган эди. Шунингдек, уни (яъни, пайғамбарлар устидан кулиш иллатини) барча жинойтчи-осийларнинг дилларига солиб қўюрмиз. Улар унга (Қуръонга) иймон келтирмайдилар. Ҳолбуки, аввалгиларнинг суннатлари-ибратлари ўтгандир (яъни, аввалги кофирлик билан ўтган кимсаларнинг оқибатлари нима бўлгани маълумдир)»**

[Ҳижр 11-13]

Дарҳақиқат, ушбу ояти карималар коинотдаги боқий ҳақиқатни ҳамда ҳеч қачон ўзгармайдиган ва ортда қолмайдиган Раббоний қонунни очиб беради: Бу – ҳақ ва ботил ўртасидаги доимий кураш суннатидир. Ўтган умматларнинг суннатлари ана шундай кечди. Ушбу суннатлар Аллоҳ Таолонинг Пайғамбарларни ёлғонга чиқарувчиларни қандай жазолаганини намоён этди. Токи бу ҳар бир замондаги ёлғонга чиқарувчилар учун ибрат бўлсин. Шунингдек, мўминлар жаннат йўлининг синовлар, истехзо, ёлғонга чиқариш ва ҳақдан тўсишлар билан ўралганини билсинлар. Ҳамда жинойтчиларнинг қалблари – ўз қилмишлари сабабли – иймондан тўсилиб, кўрлик сари етакланишини, шунинг учун

иймон келтирмасликларини англасинлар. Дарҳақиқат, Аллоҳ инсонга ҳақ ёки ботилни, иймон ёки куфрни, яхшилик ёхуд ёмонлик йўлини танлаш имконини берди. Уни икки йўлдан бирига эргашиш – яъни ҳақ аҳлидан ёки ботил аҳлидан бўлиш – борасида ихтиёрли қилди. Шундай экан, инсон ўз танлови учун ҳисоб-китоб қилинади.

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿لَا أَسْأَلُ بِهَذَا الْبَلَدِ ﴿۱﴾ وَأَنْتَ حِلٌّ بِهَذَا الْبَلَدِ ﴿۲﴾ وَوَالِدٍ وَمَا وَلَدٌ ﴿۳﴾ لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي كَبَدٍ ﴿۴﴾ أَيْحَسِبُ أَنْ لَنْ يَفْقِرَ عَلَيْهِ أَحَدٌ ﴿۵﴾ يَقُولُ أَهْلَكْتُ مَالًا لُبَدًا ﴿۶﴾ أَيْحَسِبُ أَنْ لَمْ يَرَهُ أَحَدٌ ﴿۷﴾ أَلَمْ نَجْعَلْ لَهُ عَيْنَيْنِ ﴿۸﴾ وَلِسَانًا وَشَفَتَيْنِ ﴿۹﴾ وَهَدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ ﴿۱۰﴾﴾

«(Эй Муҳаммад), мана шу шаҳарга – ҳолбуки сиз ҳам мана шу шаҳарда яшайсиз – ҳамда ота ва ундан бўлган болаларга (яъни Одам алайҳис-салом ва унинг барча зурриётларига) қасамёд қилурманки, дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик. У ўзига ҳеч кимнинг кучи етмайди, деб ўйларми?! У (мақтаниб): «Жуда кўп мол-дунёни (сарфлаб) йўқ қилдим», дер. У ўзини (риёкорлик билан мол-дунё совураётган пайтида) ҳеч ким кўрмаган, деб ўйларми?! (Йўқ, Аллоҳ таоло ҳар вақт, ҳар нарсани кўриб-билиб турур!). Ахир Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб (ато) қилмадикми?! Ва Биз уни икки баландликка йўллаб қўйдик-ку!»

[Балад 1-10]

«Наждайн» (икки йўл) – яхшилик йўли ва ёмонлик йўлидир. Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿هَلْ أُنِى عَلَى الْإِنْسَانِ حِينٌ مِّنَ الدَّهْرِ لَمْ يَكُنْ شَيْئًا مَّذْكُورًا ﴿۱﴾ إِنَّا خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ مِنْ نُطْفَةٍ أَمْشَاجٍ نَّبْتَلِيهِ فَجَعَلْنَاهُ سَمِيعًا بَصِيرًا ﴿۲﴾ إِنَّا هَدَيْنَاهُ السَّبِيلَ إِمَّا شَاكِرًا وَإِمَّا كَفُورًا ﴿۳﴾﴾

«Аниқки, инсоннинг устига замондан у тилга олгулик бир нарса бўлмаган вақт-муддат ҳам келгандир. Дарҳақиқат, Биз инсонни (вояга етганидан сўнг шарият таклифлари билан) имтиҳон қилгувчи бўлган ҳолимизда (оталик ва оналик сувларидан) аралаш бўлган нутфадан яратдик. Бас, уни (Бизнинг оятларимизни тинглаши ва оламдаги Бизнинг борлигимизга далолат қилиб турган аломатларни кўриши учун) эшитгувчи, кўргувчи қилиб қўйдик. Дарҳақиқат, биз уни (инсонни) хоҳ у шукр қилгувчи-мусулмон бўлсин ва хоҳ

**кўрнамак-кофир бўлсин (тўғри) йўлга ҳидоят қилдик** (яъни шукр қилгувчилар Биз уларни ҳидоят қилган тўғри йўлни-ҳақ динни маҳкам тутадилар, кўрнамак кимсалар эса ўзларига кўрсатилган тўғри йўлдан юз ўгириб кетишади)» [Инсон 1-3]

Мана шу – инсон учун таклиф (шаръий масъулият) ва ҳисоб-китоб майдонидир. Зеро, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло унга яхшилик ва ёмонликни, ҳақ ва ботил йўлини, шунингдек, Аллоҳнинг дини ва манҳажиди юриш ёки ўз ҳавойи нафсига эргашишдан бирини танлаш ихтиёрини берди. Шундан сўнг, мукофотга сазовор бўлиш ёки жазога лойиқ топилиш, унинг танловига қараб белгиланади: агар у ҳақ йўлини танласа, унга дунёда Аллоҳдан нусрат ва тамкин, охиратда эса, Аллоҳнинг розилиги, мағфирати ҳамда кенглиги осмонлару ерга тенг бўлган жаннатлар насиб этади. Аммо, агар у ботил, куфр, ҳақни инкор этиш ва ер юзида бузғунчилик қилиш йўлини танласа, унинг жазоси дунё ва охиратда Аллоҳнинг ғазабидир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿فَلْنَا أَهْبَطُوا مِنْهَا جَمِيعًا ۖ فَإِمَّا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنْ تَبِعَ هُدَايَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ ﴿۳۸﴾ وَالَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا ۖ أُولَٰئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿۳۹﴾﴾

**«У жойдан (жаннатдан) ҳаммангиз тушинг», дедик. «Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, шу ҳақ йўлга эргашган кишиларга хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар». Оятларимизни инкор қилиб, ёлғон деган кимсалар эса дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қолажак»**

[Бақара 38-39]

Тўртинчи: Ҳақ ва ботил ўртасидаги доимий кураш

Ҳақ ва ботил, яхшилик ва ёмонлик йўли ҳамда ҳақ аҳли ва ботил аҳли ўртасидаги – то қиёмат қоим бўлмагунча ниҳоясига етмайдиган – доимий кураш шундай муқаррар тўқнашувки, унда икки томон ҳеч қандай ҳолатда бирлаша олмайди. Бундан келиб чиқадики, ҳақ аҳли ва ботил аҳли ўртасидаги алоқа душманлик алоқаси бўлади. Шундай экан, ҳақ аҳлига ботил аҳлини душман тутишдан ўзгаси жоиз эмас. Табиийки, модомики ҳақ аҳли Аллоҳ билан бирга бўлар экан, икки томон ўртасидаги кураш натижаси ҳақнинг ботил устидан ғалаба қозонишидир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿الْمُنْفِقُونَ وَالْمُنْفِقَاتُ بَعْضُهُمْ مِّنْ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمُنْكَرِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمَعْرُوفِ وَيَقْبِضُونَ أَيْدِيَهُمْ نَسُوا اللَّهَ فَنَسِيَهُمْ إِنَّ الْمُنْفِقِينَ هُمُ الْفٰلْسِقُونَ ﴿٦٧﴾ وَعَدَّ اللَّهُ الْمُنْفِقِينَ وَالْمُنْفِقَاتِ وَالْكٰفَرَآرَ نَارَ جَهَنَّمَ خٰلِدِينَ فِيهَا هِيَ حَسْبُهُمْ وَلَعَنَهُمُ اللَّهُ وَلَهُمْ عَذَابٌ مُّقِيمٌ﴾

**«Мунофиқ эркаklar ва мунофиқ аёллар бир-бирларидандирлар (яъни, кофирликда бир-бирларига ўхшашади). Улар ёмонликка буюришади, яхшиликдан тўхтатади ва (Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилишдан) қўлларини (ўзларини) тийишади. Улар Аллоҳни унутишгач, Аллоҳ ҳам уларни унутди. Албатта, мунофиқлар ҳақиқий фосиқ-итоатсизлардир. Аллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларга ҳамда кофирларга улар абадий қоладиган жаҳаннам оташини ваъда қилдики, ўша улар учун етарлидир. Аллоҳ уларни лаънатлади. Улар учун доимий азоб бордир»**

[Тавба 67-68]

Яна бундай деди:

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلٰوةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكٰوةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُوْلَهُٓ اُولٰٓئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

**«Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан тўхтатадилар, намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) ато этадилар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Шак-шубҳасиз, Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир»**

[Тавба 71]

Ушбу кураш ва адоватни тасдиқловчи яна бир омил: кофирларнинг Ислом ва унинг аҳлига барҳам бериш ҳақида доимий фикр юритишларидир. Бу йўлда улар ҳатто ўз мол-мулклари, куч-ғайратлари ва вақтларини қурбон қилишга ҳам тайёрдир. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا يَنْفِقُونَ ۖ أَمْوَالَهُمْ لِصُدُوٓا۟ عَنِ سَبِيلِ اللَّهِ ۖ فَسَيَنْفِقُونَهَا ثُمَّ تَكُوْنُ عَلَيْهِمْ حَسْرَةٌ ثُمَّ يُغْلَبُوْنَ ۗ وَالَّذِينَ كَفَرُوا إِلَىٰ جَهَنَّمَ يُجْشَرُوْنَ﴾

**«Албатта, кофир бўлган кимсалар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун ишлатурлар. Бас, уни**

**сарфлашади-ю, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, сўнгра мағлуб бўлурлар. Кофир бўлган кимсалар жаҳаннамга тўпланурлар»** [Анфол 36]

Келинг, Қуръон ушбу кураш ва адоватни нақадар қатъий таъкид ила ифода этганига эътибор қаратайлик. Бу Аллоҳ Таолонинг қуйидаги каломида ўз ифодасини топган:

﴿وَلَنْ تَرْضَىٰ عَنْكَ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَىٰ حَتَّىٰ تَتَّبِعَ مِلَّتَهُمْ ۗ قُلْ إِنَّ هُدَىٰ اللَّهِ هُوَ الْهُدَىٰ ۗ وَلَئِن لَّتَبَعْتَ أَهْوَاءَهُمْ بَعْدَ الَّذِي جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ مَا لَكَ مِنَ اللَّهِ مِن وَّلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ﴾

**«Яҳудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча ҳаргиз сиздан рози бўлишмайди. Айтинг: «Аллоҳнинг йўлигина ҳақиқий йўлдир». Қасамки, агар сизга келган ҳақиқий билимдан кейин уларнинг нафс-ҳаволарига эргашсангиз, Аллоҳ тарафидан сизга на бир дўст ва на бир ёрдам бергувчи бўлмайди»** [Бақара 120]

Шундай экан, мусулмон киши мусулмонлар ва ғайримусулмонлар ўртасидаги алоқани адоват ва муқаррар кураш алоқаси деб билади. Айнан шу сабабли, иззат эгаси бўлган Парвардигордан уларни дўст тутишни ҳаром қилувчи амр келди. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا عَدُوِّي وَعَدُوَّكُمْ أَوْلِيَاءَ ؕ لِقُومٍ ءِلَيْهِمْ ءِلْمُودَةٌ وَقَدْ كَفَرُوا بِمَا جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ يُخْرِجُونَ الرَّسُولَ وَإِيَّاكُمْ أَن تُؤْمِنُوا بِاللَّهِ رَبِّكُمْ إِن كُنتُمْ حَرَجْتُمْ جِهَدًا فِي سَبِيلِي وَءِيبِغَاءَ مَرْضَاتِي تُسِرُّونَ ءِلَيْهِمْ ءِلْمُودَةٌ وَأَنَا أَعْلَمُ بِمَا أَخْفَيْتُمْ وَمَا أَعْلَنْتُمْ وَمَن يَفْعَلْهُ مِنكُمْ فَقَدْ ضَلَّ سَوَاءَ السَّبِيلِ﴾

**«Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки улар сизларга келган Ҳақ (дин ва Қуръон)га кофир бўлишгандир! Улар пайғамбарни ҳам, сизларни ҳам Парвардигорларингиз бўлмиш Аллоҳга иймон келтирганларингиз сабабли (ўз диёрларингиздан) ҳайдаб чиқаришмоқда-ку! Агар сизлар Менинг йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиққан бўлсангизлар (у ҳолда мушрик-кофир кимсаларни дўст тутманглар)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик**

**қилмоқдасизлар. Ҳолбуки Мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши билгувчидирман! Сизлардан ким шу (иш)ни қилса, бас, аниқки, у тўғри йўлдан озибди!»** [Мумтаҳана 1]

Бешинчи: Иблис (Шайтон) фитнаси

Дарҳақиқат, Аллоҳ иблисни ва унинг шайтонлардан иборат тобеларини яратди. У (иблис) асли жинлар оламидандир. У Одамга сажда қилишни рад этиб, Роббисининг амрига фосиқ бўлгач, Аллоҳ уни Ўз раҳматидан қувди. Шунда иблис инсонни йўлдан оздириш ва ҳақ йўлидан узоқлаштириш йўлида тинимсиз ҳаракат қилишга ўз-ўзига қасам ичди (аҳд берди). Бу инсон учун унинг иймони нақадар кучли ва содиқ бўлиши ҳамда Аллоҳнинг тоатиға қаттиқ интилиши борасидаги имтиҳон ва синовдир.

Иблисининг фитнаси инсон учун шайтон изидан эргашисга ҳужжат (баҳона) бўла олмайди. Албатта, Аллоҳ Раҳмли ва Одилдир. Шу боис, биз Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг Китоб ва Суннат орқали инсонни шайтон изидан боришдан такрор-такрор огоҳлантирганини, айна вақтда, шайтоннинг инсон устидан ҳеч қандай ҳукмронлиги йўқлигини таъкидлаганини кўрамиз. Демак, ким шайтонга эргашса, бу унинг ўз иродаси ва иймонидаги заифлик сабабдир. Иймонида содиқ бўлган мўминга келсак, шайтон унга яқинлашишга ҳеч қандай йўл топа олмайди. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿يَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّبِعُوا خُطَوَاتِ الشَّيْطَانِ وَمَنْ يَتَّبِعْ خُطَوَاتِ الشَّيْطَانِ فَإِنَّهُ يَأْمُرُ بِالْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ مَا زَكَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ أَبَدًا وَلَٰكِنَّ اللَّهَ يُزَكِّي مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

**«Эй мўминлар, шайтоннинг изидан эргашманглар! Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, албатта (шайтон) бузуқлик ва ёмонликка буюрур. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу-марҳамати бўлмаса эди, сизлардан бирон киши (бирон гуноҳдан) пок бўлмас эди. Лекин Аллоҳ (фазлу-марҳамати билан) Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир»** [Нур 21]

Яна бундай деди:

﴿أَلَمْ أَعْهَدْ إِلَيْكُمْ يَبْنَىٰ عَادَمَ أَن لَا تَعْبُدُوا الشَّيْطَانَ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٦٠﴾ وَأَن

﴿عَبُدُونِي هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴿٦١﴾ وَقَدْ أَضَلَّ مِنْكُمْ جِبَلًا كَثِيرًا أَفَلَمْ تَكُونُوا تَعْقِلُونَ ﴿٦٢﴾﴾

**«Мен сизларга «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинглари! Мана шу тўғри йўлдир», деб буюрмаганмидим?! Аниқки (шайтон) сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир ақл юритгувчи бўлмадингизларми?!»** [Ясин 60-62]

Яна бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ فَلَا تَغُرَّنَّكُمُ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا وَلَا يَغُرَّنَّكُم بِاللَّهِ الْغُرُورُ ﴿٦٣﴾

﴿إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا إِنَّمَا يَدْعُو حِزْبَهُ لِيَكُونُوا مِنْ أَصْحَابِ السَّعِيرِ ﴿٦٤﴾﴾

**«Эй инсонлар, албатта Аллоҳнинг (қайта тирилтириш ва бу дунёда қилиб ўтилган яхши-ёмон амалларнинг мукофот жазосини бериш тўғрисидаги) ваъдаси ҳақ (ваъдадир). Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё алдаб қўймасин! Ва ҳаргиз сизларни Аллоҳ (барча гуноҳларни кечиб юбораверади, деб) алдагувчи (шайтон) алдаб қўймасин! Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглари! Шакшубҳасиз у, ўз фирқасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур»** [Фотир 5-6]

Яна бундай деди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ كُلُوا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا خُصُومَ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ

﴿مُبِينٌ ﴿٦٥﴾ إِنَّمَا يَأْمُرُكُمْ بِالسُّوءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَن تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٦﴾﴾

**«Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглари ва шайтоннинг изидан эргашманглари! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир. У сизларни фақат ёмонлик ва бузуқликка ва Аллоҳ шаънида билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради, холос»** [Бақара 168-169]

Олтинчи: Мусулмоннинг ушбу суннатлар билан муомаласи

Албатта, Аллоҳ инсонни ўзгармайдиган муайян табиат билан яратди. Зеро, инсон шундай «ҳаётий қувват»га эгаки, бу қувват уни ўз эҳтиёжлари ва ғаризаларини қондириш мақсадида коинотдаги мавжудотлар ва суннатлар билан муомала қилишга табиий равишда ундайди. Шунингдек, у барча махлуқотлардан

ажралиб турадиган ва шаръий таклиф ўрни бўлган ақл соҳибидир. Шундай экан, инсоннинг ушбу суннатлар билан муомала қилиши ва улардан таъсирланиши муқаррар.

Хўш, ушбу суннатларнинг инсон ҳаётига таъсири қандай? Бу ўринда бизни қизиқтирган инсон мусулмон шахсдир. Ҳар қандай инсоннинг сулуки (ҳаёт тарзи) унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари, яъни ақидаси асосида бўлгани учун, шунингдек, Исломи ақидаси саҳиҳ ақида бўлгани учун, суннатларга ҳамда уларнинг ўзгармас ва алмашмас эканига иймон келтириш ушбу буюк ақиданинг ажралмас қисмидир. Зеро, Исломи Уммат айнан шу ақида асосида шаклланди ва у (ақида) Умматнинг бирлиги, қуввати, сақофати, ҳазорати ва аслиятининг, қолаверса, минг йилдан зиёд вақт давомида унинг азизлиги, ғалабаси ва етакчилигининг асоси бўлди.

Аллоҳнинг суннатлари мусулмон кишининг ушбу ҳаётдаги саъй-ҳаракатлари йўлида тўсиқ эмас. Зеро, Аллоҳ инсонни ер юзига – Ўзи биз учун рози бўлган Раббоний манҳажга мувофиқ – ибодат қилувчи ва ерни обод этувчи бўлиб яшаши учун халифа қилди. Мусулмоннинг Аллоҳ Субҳанаҳуга ва ақидага тааллуқли барча нарсаларга, жумладан, Аллоҳнинг ҳеч қачон ўзгармас ва алмашмас суннатлари борлигига бўлган қатъий иймони уни ушбу ҳаётда Аллоҳ розилигига сабаб бўлувчи ишларни амалга ошириш сари, оқибатда, Аллоҳ Таолонинг мағфиратига эришиш ва жаннатга кириш сари етаклайди.

Зеро, мусулмон ўзининг ер юзини обод этиш ва Аллоҳга ибодат қилиш учун яратилганини ҳамда ҳар бир амали юзасидан ҳисоб қилинишини англагач, ушбу тушунча уни мазкур мақсадни рўёбга чиқариш йўлида бор куч-ғайрати ва қатъияти билан ҳаракат қилишга ундайди. У охиратни, ундаги ҳисоб-китоб ва жазо-мукофотни доимо кўз ўнгида тутди, шу боис, толиқмайди ва малолланмайди, аксинча, Али ибн Абу Толиб عليه السلامнинг: «Дунёнинг учун худди абадий яшайдигандек, охиратинг учун эса худди эртага ўладигандек амал қил», деган сўзларини ўзида мужассам этиб, бутун ҳаёти давомида ихлосли ва фаол банда намунасига айланади. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ Таолонинг қўйидаги каломи мусулмонга тушмайди:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُعْجِبُكَ قَوْلُهُ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيُشْهَدُ اللَّهَ عَلَىٰ مَا فِي قَلْبِهِ ۖ وَهُوَ أَلَدُّ الْخِصَامِ ﴿٢٠٤﴾ وَإِذَا تَوَلَّىٰ سَعَىٰ فِي الْأَرْضِ لِيُفْسِدَ فِيهَا وَيُهْلِكَ الْحَرْثَ وَالنَّسْلَ ۗ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الْفَاسَادَ ﴿٢٠٥﴾ وَإِذَا قِيلَ لَهُ اتَّقِ اللَّهَ أَخَذَتْهُ الْعِزَّةُ بِالْإِثْمِ فَحَسْبُهُ ۗ جَهَنَّمُ وَلَيْسَ الْمِهَادُ﴾

*«(Эй Мухаммад) одамлар орасида шундай кимсалар борки, унинг гапирган гапи, ҳаёти дунёда сизга қизиқ туюлади. Ва ўзи (Исломга) ашаддий хусуматчи бўлган ҳолида дилидаги «иймонига» Аллоҳни гувоҳ келтиради. (Олдингиздан) кетганида эса ерда бузғунчилик, экин ва наслларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди. Қачон унга: «Аллоҳдан қўрққин», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етаклайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!» [Бақара 204-206]*  
Балки мусулмонга нисбатан Унинг қўйидаги икки ояти қўлланади:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ أُتْبَعَاءَ مَرَضَاتٍ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

*«Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир»* [Бақара 207]

﴿قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

*«Айтинг: «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ учундир»*

[Анъом 162]

Шунингдек, мусулмонларнинг икки йўл: ҳақ ва ботил йўли бўлишининг муқаррар эканига, улар ўртасидаги кураш ва ҳақнинг ғалаба қозониши муқаррарлигига ҳамда нусрат ёлғиз Аллоҳ Таолонинг қўлида эканига бўлган иймонлари мусулмон кишини доимо ҳақни излашга, уни таҳаррий қилишга (ақлан излаб топишга), сўнгра унга иймон келтириб, ўзида мужассам этишга ундайди. Бу иш фақат шу билан чекланиб қолмайди, балки у Исломни ёйиш йўлида фаол ҳаракат қилади. Зеро, Аллоҳ бизга Исломга даъват қилишни фарз қилган. Шу билан бирга, мусулмон доимо Аллоҳ билан бирга бўлишга қаттиқ интилади ҳамда нусратни рўёбга чиқарадиган, Аллоҳ ва Росули ﷺ бизга васият қилган ва буюрган барча сабабларни ишга солади. Мусулмон киши умидсизлик ва тушкунликдан энг

йироқ инсон бўлади, у ўз амалида шижоатли ва пешқадам бўлиб, доимо нусрат ва нажот хушхабари билан яшайди. Чунки у биладики, амал қилиш ундан, натижалар, яъни нусрат ва нажот Аллоҳдан.

Шунингдек, муслмоннинг ибтило (синов) суннатига бўлган иймони уни сабрли, Аллоҳ Таолонинг адолатидан хотиржам ва Унинг қазосига рози бўладиган инсонга айлантиради. У биладики, синовда ҳикмат ва раҳмат мавжуд. Синов орқали инсонлар – яхшилари ёмонларидан, иймони содиқлари иймонсизларидан – ажралади. Шунингдек, бу айна раҳматдир, чунки у Аллоҳнинг қазосига рози бўлиши ва синовга сабр қилиши гуноҳларига каффорат бўлишини ва даражаларини кўтаришини билади. Бу эса уни ижобий (фаол) шахсга айлантирадики, Аллоҳ уни ҳар гал синовга дучор қилганда иймони, ишончи ва У Зот ҳақидаги яхши гумони зиёдалашиб боради ҳамда у умидсизлик ва тушкунликдан йироқ бўлган ҳолда, ўз йўлида қатъият ва азму қарор билан давом этишда собит туради. Росулulloҳ ﷺ бу ҳақда шундай деганлар:

«عَجَبًا لِأَمْرِ الْمُسْلِمِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ، وَلَيْسَ ذَلِكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُسْلِمِ؛ إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ، وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ»

«Муслмоннинг иши ажойиб! Унинг барча иши хайрлидир. Бу нарса муслмондан бошқа ҳеч кимда йўқ. Агар унга хурсандчилик етса, шукр қилади ва бу унга хайрли бўлади. Агар унга мусибат етса, сабр қилади ва бу ҳам унга хайрли бўлади». Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿إِنَّمَا يُوفَى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

«Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур»

[Зумар 10]

﴿وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ﴾

«Яна Роббингиз билдирган (бу сўзларни) эслангиз: «Қасамки, агар берган неъматларимга шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман. Энди агар куфрони (неъмат) қилсангизлар, албатта азобим ҳам жуда қаттиқдир»

[Иброҳим 7]

Муслмон киши ушбу суннат орқали дунёнинг ҳақиқатини, унинг синов диёри ва боқий ҳаётга ўтиш олдидан якун

топадиган вақтинчалик бир босқич эканини англаб етади, зеро, дунё охират йўлидир. Шу боис, унинг дунёдаги амали охират учун бўлади ва агар у дунё матоҳидан бирор нарсани қўлга киритолмаса ҳам, бунга парво қилмайди, шу сабабли, унинг оқибати охират ва ундаги нажотдир. Росулulloҳ ﷺ:

«مَوْعِدِي مَعَكُمْ لَيْسَ الدُّنْيَا، مَوْعِدِي مَعَكُمْ الْآخِرَةُ»

**«Сизлар билан учрашадиган жойим дунё эмас, сизлар билан учрашадиган жойим охиратдир»**, деб марҳамат қилганлар. Демак, муслмон холис ва жиддий амал қилувчи, довюррак, душманларга қарши жиҳодда жасур ва ўлимдан қўрқмайдиган чавандоздир. Чунки у ҳаёт ва мамот ёлғиз Аллоҳ Таолонинг қўлида эканига қатъий ишонади. Шунингдек, у ибодатга берилган обид ҳамдир, зеро, муслмонларнинг сифати кундузлари чавандоз (мужоҳид), кечалари эса обидлардир.

Ва ниҳоят, ушбу мавзуни – бизни доимо Аллоҳ Таолонинг махлуқотларидаги суннатларини ҳис қилиб туришга ундайдиган ҳамда муслмонда Аллоҳга таваккул қилиш ақидасини тирилтирадиган – мана бу шомил ва жомеъ кенг қамровли ҳадис билан якунлашни лозим топдим. Зеро, у бизни Аллоҳдан ёрдам сўрашга, Унинг розилигига ҳарис бўлишга ҳамда иззат-шараф туйғуси ва ёлғиз Аллоҳдангина қўрқиш ҳисси билан Унинг буйруқ ва қайтариқларини татбиқ этишга чорлайди. Абдуллоҳ ибн Аббос رضي الله عنهдан ривоят қилинади: «Бир куни Набий صلى الله عليه وسلمнинг орқаларида (мингашиб) эдим, у зот менга дедилар: «Эй йигитча! Мен сенга бир неча калималарни ўргатаман: Аллоҳни (Унинг амрларини) сақла, У сени сақлайди. Аллоҳни сақла, Уни рўпарангда топасан. Агар сўрасанг, Аллоҳдан сўра. Агар ёрдам тиласанг, Аллоҳдан ёрдам тила. Билгинки, агар Уммат сенга бирор нарса билан фойда бериш учун жамланса, Аллоҳ сенга ёзиб қўйгандан бошқаси билан фойда бера олмайди. Агар улар сенга бирор нарса билан зарар бериш учун жамлансалар, Аллоҳ сенга ёзиб қўйгандан бошқаси билан зарар етказа олмайди. Қаламлар кўтарилган ва саҳифалар қуриган». (Имом Термизий ривояти).

Сўнги дуойимиз – оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

## «MUST NOT DO»

**Ердан то қарор қабул қилиш (C2/C4I) инфратузилмасига қадар:**

**Армиясиз ишғол: Олти араб давлати ўз ҳарбий калитларини Вашингтон ва Тель-Авивга қандай топширди?**

Ал-Ваъй муҳаррири:

(The Washington Post) газетасида чоп этилган «Ҳукуматлар ўртасидаги яширин кўприк: Олти араб давлати ғазо уруши давомида сионистик вужуд билан қандай ҳамкорлик қилди?» мавзусидаги ҳисобот таҳлили.

Қон гирдоби ва вақти-вақти билан ўзилиб турган медиа сукунати манзарасида, (The Washington Post) ва (ICIJ – Халқаро тадқиқотчи журналистлар консорциуми) ҳамкорлигидаги суриштирув яҳудий вужуди билан олти араб давлатини боғлаб турувчи махфий ҳарбий ва хавфсизлик ҳамкорлиги тармоғини дунёга фаш этди. Ваҳоланки, ушбу араб вужудлари ғазодаги тажовузни ошқора қоралаб келаётган эди. Бу ҳамкорлик америкаликлар томонидан қўйидагича номланган «хавфсизлик» битими доирасида амалга оширилган:

Regional Security Construct (Минтақавий хавфсизлик тузилмаси).

The Washington Post

(The Washington Post) газетасининг (ICIJ) билан ҳамкорликда ўз сайтида эълон қилган «Arab states expanded cooperation with Israeli military during Gaza war, files show» (Файлларга кўра, араб давлатлари ғазо уруши давомида Исроил армияси билан ҳамкорликни кенгайтирган) номли тадқиқоти қўйидагиларни тасдиқлади:

Ҳисобот «CENTCOM» (АҚШ Марказий Қўмондонлиги) бошчилигидаги ҳарбий-хавфсизлик ҳамкорлик тузилмаси мавжудлигини тасдиқлади. Ушбу тузилма босқинчи вужуд билан биргаликда олти араб вужудини (Саудия, Миср, Иордания, Қатар, Баҳрайн ва Амирликларни) ўз ичига олади. Мазкур ҳамкорлик ғазо уруши давомида Regional Security Construct (Минтақавий хавфсизлик тузилмаси) сояси остида махфий равишда кенгайган бўлиб, у қўшма режалаштириш, маълумот алмашиш ва ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимидаги тобора кучайиб бораётган интеграцияни қамраб олади. Ваҳоланки, буларнинг барчаси мазкур араб вужудларининг

ошкора баёнотларида ғазодаги қирғин қораланаётган бир пайтда юз берди!

Биз ушбу кенгайтирилган таҳлилда (The Washington Post) газетаси чоп этган ҳисоботларни шунчаки қайта айтиб бермоқчи эмасмиз, балки ушбу жараёнлар ва уларнинг сабабларини чуқур ўрганиб, далилларни синчиклаб текширишни ҳамда «Бу ҳамкорлик нима учун? Бунинг халқлар, Ислом ва ахлоқ учун тўлови қандай бўлади?» деган саволни қўйишни мақсад қилганмиз.

**Ахлоқий позициядан келиб чиқиб қилинган хулоса:** бу шунчаки «сиёсий мувозанатлар» эмас, балки қирғин машинаси билан қилинган очиқ-ойдин тил бириктирувдир. Бу – Аллоҳ, Уммат ва тарих олдида вожиб бўлган қораловдир.

**Давлатлар ва шериклар: Ким иштирок этди-ю, ким кейинга қолди?**

Ҳужжатлар (Исроил) ҳамда Саудия, Миср, Иордания, Қатар, Баҳрайн ва Амирликларнинг иштирок этганини аниқ кўрсатади. Шунингдек, ҳужжатларда Кувайт ва Уммон «потенциал шериклар» (Potential Partners) қаторига киритилгани қайд этилган.

**Доиралар ва механизмлар: Мувофиқлаштириш қандай амалга ошди? Слайдлар таҳлили:**

**1 – Минтақавий хавфсизлик тузилмаси (Regional Security Construct)**

Бу 2022-2025 йиллар оралиғида АҚШ Марказий Қўмондонлигининг ички PowerPoint тақдимотларида ўртага чиққан атамадир. Ҳужжатлар шуни кўрсатадики, ушбу тақдимотлар ҳамкор давлатлар пойтахтларига, айримлари эса «Five Eyes» (АҚШ, Британия, Австралия, Канада ва Янги Зеландия) иттифоқига ҳам юборилган.

Ҳужжатлар ушбу ҳамкорлик янги ошкора иттифоқ эмаслигини ҳамда йиғилишлар «махфий» (in confidence) ўтказилиши лозимлигини қатъий таъкидлайди.

**2 – Мудофаа ва радар интеграцияси:** ички слайдларда қайд этилишича, «олти давлат» Америка мудофаа тизимлари орқали ҳаво ҳудудининг қисман манзарасини (partial air picture) қабул қилиб олади, яъни ҳар бир давлат ўз радарлари ёки сенсорларидан маълумотларни юборади ва улар марказий платформа орқали бошқа давлатларнинг маълумотлари билан

бирлаштирилади. Шунингдек, тақдимотларга кўра, айрим давлатлар махсус радарлари билан иштирок этади:

«Two partner nations sharing their own radar data via a U.S. Air Force squadron» (Икки ҳамкор давлат ўз радар маълумотларини АҚШ ҳаво кучлари эскадрони орқали ўзаро алмашмоқда). (The Washington Post).

Ушбу боғлиқлик (Исроил) ва ҳамкорларга – бу ҳақда расман эълон қилинмаган ҳолда – кенг қамровли разведка имкониятини тақдим этади.

**Хўш, қандай маълумотлар алмашилади?** Иштирокчи давлатлар ўз радарлари ва барвақт огоҳлантириш тизимларидан олинган тезкор маълумотларни узатадилар. Бу маълумотлар ҳаво объектларининг жойлашуви, самолёт ва дронларнинг парвоз йўналишлари, ракета учирилгани ҳақидаги сигналлар ҳамда уларни тутиб қолиш нуқталарини ўз ичига олади. Бундан ташқари, иттифоқчилар ўртасидаги тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида «ўзиники ёки бегона» (Identification Friend or Foe) тизими орқали аниқлаш маълумотлари ҳам тақдим этилади. Ушбу маълумотлар «ягона минтақавий ҳаво манзараси»ни (Regional Air Picture) тақдим этувчи Американинг марказий платформасига бирлаштирилади.

**Ҳарбий аҳамияти:** Ушбу ҳаво манзараси (Исроил) ва Америка қўмондонлигига Форс кўрфазидан Ўрта ер денгизининг шарқигача бўлган ҳаво ҳудудларини реал вақт режимида кузатиш имконини беради. Бу орқали Эрон, Яман ёки Фаластин томонидан содир этиладиган ҳар қандай ҳаракат дақиқалар олдин аниқланиб, мудофаа тизимлари уни бартараф этишга йўналтирилади. Шунингдек, бу (Исроил) ҳарбий-ҳаво кучларига араб ҳаво ҳудудларида – тўғридан-тўғри фош бўлмай туриб – режалаштириш ва хавфсиз парвоз қилиш учун янада кенг имконият беради.

**Стратегик мақсад:** Вашингтон назорати остида, даъво қилинаётган «Эрон хавфи»га қарши туриш учун араб ва (Исроил) мудофаа тизимларини ўзаро боғловчи муштарак қалқон барпо этиш, айни пайтда (Исроил)нинг ҳаводаги устунлигини ҳимоя қилиш ҳамда унинг фазо ва Суриядаги амалиётлари ҳеч қандай кутилмаган ҳолатларсиз давом этишини кафолатлаш.

**Масаланинг хатарли жиҳати шундаки,** ушбу интеграция баъзи араб радарларини босқинчи армиянинг «кўз»ларига айлантриб қўяди, бу эса қаршилиқ ҳаракатларини фoш этади ва ҳаво ҳужумлари учун лoгистик ҳимояни таъминлайди. Оқибатда бу, урушнинг чўзилишига, иштирокчи давлатлар суверенитетига путур етишига ҳамда халқларнинг ўз хавфсизлик қарорлари мустақиллигига бўлган ишончи барбод бўлишига олиб келади.

### **3 – Қўшма машғулотлар ва «Туннеллар уруши» семинарлари:**

Айрим тақдимот слайдларида қайд этилишича, машғулотлар асосан туннелларни аниқлаш, уларни йўқ қилиш ва ер ости йўллари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Бу – Ҳамас Ғазода қўллаган ўзига хос уруш усулидир. 2025 йилда бўлиб ўтгани ҳужжатлаштирилган йиғилишлардан бири АҚШнинг Кентукки штатидаги Fort Campbell базасида ташкил этилган. Унда ҳамкор давлатлар вакиллари туннел шароитида ҳаракат қилиш (уларга қарши курашиш) бўйича таълим олиш учун тўпланишган.

#### **Ушбу машғулотларда нималар амалга оширилади?**

Машғулотлар давомида иштирокчи давлатларнинг офицерлари, муҳандислик ва разведка бўлинмаларига – ер ости радарлари (Ground Penetrating Radar), тебраниш ва товуш сенсорлари ҳамда камера ва йўналтирилган портлатиш мосламалари билан жиҳозланган кичик роботлардан фойдаланган ҳолда – туннелларни аниқлаш, уларни ёриб кириш ва йўқ қилиш техникалари ўргатилади. Шунингдек, ер ости тўйнуқларини ёпиш ва улардан қайта фойдаланишнинг олдини олиш мақсадида, атрофдаги минтақалар хавфсизлигини таъминлаш услублари ҳам кўрсатиб ўтилади.

**Ҳарбий аҳамияти:** «Туннеллар уруши» – Ҳамас ва Фаластин қаршилиқ ҳаракати мудофаа тактикасининг ўзаги саналади. У Ғазода (Исроил) армияси учун муттасил муваффақиятсизлик омилига айланган эди. Шу боис, ушбу машғулотлар АҚШнинг бевосита назорати остида (Исроил) армияси тажрибасини араб кучларига ўтказишни ҳамда ўта мураккаб ер ости шароитларида ҳаракатлана оладиган бўлинмаларни шакллантиришни кўзлайди. Бу эса, майдондаги разведка

ҳамкорлиги тармоғини мустаҳкамлайди ва оператив мувофиқлаштириш самарадорлигини оширади.

**Стратегик мақсад:** Туннеллар ва қуролли гуруҳларга қарши урушларда (Исроил) ҳарбий доктринасига мос келувчи араб ҳарбий салоҳиятини шакллантириш. Бу эса, ўз навбатида, ушбу армияларни Вашингтон етакчилик қиладиган ва (Тель-Авив) манфаатдор бўлган «минтақавий хавфсизлик» тизимига интеграция қилиш учун замин ҳозирлайди. Бошқача айтганда, машғулотлар шунчаки тажриба алмашишдан майдондаги жанговар доктринани бир хиллаштиришга айланиб бормоқда.

**Хатарли жиҳати:** Ушбу турдаги машғулотлар араб ҳарбий онгида душман билан муносабатни қайта нормаллаштиради ва фаластинликлар қони эвазига орттирилган тажрибани умумий ўқув материалига айлантиради. Шунингдек, у иштирокчи давлатларнинг ахлоқий ва сиёсий позициясини заифлаштиради. Негаки, бу ҳолат уларни босқинчининг – Фаластин Қаршилиқ ҳаракатининг энг муҳим қуролларидан бири бўлган туннелларни ишдан чиқариш борасидаги – салоҳиятини оширишга билвосита ҳисса қўшувчига айлантиради.

**4 – Ахборот амалиётлари ва ҳамкорлар нарративи:** Тақдимотлар орасида «Ахборот амалиётлари» (Information Operations)ни бошқариш режаси ҳам ўрин олган. Ундан кўзланган мақсад Эроннинг ўзини Фаластин ҳуқуқлари «ҳимоячиси» ўлароқ кўрсатувчи нарративига қарши туриш ҳамда «минтақавий ҳамкорлар»нинг фаровонлик ва ҳамкорлик ҳақидаги талқинини тарғиб қилишдир.

Слайдлардан бирида сўзма-сўз шундай дейилган: «Propagate [a] partner narrative of regional prosperity and cooperation» (Шерик томоннинг минтақавий фаровонлик ва ҳамкорлик ҳақидаги нарративини тарғиб қилиш). (The Washington Post).

Яъни, ушбу мувофиқлаштирувнинг разведка ва сиёсий жиҳатдан легитимлигини қўллаб-қувватловчи медиа риторикасини ишлаб чиқиш йўлида тизимли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ахборот амалиётлари ва «шериклар» нарративида нималар юз бермоқда? Хабарлар ва контентдан иборат шундай уюшган кампания лойиҳалаштирилмоқдаки, у (Исроил) ва араб давлатлари ўртасидаги хавфсизлик ҳамкорлигини оқлайдиган

ва нормаллаштирадиган минтақавий ҳамда халқаро жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган. Қўлланилаётган услублар қуйидагиларни ўз ичига олади: сараланган фактлар билан қувватланган видеоматериаллар ва таҳлилий мақолалар тайёрлаш; контент қамровини кенгайтириш (бўрттириш) учун сохта akkaунтлар (ботлар) тармоғидан фойдаланиш; нарративни қўллаб-қувватловчидек кўринадиган «мустақил экспертлар» иштирокидаги интервьюларни олға суриш; ёш, ҳудуд ва қизиқишлар бўйича аниқ аудиторияни нишонга олувчи пуллик реклама кампанияларини юритиш. Шунингдек, маҳаллий ва минтақавий медиа воситалари ишга солиниб, қаршилиқ ёки фаластинликлар ҳақ-ҳуқуқлари нарративи ўрнига муқобил сифатида «фаровонлик» ва «ҳамкорлик» ҳақидаги такрорий хабарлар сингдирилади.

Хўш, нималар алмашилади ёки ҳаракатга келтирилади? Бунда марказлашган ҳолда тайёрланган хабарлар, нишонга олинган объектлар ва аудитория сегментлари рўйхати, тайёр медиа материаллар (қисқа видеолар, инфографикалар, таҳлилий мақолалар) ҳамда пулли рекламалар воситасида нишонга олиш учун мўлжалланган аудитория маълумотлари базаси узатилади. Бундан ташқари, энг самарали хабарларни шакллантириш мақсадида жамоатчилик фикрига оид разведка маълумотлари ҳам қўшилади. Ушбу материаллар ҳамкорлар ўртасидаги хавфсиз мувофиқлаштирув платформаси орқали алмашилади.

Ҳарбий ва сиёсий аҳамияти: Ахборот амалиётлари ҳарбий ва хавфсизлик чора-тадбирларини қонунийлаштириш учун сиёсий ва ижтимоий муҳитни ҳозирлашга хизмат қилади. Ахборот жиҳатидан эса, муҳокамалар ўзанини «барқарорлик ҳақидаги мулоқот», «Эрон хавфи» ва «минтақавий хавфсизлик эҳтиёжлари» томон буриш орқали махфий ҳамкорликнинг фош бўлиши оқибатларини юмшатади.

Сиёсий жиҳатдан бу амалиёт ҳукуматларга бўлаётган босимни камайтиришга ҳамда «хавфсизлик компаси» (стратегик йўналиш) элементлари устидан суверенитетни Ғарб-Араб-(Исроил) муштарак тизимига топширишни жамоатчилик кўзида мақбул қилиб кўрсатишга хизмат қилувчи ижтимоий ва дипломатик ниқобни яратади.

**Стратегик мақсад:** Эътиборни фаластинлик тинч аҳолининг азоб-уқубатларидан хавфсизлик, фаровонлик ва ташқи таҳдид атамаларига бурадиган муқобил нарративни шакллантириш. Бундан (Исроил)ни қўллаб-қувватловчи ёки унинг майдондаги позициясини кучайтирувчи ҳар қандай ҳарбий ёки логистик ҳамкорликни сиёсий ва амалий жиҳатдан қонунийлаштириш кўзланган бўлиб, келгуси йилларда ушбу нарратив ташқи сиёсат прагматизми ва хавфсизлик қарорлари таянадиган асосий мезонга айланади.

**Хатар ва ахлоқий оқибат:**

1 – **Халқларни чалғитиш:** Ҳақиқатларни яшириш ёки уларни қайта шакллантириш халқ иродасини сохталаштиради ва унинг онгига путур етказилади.

2 – **«Қарши нарратив»ни бостириш:** Фаоллар ҳаётини бузиб кўрсатиш ёки норози овозларни обрўсизлантириш тактикалари билан таъқиб қилиш орқали эркин фуқаролик майдонига путур етказилади.

3 – **Тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатиш:** «Муқобил ҳақиқат»ни яратиш золимона сиёсатлар умрини узайтиради ва айбдорларни жавобгарликка тортишга тўсқинлик қилади.

4 – **Зарарли технологияларни ишга солиш:** Ботлар, сохта аккаунтлар, «электрон пашшалар» (троллар), контентни сунъий «кучайтириш» ва эҳтимол, қалбакилаштирилган материалларга (дипфейкларга) таяниш оммавий ахборот воситаларига нисбатан ишончсизликни ёяди ва жамиятда янада чуқурроқ қутблашувни келтириб чиқаради.

**Мухтасар хулоса:** Мазкур ахборот амалиётлари шунчаки ўткинчи ташвиқот кампаниялари эмас, балки улар ўзлари қўллаб-қувватлаётган ҳарбий ва сиёсий амалиётларнинг ҳаётийлигини ҳимоя қилиш ҳамда умрини узайтиришга қаратилган стратегик тизимнинг бир қисмидир. Улар уруш масаласини ахборот жиҳатидан шундай асослайдики, натижада у жамоатчилик назарида мақбул ёки зарурат бўлиб кўринади, бу эса хавфсизлик хизматлари ва халқаро кучлар билан иттифоқдош бўлган медиа машинасининг энг хатарли жиҳатидир.

5 – **Ҳимояланган алоқа платформаси ва қўшма кибер марказ:** Ҳужжатлар шуни кўрсатадики, ҳамкор давлатлар ўзаро ва Америка қўмондонлиги билан тўғридан-тўғри алоқа

Ўрнатишлари учун «АҚШ бошқарувидаги хавфсиз чат тизими»га (US-run secure chat system) киритилган ҳамда қўшма разведка платформасига уланган. Слайдлардаги режалар 2026 йилга қадар ҳамкор давлатлар ўртасида кибер мудофаа ва мувофиқлаштириш вазифаларини бажарувчи Бирлашган Яқин Шарқ кибер хавфсизлик марказини (Combined Middle East Cyber Center) таъсис этишни назарда тутди.

**Алоқа платформаси ва кибер марказда нималар юз беради?** Иштирокчи давлатлар АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари бошқарувидаги ҳимояланган хабар алмашиш тизимига киритилди. Ушбу тизим араб ва (Исроил) тезкор бошқарув марказлари ҳамда АҚШ Марказий Қўмондонлиги ўртасида оний (бир лаҳзада содир бўладиган) алоқани таъминлайди. Мазкур платформа маҳаллий миллий тармоқларни четлаб ўтувчи шифрланган алоқа каналлари орқали майдондаги тезкор разведка маълумотларини – барвақт огоҳлантиришлар, ракета учириш нуқталари, дронлар фаолияти ва бўлинмалар ҳаракатини – ўзаро алмашиш имконини беради. Параллел равишда, 2026 йилга келиб иш бошлаши кутилаётган ва кибер мудофаани мувофиқлаштириш ҳамда даъво қилинаётган «Эрон» кибер ҳужумларига қарши туриш вазифасини ўз зиммасига олувчи Бирлашган Яқин Шарқ кибер хавфсизлик маркази барпо этилмоқда.

**Ҳарбий аҳамияти:** Ушбу платформа ва марказ минтақадаги қўмондонлик ва бошқарув (C4I) тармоғининг таянч ўзаги ҳисобланади. Улар араб ва (Исроил) қўмондонлик марказларини бевосита боғлайди, бу эса анъанавий миллий қарор қабул қилиш тузилмаларини четлаб ўтган ҳолда, сониялар ичида қарор қабул қилиш ҳамда ракеталарни тўсиб қолиш ёки зарба беришни амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, кибер марказ электрон кузатув ва тизимларни бузиб кириш соҳасида маълумотлар таҳлили ҳамда сунъий интеллект воситаларини ўзаро алмашиш учун замин яратади, бу эса хавфсизлик интеграциясини миллий даражадан юқори босқичга кўтаради.

**Стратегик мақсад:** Яқин Шарқдаги рақамли мудофаа инфратузилмасини Американинг доимий назорати остида ягона тизимга бирлаштириш. Бунда араб ҳарбий тизимлари амалий жиҳатдан Америка-(Исроил) оператив тармоғига

---

бириктирилади, ҳассос маълумотлар оқими эса Вашингтон ва (Тель-Авив)нинг кузатув ҳамда тийиб туриш мақсадларига хизмат қилувчи ягона ишончли тизим доирасида назоратга олинади.

**Хатарли жиҳати:** Ушбу лойиҳа кибер хавфсизлик ва электрон бошқарув калитларини давлатлар қўлидан хорижий қўмондонлик штабига ўтказди. Бу эса, ҳал қилувчи қарорлар (тўсиб қолиш, нишонга олиш ва кузатиш) миллий иродадан ташқарида қабул қилиниши мумкинлигини англатади. Шунингдек, бу тизим (Исроил)га араб алоқа ва кузатув инфратузилмаларига билвосита кириш имконини беради. Бу ҳолат мудофаа тизимлари махфийлигига таҳдид солиб, уларни икки томонлама кузатув воситаларига айлантиради. Шу тариқа, техник ҳамкорлик келажакда узиб бўлмайдиган хавфсизлик тобелигини мустаҳкамловчи рақамли суверенитет қарамлиги гаровига айланади.

**5 – Эрон ракеталарига қарши туриш:** Радар ҳалқалари ва жамоий тўсиб қолиш.

2024 йил 13-14 апрел кунлари Эрон (Исроил) томон 300дан ортиқ дрон ва ракеталарни учирди. Бир-бирини тасдиқловчи профессионал хабарларга кўра, уларнинг мутлақ кўпчилиги АҚШ, Британия, Франция ва Иордания иштирокидаги қўшма мудофаа соябони воситасида уриб туширилди.

(Reuters) ҳисоботларига кўра, Америка кучларининг ўзлари ҳужум давомида қарийб 80та дрон ва 6та ракетани йўқ қилган, бу эса тўсиб қолиш тармоғини бошқаришда Американинг оператив роли нақадар катта эканини намоён этади. (Reuters).

(The Wall Street Journal – WSJ) ҳисоботларида Вашингтон мўрт бир минтақавий иттифоқни йиллар давомида қандай мувофиқлаштиргани шарҳланган. Бу жараён барвақт огоҳлантиришлар, ҳаво йўлаклари ва ўзаро кесишувчи радар кузатуви маълумотларини алмашиш имконини бериш орқали минтақадаги «Интеграциялашган ҳаво мудофааси» тузилмаси учун амалий синов вазифасини ўтади. (WSJ). Ички вазиятга келсак, Иордания ўз ҳаво ҳудудида «ўнлаб» дронларни уриб туширганидан кейин халқ ғазабига дуч келди. Бироқ расмийлар ушбу қадамни суверенитетни ва тинч аҳоли хавфсизлигини ҳимоя қилиш зарурати деб оқлашди. (Reuters).

(Исроил) салоҳиятига таъсири: Ушбу минтақавий қалқон «ракеталарни тўсиб қолиш эҳтимоли»ни мисли кўрилмаган даражаларга кўтарди ва узоқ масофали ҳужумлар таъсирини камайтирди. Бу эса (Исроил)га Ҳазодаги амалиётларини давом эттириш учун қўшимча вақт ҳамда янада кенгроқ қарор қабул қилиш эркинлигини тақдим этди. (The Wall Street Journal).

**6 – (Исроил)нинг Эронга қарши зарбалари учун шароит яратиш. (Имконият яратувчи муҳит):**

Гарчи араб пойтахтлари «ҳужумкор парвозларга рухсат»ни ошкора эълон қилмаган бўлса-да, араб давлатлари иштирок этган кузатув ва огоҳлантириш-тўсиб қолиш тармоғи ҳамда Американинг олдинги базаларидан туриб кўрсатган ёрдами (Исроил)нинг Эрон ва унинг иттифоқчиларига қарши амалиётлари учун ўзига хос «имконият яратувчи муҳит»ни шакллантирди (булар: барвақт огоҳлантириш, тўқнашувларнинг олдини олиш йўлаклари, ҳавода ёқилғи қуйиш ва ҳаво вазияти манзарасини ўзаро алмашишдир). (The Wall Street Journal) ҳисоботлари ушбу тузилмани апрель ойидаги ҳужумни қайтариш ва кенгроқ минтақавий парчаланишнинг олдини олишдаги «тамал тоши» деб таърифлади. (WSJ).

(Washington Post) ва (ICIJ) ҳужжатларининг ўзи шуни тасдиқлайдики, ҳамкорлар радарларидан келиб тушадиган маълумотлар асосида шаклланивчи ҳаво ҳудудининг қисман манзараси (partial air picture) ҳамда Америка бошқаруви остидаги хавфсиз чат платформалари мавжуд бўлиб, бу оний мувофиқлаштиришга имкон яратади. (The Washington Post).

**Якуний натижа:** (Исроил) ҳарбий-ҳаво кучлари учун ахборот-оператив майдонининг очилиши Эрон билан ҳар қандай бевосита тўқнашувдаги хатар ва харажатларни камайтирди. Шунингдек, бу ҳолат яҳудий вужудининг Ҳазодаги уруш суръатини сақлаб қолиш салоҳиятини мустаҳкамлади. (WSJ).

**7 – Ҳусийларнинг дрон ва ракеталарини аниқлаш ҳамда тўсиб қолиш:**

2023 йил охиридан бошлаб Ҳусийлар Қизил денгиз ва Бобил-Мандаба (Исроил)га алоқадор ёки уни қўллаб-қувватловчи юк ташиш кемаларига қарши шиддатли кампания бошладилар. АҚШ ва ғарблик ҳамкорлар – араб давлатларининг денгиз хавфсизлиги умумий тузилмасига сиёсий ва логистик жиҳатдан жалб этилиши баробарида –

(дрон ва ракеталарни) тўсиб қолиш ҳамда олдини олувчи зарбалар бериш амалиётларига етакчилик қилишди. (Security Council Report/Centcom).

CENTCOM баёнотлари кетма-кет тўсиб қолиш ҳолатларини кўрсатади. (Масалан, 2024 йил 23 мартда Қизил денгиз узра бта дрон уриб туширилгани ҳақидаги баёнот). Ушбу амалиётлар Ҳусийларнинг (Исроил)га тўғридан-тўғри зарбалар йўллаш имкониятини чеклайди ҳамда унинг денгиз таъминот йўллари хавфсизлигини нисбатан таъминлайди. (Centcom).

Натижа: Ҳусийлар таҳдидининг салмоқли қисми зарарсизлантирилгани (Исроил) учун савдо ва энергетика оқимининг минимал даражасини сақлаб қолди, гарчи (Washington Post) ҳисоботида кўра, Эйлат порти фаолияти қарийб 90%га камайган бўлса-да.

### **8 – (Исроил)ни озиқ-овқат ва хом ашё билан таъминлаш учун «қуруқлик кўприги».**

Қизил денгиз хатарлари кучайиши манзарасида, Кўрфаздан (Исроил)га – Амирликлардан Саудияга, ундан Иорданияга ва (Қирол Ҳусайн кўприги) орқали Ҳайфа-Ашдодгача – чўзилган сокин (тинч) қуруқлик йўлаги ишга туширилди.

Бир-бирига ўхшаш профессионал ҳисоботлар: Times of Israel («Houthi bypass» Ҳусийларни четлаб ўтиш номли тадқиқот), Bloomberg, VOA, The New Arab, Middle East Monitor, буларнинг барчаси 2024 йил бошидан буён ушбу қуруқлик йўлагининг ривожланиб борганини ҳужжатлаштирди. Бунда логистика компаниялари (масалан, Trucknet) муҳим ўрин тутиб, баъзи ҳассос юкларнинг (янги озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат хом ашёлари ва тез бузиладиган товарлар) Жабал Алидан Ҳайфага етиб бориш вақтини тўрт кунгача қисқартиришга эришди. (Middle East Monitor, The Times of Israel, Bloomberg).

(Washington Institute)нинг ихтисослашган таҳлиллари «Амирликлар-Саудия-Иордания-(Исроил) қуруқлик йўлаги»ни – ушбу йўналишда амалда фаолият юритаётган компаниялар мавжудлиги билан бирга – муқобил логистик ечим сифатида очиқ-ойдин қайд этди. (washingtoninstitute.org).

Натижа: Ушбу «қуруқликдаги муқобил йўл» – Қизил денгиз фаолиятининг тўхтаб қолишига қиёслаганда – (Исроил)даги озиқ-овқат ва савдо омборларини нормал ҳолатга яқин даражада сақлаб турди. Бу эса ҳукумат ва иқтисодиётга бўлган

ички босимни камайтиришга, оқибатда, урушни давом эттириш салоҳиятини узайтиришга ҳисса қўшди. (The New Arab).

**9 – Америка базаларининг можарони бошқаришдаги роли (Илғор оператив штаблар):**

Удайд (Қатардаги CENTCOM илғор қароргоҳи), Бирлашган Араб Амирликларидаги Зафра ва Иорданиядаги Муваффақ Салтий каби базалар – ISR (разведка ва кузатув), қирувчи ҳамда тутиб қолувчи самолётлар, ҳавода ёқилғи қуйиш таъминоти, шунингдек, «Patriot» ва денгиз «AEGIS» тизимларини ўзаро боғловчи яхлит тармоқни ташкил этади. Улар минтақавий ҳаво мудофааси амалиётлари устидан қўмондонлик ва бошқарувнинг таянч ўзагини ташкил этади. (Reuters), Британия парламенти ва Америка расмий агентликларининг ҳисоботлари – хусусан, 2024 йил апрел ойидаги ҳужумни қайтаришда – ушбу ролни ҳужжатлаштирган. (Reuters, researchbriefings.files.parliament.uk).

Натижа: Ушбу ҳарбий базалар тармоғисиз, 2024 йил апрел ойида кузатилган тўсиб қолиш даражасига эришиш ёки Ҳусийлар платформаларига қарши денгиз ва ҳаво зарбаларини ташкил этиш имконсиз бўлар эди. Бу Америка қўмондонлиги ниқоби остида Араб-(Исроил) ҳамкорлигини осонлаштирувчи таянч марказидир.

**10 – Разведка ва ўқув-машғулот интеграцияси:** Туннеллар, хавфсиз чатлар ва «шериклар нарративи»:

(Washington Post) ва (ICIJ) ҳужжатлари қуйидагиларни ошкор этади: туннеллар уруши бўйича семинар ва машғулотлар (жумладан, Fort Campbellдаги йиғилишлар) ўтказилгани, араб давлатларининг Америка кучлари бошқарувидаги хавфсиз чат платформаларига улангани, «шерикларнинг фаровонлик ва ҳамкорлик ҳақидаги нарративи»ни тарғиб қилиш ва Эрон нарративига қарши туришга қаратилган «ахборот амалиётлари» режалари мавжудлиги. (The Washington Post).

**Таҳлилий хулоса:** Қаршимизда бир-бирига боғлиқ ҳамкорликлар занжири мавжуд: кузатув, огоҳлантириш ва тўсиб қолиш, қуруқлик ва озиқ-овқат логистикаси, ахборот уруши ҳамда тактик машғулотлар, буларнинг барчаси, сиёсий бадалга қарамай, (Исроил)нинг урушни давом эттириш салоҳияти муддатини узайтиришга хизмат қилади.

---

**11 – «Ёрдам кўлами» ва унинг таъсирини баҳолаш (Тезкор рақамли хулоса):**

- 2024 йил 13-14 апрел кунлари учирилган 300дан ортиқ Эрон дрон ва ракеталарининг аксари Америка-(Исроил)-Ғарб мувофиқлаштируви ҳамда Иордания иштирокида уриб туширилди. (Reuters).

- (Reuters)нинг дастлабки баҳолашига кўра, биргина Америка кучлари тахминан 80та дрон ва бта ракетани уриб туширган. (Reuters).

- Ҳусийлар сабабли Эйлат порти фаолияти 90%га қисқарди, бироқ, Амирликлар-Саудия-Иордания орқали ўтувчи «қуруқлик кўприги» таъминот (озиқ-овқат ва тез бузиладиган хом ашёлар) ўрни қопланишини кучайтирди.

- Радар интеграцияси, хавфсиз чатлар ва туннеллар бўйича машғулотлар: Washington Postга сизиб чиққан слайдларда ҳужжатлаштирилган бу фактлар, шубҳасиз, қораловдир.

Қирғин, этник тозалаш ва геноцид содир этилаётган бир пайтда босқинчи армия билан – хоҳ рақибларининг ракеталарини тўсиб қолиш бўлсин, хоҳ араб ерлари орқали унинг озиқ-овқат ва таъминотини кафолатлаш бўлсин – махфий мувофиқлаштирув олиб бориш ғазо қонларига нисбатан ошқора хиёнат ҳамда араб салоҳиятини қурбонни ҳимоя қилиш ўрнига, жаллодни ҳимоя қилишга сафарбар этишдир. Ушбу тузилмаларни жавобгарликка тортиш, хиёнат йўналишларини фош этиш ва мазкур тил бириктирув тармоқларини йўқ қилиш масъулияти малайлик ва хиёнатга ғарқ бўлган ушбу режимларни парчалаб ташлаш орқали амалга ошириладиган Уммат зиммасидаги диний ва ахлоқий вожиб вазифадир.

**Ҳамкорлик кўлами ҳамда унинг ғазо уруши ва жорий келишувларга таъсири. Назариядан амалиётгача:**

Саудия, Миср, Иордания ва бошқалар оммавий ахборот воситаларида (Исроил) кампаниясини қоралаётган бир пайтда, парда ортида кенг қамровли ҳарбий-разведка ҳаракати авж олган эди. Ҳужжатлар шуни кўрсатадики, 2022-2024 йиллар оралиғида бир нечта давлат муштарак ҳаво мудофааси тизимларига боғланган. Бу эса амалиётда радар ва электрон маълумотларни алмашишни англатади. (The Washington Post). Слайдларга кўра, (Исроил) ва араб пойтахтлари ўртасидаги

радар ҳамкорлиги томонларга янада мукаммал «ҳаво манзараси»ни кўриш имконини берган, бу эса улкан разведка ютуғи ҳисобланади.

**Заифликни фош этган ҳодиса: Давҳага зарба (2025 йил 9 сентябр).**

Ушбу мудофаа алоқасига қарамай, тизим Қатарни (Тель-Авив) Давҳадаги Ҳамас етакчиларини нишонга олганини эълон қилган (Исроил) ҳаво зарбасидан ҳимоя қила олмади. Ҳужжатлар ва маълумотларга кўра, Америка тизимлари – гарчи зарба уларнинг радарлари ва ҳаво кузатуви доирасига йўналган бўлса-да – мазкур зарбани олдиндан қайд этмаган. Кейинчалик Нетаняху Қатардан узр сўради ва Америка босими остида «зарба такрорланмаслигини» билдирди. Эҳтимолга энг яқин тахмин шуки, разведка ҳамкорлиги Нетаняхуга Қатардаги Ҳамас етакчиларини бира тўла йўқ қилиш орқали «ғалаба манзараси»ни тақдим этиш мақсадида Қатарни маълумот алмашиш тизимидан узиб қўйган бўлиши мумкин. Зеро, бу – (Исроил) ва Американинг муштарак мақсадидир.

**Ўт очишни тўхтатиш келишуви ва ғазони кузатиш кучлари хусусида:** Ўт очишни тўхтатиш ва асир алмашиш бўйича музокаралар авжига чиққан бир пайтда, кузатув миссияси доирасида 200 америкалик аскарнинг (Исроил)га юборилиши маълум қилинди. Матбуот ҳужжатларига кўра, ушбу ролда «хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликда қатнашган бир қатор араб давлатлари» ҳам иштирок этиши мумкин. (The Washington Post). Шунингдек, айрим араб давлатлари ғазодаги «хавфсизлик механизми» концепциясини қўллаб-қувватлашларини билдиришди. Бироқ ўз ҳарбийларининг амалда иштирок этишини эълон қилишмади. (The Washington Post).

**Стратегик мақсадлар таҳлили – гаровлар ва хатарлар орасида: Марказий мақсад: Эрон нуфузига қарши туриш:**

Барча ҳужжатлар Эрон ва унинг иттифоқчиларини ушбу шерикликнинг асосий душмани сифатида тақдим этади. Аввалроқ изоҳлаганимиздек, қарамлик ва хиёнатга асосланган ҳақиқий ҳамкорликни хаспўшлаш ҳамда халқларга хиёнат юкини енгиллаштирувчи бир талқинни тақдим этиш учун айнан мана шу нарратив танланган. Уларнинг баъзилари Эрон атрофида жипслашган барча сиёсий ва ҳарбий унсурларни

«ёвузлик ўқи» (Axis of Evil) деб таърифлайди. Бу эса маълум мақсадга йўналтирилган мафкуравий бирликни англатувчи ифодадир. Эрон ракеталари, дронлари ҳамда Ироқ, Сурия ва Ямандаги жангари гуруҳлардан қўрқиш, буларнинг барчаси ушбу тузилма пойдеворига кўмилган мотивлардир.

**Ниқобланган сиёсий нормаллашув:** (Исроил) билан Амирликлар ва Баҳрайн ўртасидаги «Иброҳим келишувлари»дан буён, Америкада сиёсий нормаллашувнинг муштарак ҳарбий тузилмага кўчиши борасида хоҳиш мавжуд эди. Генерал Кеннет Маккензи Конгрессдаги эшитув чоғида, ушбу ҳамкорлик «Иброҳим келишувлари турткиси» асосига қуриладиганини таъкидлаб ўтган. (The Washington Post). Бошқача айтганда, ушбу араб вужудлари ва сионистик вужуд ўртасидаги махфий ҳамкорлик орқали нормаллашувни фақат дипломатик ва тижорий алоқалар билан чеклаб қолмасдан, балки уни ҳарбий ва хавфсизлик соҳасида ҳам мустақамлаш мақсад қилинган.

**Ички легитимликни йўқотиш хатари:** Ҳар бир араб режими хавfli сценарийга юз тутмоқда: агар ушбу ҳамкорликлар фош бўлса, улар халқ қўлловини бутунлай йўқотишади, айниқса, Фаластин масаласига нисбатан кучли ҳассослик мавжуд бўлган юртларда бу хавф юқори. Шу сабабли, ҳужжатлар йиғилишларда тақиқланган ишлар (инглизча «MUST NOT DO») жумласига қатнашувчиларнинг «суратга олиши ва оммавий ахборот воситаларига ижозат бериши мумкин эмас» бандини киритишга қаттиқ эътибор қаратган. (The Washington Post).

**«Ниқобланган сиёсий нормаллашув»да нималар юз бермоқда?**

«Иброҳим» келишувларидан (2020) сўнг, (Исроил) ва айрим араб давлатлари ўртасидаги дипломатик ва тижорий алоқалар ошкораликдан йироқ бўлган хавфсизлик мувофиқлаштирувлари учун таянч нуқтасига айланди. Бу ниқобланган нормаллашувдир, чунки у иқтисодий ёки сайёҳлик йўлакларини билангина чекланмайди, балки мазкур келишувлар турткиси асосига қуриладиган ҳарбий-хавфсизлик тармоғини шакллантиришга интилади. Генерал Кеннет Маккензи конгрессдаги эшитув чоғида минтақавий саъй-ҳаракатлар «Иброҳим келишувлари турткиси» асосига қуриладиганини таъкидлади. Бу ибора нормаллашувнинг муштарак разведка ва

ҳарбий алоқалар учун сафарбар этиладиган хавфсизлик платформасига айланиб бораётганини акс эттиради.

**Кутилаётган реакциялар ва долзарб саволлар:**

Таҳлилчилардан: Эмил Ҳукайим ва парчаланиш хавотирлари.

(IISS – Халқаро стратегик тадқиқотлар институти) таҳлилчиси Эмил Ҳукайим шундай дейди: «Яширин ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги ҳарбий алоқаларни мустаҳкамлаши мумкин. Бироқ айни пайтда у ҳақиқий тартибсизликларни яширади ва сиёсий асослардаги ноаниқликни янада чуқурлаштиради». (The Washington Post).

У Давҳа ҳодисасидан сўнг «ўзаро ишонч йўқолгани»дан ва бу АҚШнинг мувофиқлаштириш имкониятларига яна кўп йиллар давомида путур етказишидан огоҳлантирди. (The Washington Post).

**Тадқиқот жавобсиз қолдирган очиқ саволлар:**

- (Исроил) ва ушбу тузилмада иштирок этаётган араб давлатлари ўртасида қурол-яроғ шартномалари мавжудми?

- Ушбу давлатлар ичида ўзаро тушуниш меморандумларини имзолаган ёки радарлар ва тизимларга киришга рухсат берган маҳаллий воситачилар кимлар?

- Бу давлатларнинг ҳарбий таркиби бевосита майдондаги ёки ғазодаги ҳақиқий амалиётларда иштирок этдими?

- Бирор мансабдор шахс жавобгарликка тортилдими ёки парламентлар ёхуд назорат органлари олдида ҳисобот берилдими?

**Бу янги шаклдаги «бевосита босқин»ни билдирадими?**

**Мухтасар ҳуқуқий-стратегик баҳо:**

Босқинчилик тўғрисидаги қонуннинг (1907 йилги Гаага низоми 42-моддаси ва Тўртинчи Женева конвенцияси) тор юридик маъносига кўра, босиб олиш – хорижий давлатнинг ўз суверенитети остида бўлмаган ҳудуд устидан розиликсиз амалий ҳокимият ўрнатишидир. Бунда мазкур ҳокимият жойларда бевосита юритилади ҳамда уни фуқаролик ва хавфсизлик жиҳатидан жорий этиш ва бошқариш имконияти мавжуд бўлади. (Босқинчиликнинг ушбу шакли «фаол назорат» деб аталади).

Бу одатда хорижий бошқарувчига ҳудуд ва аҳоли устидан ўз қарорларини татбиқ этиш имконини берувчи жисмоний мавжудликни талаб қилади. Бу – Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси

ҳужжатларида «фаол назорат» тестига мувофиқ мустаҳкамланган мезондир. Шу сабабли, модомики ҳудуд ва унинг фуқаролик бошқаруви устидан амалий назорат ўрнатилмас экан, Америка базаларини қабул қилиш ёки қўмондонлик ва бошқарув тармоқларида иштирок этишнинг ўзи сўзма-сўз маънодаги «ҳарбий босқин» юзага келиши учун кифоя қилмайди.

Бироқ, сизиб чиққан ҳужжатлар Американинг марказдан бошқарилувчи қўмондонлик ва назорат тармоқлари мавжудлигини очиқ-ойдин фош этди. Ушбу тармоқлар Вашингтон томонидан юритилаётган махфий чат платформаларини, араб радарлари асосида бирлаштирилган «минтақавий ҳаво манзараси»ни ҳамда барпо этилаётган минтақавий кибер марказни ўз ичига олади. Шунингдек, бу тармоқлар можарони қайси асосда бошқариш белгилаб берилишини кўзда тутувчи расмий нарративни шакллантириш, уни ички аудиторияга сингдириш механизмлари ҳамда ушбу «ҳамкорлик»нинг бошқа таркибий қисм ва шакллари қамраб олган. Бунга оператив қарорларнинг Америка штаблари орқали бир лаҳзада қабул қилиниб, миллий ва медиа каналлар атайлаб четлаб ўтилаётганини, йиғилишлар эса «MUST NOT DO» тамойили асосида мутлақ махфийликда ўтказилаётганини ҳам қўшимча қилиш мумкин. Буларнинг барчаси амалда хавфсизлик суверенитети соҳасида функционал ва рақамли босқинга жуда яқин ҳолатни акс эттирмоқда. Яъни, бу – хавфсизлик, қарор қабул қилиш ва ахборот вазифаларини тортиб олиш ҳамда уларни мамлакат чегараларидан ташқарига кўчириш демакдир. Бунда таҳдидни аниқлаш, устувор вазифаларни белгилаш ва тўсиб қолиш-зарба беришни амалга ошириш ваколати бевосита Америка оператив марказлари ичидан туриб юритилади, (Исроил)га эса ушбу тизим ичида «илғор вакил» имтиёзи тақдим этилади. Бу ваколат бериш ва (хорижни) ёрдамга чақириш орқали ўрнатиладиган гегемонликнинг бир намунаси бўлиб, илмий манбаларда «Таклиф асосидаги империя» (Empire by Invitation) деб таърифланган. Бунда қуруқликда танклар йўқ, бироқ суверенитет калитлари – ҳаво, кибер макон, нарратив ва разведка – устидан шундай қаттиқ назорат ўрнатилганки, у

хавфсизликка оид амалий қарорларни миллий доирадан ташқарига чиқариб ташлайди.

«Таклиф асосидаги империя» (Empire by Invitation) – сиёсий фикр ва халқаро муносабатлар соҳасидаги атама бўлиб, бу гегемонликнинг шундай турини англатадики, бунда етакчи давлат бошқа давлатлар устидан ўз назоратини ҳарбий босқин орқали эмас, балки ўша давлатларнинг ўзларидан, халқлардан эмас, расмий идоралардан чиққан «талаб» ёки «ихтиёрий таклиф» асосида ўрнатади, яъни бу хавфсизлик шериклиги ёки ҳимояни ихтиёрий қабул қилиш орқали амалга ошириб, амалда тобеликка айланади. Бошқача айтганда, тобе давлатлар хавфсизлик туйғуси ёки иқтисодий манфаатлар эвазига ўз суверенитетини ихтиёрий равишда топширишади ва натижада бевосита босқинсиз гегемон давлат бошқаруви остига ўтишади.

Таҳлилий хулоса: Ҳуқуқий жиҳатдан олганда, бевосита ҳудудий назорат элементи йўқлиги сабабли, биз классик ҳарбий ишғол қаршисида турганимиз йўқ. Бироқ стратегик ва сиёсий жиҳатдан биз қарор қабул қилиш ва ахборот назорати жабҳаларининг «функционал ишғоли»га юз тутмоқдамиз. Бу суверен тобеликни келтириб чиқаради ва (Исроил)га тармоқ ичидаги оператив вакил сифатида доимий фойдаланиш имконини беради. Ушбу модел «назорат тажрибаси»ни ердан (ҳудуддан) – қарор қабул қилиш инфратузилмаси (C2/C4I)га кенгайтиради ва бевосита фуқаролик бошқарувисиз ташқи назорат фаоллигини ҳосил қилади. Шу сабабли у халқ орасида «замбараксиз мустамлакачилик» деб сифатланган. Бу – ташқаридан қарор чиқариш ҳамда Вашингтондан туриб бошқариладиган ва (Тель-Авив)га хизмат қиладиган алоқа, радар ва нарратив тузилмалари шарофати билан уруш умрини узайтиришдир.

«Функционал назорат»нинг амалий кўрсаткичлари (мавжуд далилларга кўра):

1 – АҚШ бошқариладиган, араб ва (Исроил) оператив штабларини ўзаро боғловчи хавфсиз чат платформаси (тезкор қарор қабул қилиш йўналишини хорижий марказга ўтказиш).

2 – Миллий радарларни – марказлашган ҳолда бошқариладиган ва тарқатиладиган – «минтақавий ҳаво манзараси»га бирлаштириш.

3 – Электрон мудофаа ва ахборотни мувофиқлаштирувчи минтақавий кибер марказ.

4 – Тузилмани халқ олдидаги жавобгарликдан ҳимоя қилиш мақсадида махфийликни шарт қилиб қўйиш ва оммавий ахборот воситалари томонидан ҳужжатлаштиришни тақиқлаш. Мазкур унсурлар жамланган ҳолда хавфсизлик суверенитети вазифалари хориж томонидан тўлиқ эгаллаб олинганини намоён этади, бу эса миллий қарорнинг амалдаги мустақиллигига путур еткази.

#### **Ислом ва муслмонларга қарши жиноят:**

Баъзи режимларнинг (Исроил)нинг ғазодаги урушини ошкора қоралаб, сўнгра парда ортидан унга осмон ва ҳаво йўлларини очиб бериши, бу шунчаки позициядаги иккиланиш эмас, балки Қатар кўчалари ёки Яман шаҳарларида тунги бомбардимонлардан ғазабга минган ҳар бир инсонга нисбатан қилинган уюшган хиёнатдир. Бир қўл билан радар калитларини тутиб туриб, иккинчиси билан бомбардимон машинасига айблов бармоғини ўқталиш – мен бунга икки томонлама шармандалик деб баҳолайман. Яъни бу – халқ душманига махфий сўзлар ва тўкилган қонлар орқали мадад беришдир.

**Хотима:** Ларзалар ва ҳисоб сўраш даври: Ушбу фош этиш – ўзининг хавфсизлик ва ҳарбий оқибатларидан қатъий назар – моҳиятан бир назорат палласидир. Муҳими фақат ҳужжатларни ўқиш эмас, балки уларни пойтахтлар ва халқ ҳукмига ҳавола этадиган кенг қамровли оммавий ва сиёсий ўзгариш ҳаракатига айлантиришдир. Шунингдек, барча файлларни тўлиқ нашр қилиш, тегишли араб давлатларида текширув комиссияларини тузиш ҳамда саҳна ортида туриб ушбу ҳамкорликни осонлаштирган ҳукмдор ва раҳбарларни – жумладан, мудофаа, хавфсизлик ва разведка вазирларини – жавобгарликка тортиш талаб этилади. Зеро, бу ишларнинг ҳеч бири давлат ва армиядаги олий раҳбариятнинг тил бириктирувсиз бундай кўламда амалга ошмаган бўлар эди.

Танланган (профессионал ва тадқиқотга оид) манбалар:

– Washington Post + ICIJ: ғазо уруши давомида Араб- (Исроил) ҳарбий-хавфсизлик ҳамкорлигининг кенгайтирилиши, «Regional Security Construct» (Минтақавий хавфсизлик тузилмаси) доирасида.

– WSJ: АҚШ Эроннинг (Исроил)га ҳужумини қайтариш мақсадида минтақавий иттифоқни қандай шакллантиргани хусусида (огоҳлантириш, мувофиқлаштириш ва тўсиб қолиш тафсилотлари). (The Wall Street Journal).

– Reuters, The Guardian ва Atlantic Council: Ракета ҳамда дронларни тутиб қолиш кўрсаткичлари, Иорданиянинг роли ва ички оқибатлар. (Reuters, The Guardian).

– CENTCOM (расмий баёнотлар): (Исроил) мудофааси ва Қизил денгиздаги тўсиб қолиш бўйича сўнги маълумотлар. (Centcom).

– «Қуруқлик кўприги» йўналиши: Times of Israel, Bloomberg, VOA, The New Arab, МЕМО.

Булар Амирликлар-Саудия-Иорданияни Исроил портлари билан боғловчи транспорт йўлагини ҳамда унинг сархил маҳсулотлар таъминотига кўрсатадиган таъсирини қамраб олади. (Middle East Monitor, The Times of Israel, Bloomberg). □

**«ЯНГИ ЯҚИН ШАРҚ» МОДЕЛИ  
АМЕРИКА ГЕГЕМОНЛИГИМИ ЁКИ ИСЛОМ ВА УНИНГ  
ХАЛИФАЛИГИ?  
ЯНГИ ФИКРИЙ ЛОЙИХАГА НАЗАР**

**Профессор Муҳаммад Малковий**

Урушлар фикрий ўзгаришлар билан ўзаро кесишаётган, глобал кучлар Яқин Шарқнинг нафақат хариталари, балки руҳияти учун ҳам курашаётган бир даврда профессор Муҳаммад Малковий бизга ўзининг «Яқин Шарқ модели: етмиш йиллик Америка гегемонлиги ва қарашлар кураши» номли янги фикрий асари билан юзланмоқда. Китоб низонинг юзаки кўринишларига эмас, балки унинг асл моҳиятига дарча очиб, тарих, стратегия ва тафаккурни ўзаро боғловчи теран ҳазорий қарашга таянган ҳолда, сиёсий воқеа-ҳодисалар доирасидан ташқарига чиқадиган янги талқин калитларини тақдим этади. У шунчаки бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлаш билан чекланиб қолмай, балки тадқиқот марказлари ва оммавий ахборот воситалари четлаб ўтадиган «Нима учун Яқин Шарқнинг барқарорликка эришиши бунчалар қийин бўлмоқда?» деган саволга жавоб беришга уринади. Муаллиф айти асарда сиёсий тарихнинг анъанавий баёнидан кўтарилиб, гегемонлик тушунчасининг айти ўзини таркибий (структуравий) таҳлил қилишга ўтади ва шу аснода Ғарб васийлигининг тўғридан-тўғри ҳарбий ишғолдан Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бери Вашингтон юришиб келаётган иқтисодий тобелик, сақофий ва сиёсий муҳандисликдан иборат мураккаб тизимга қандай айланганини фош этади. Китобнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у қуруқ танқид билангина чекланмайди, балки ўқувчини икки қарама-қарши модел ўртасидаги кураш қаршисига қўяди:

Биринчиси «Назорат ва ҳукмронлик» тушунчаси билан бошқариладиган Америка модели бўлса, иккинчиси бирлик ва ўзидан келиб чиқувчи суверенитет ғоясига асосланган асл исломий моделдир. Ушбу китоб фикр, сиёсат ва тарих ўртасидаги алоқани қайта тартиблайди ва ўқувчини тизимнинг натижаларига эмас, балки илдизларига назар солишга чорлайди. Токи у бугунги кунда биз гувоҳ бўлаётган тўқнашув ва урушлар АҚШ тузган узоқ муддатли стратегик лойиҳанинг аксидан бошқа нарса эмаслигини кашф этсин ҳамда муқобил

ечим шунчаки реакция билдириш билан эмас, балки ҳазорий моделнинг айна ўзини қайта шакллантириш орқали бўлишини англаб етсин.

«Ал-Ваъй» журнали, Аллоҳнинг изни ила, келгуси сонларида ушбу китобнинг энг ёрқин фикрларидан сараланган таҳлилларни туркум мақолалар шаклида чоп этишга ҳозирлик кўрмоқда. Журнал бу орқали минтақа келажаги хусусида бир-бири билан ҳаргиз учрашмайдиган икки лойиҳа, яъни гегемонлик лойиҳаси ва исломий уйғониш лойиҳаси ўртасида фикрий мулоқотни бошлашни мақсад қилди. Зеро, ушбу китоб шунчаки академик тадқиқот эмас, балки у шаклланаётган асрнинг фикрий баёни ҳамда Яқин Шарқни ўзгалар чизган тасвирлар орқали эмас, балки тарих ҳали ёзиб тугатилмаганини теран англайдиган ўз фарзандлари нигоҳи билан кўришга бўлган даъватдир.

### **Биринчи мақола:**

#### **Мухтасар мазмун (Аннотация)**

Ушбу мақола минтақа устидан тўлиқ ҳукмронлик ўрнатишни кўзлаган Америка стратегиясининг бугунги ҳолатини кўрсатувчи «Янги Яқин Шарқ» моделининг батафсил ҳулосасини тақдим этади. Шунингдек, унда Америка Қўшма Штатлари таянадиган ҳамда шартли равишда «4+2 модели» деб номланган тизим билан мақолада «1+0 модели» деб ишора қилинган муқобил исломий модел ўртасидаги давомли кураш моҳияти ҳам ёритилади. Мақола мазкур икки моделни империя давридан гегемонлик даврига ўтишдек тарихий бурилиш контекстида таҳлил қилади. Бунда Совуқ урушдан бошлаб, XX асрдаги «петродоллар» тизимиға қадар Америка стратегик лойиҳасининг барқарорлигини тадқиқ этади. Шунингдек, мақолада янги вужудға келаётган мафкуравий оқимлар қандай қилиб минтақанинг ўзидан балқиб чиқувчи асл суверенитет сари бурилиш даракчиси бўла олиши баҳоланади.

#### **Муқаддима:**

Яқин Шарқ Биринчи жаҳон уруши тугагандан буён – хусусан, Истанбулда Халифалик давлати қулатилгандан кейин – глобал кучлар учун тажриба майдони ва таянч нуқтаси бўлиб келди ва ҳануз шундай бўлиб қолмоқда. Иккинчи жаҳон урушининг якуни (1945 йилдан сўнг) Яқин Шарқни мустамлака қилиб,

Биринчи жаҳон урушидан буюн уни ўз измидаги майда давлатчаларга бўлиб ташлаган Европа империяларининг қулашига гувоҳ бўлди. Сўнгра Қўшма Штатлар Европа империализмидан кейинги босқичда етакчилик юкини ўз зиммасига олди ва «Янги Яқин Шарқ модели» (New Middle East Paradigm) номи остида янги андозани шакллантирди. Бу шундай фаолият доирасики, унинг пировард мақсади нефть оқимини, нуфузнинг давом этишини ва идеологик ҳукмронликни кафолатлайдиган тарзда Яқин Шарқнинг ўзидан келиб чиқадиган барқарорлигига эришишдан иборат эди.

Мисрдан тортиб Эрон, Ироқ, Сурия, босқинчи вужуд ва Кўрфаз монархияларигача бўлган ҳудудларда ушбу модел мустамлакачилик васийлиги ўрнини эгаллаб, иттифоқлар, тўнтаришлар ва иқтисодий қарамлик воситасида юритиладиган билвосита гегемонликнинг янги тузилмасига айланди. Бу гегемонликнинг моҳияти тўғридан-тўғри ҳарбий босқинда эмас, балки минтақанинг ўз ичидан таъминланадиган «барқарорлик»да намоён бўладики, бу жараён айна шу тизим таркибидаги давлатлар томонидан ясалган ва ҳозирланган воситалар орқали юритилади. Зеро, бу усул гегемонлик бадалини камайтиради, унинг таъсир кучини оширади ва давомийлигини кафолатлайди.

Қўшма Штатлар ўзини мазкур тизимнинг посбони ва назоратчиси этиб тайинлади ҳамда Ислом оламини бирлаштириши ва минтақани унинг назорат доирасидан чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай мафкуравий ҳаракатни бостиришга доимий шай турди. Натижада узоқ муддатли мувозанат вужудга келди. Бунини Америка манбалари «4+2 модели» деб номлайди. Бу тўртта минтақавий таянч (Эрон, Туркия, Саудия ва босқинчи «Исроил» вужуди)дан иборат бўлиб, уларнинг ортида барқарорлик ва тобеликнинг кафолати бўлган икки давлат (АҚШ ва Россия) туради. Ушбу моделга қарши ўлароқ, минтақада ўн беш асрдан буюн чуқур илдиз отган исломий альтернатива қад ростлаган. Бу «1+0 модели» бўлиб, у Яқин Шарқдаги ҳақиқий барқарорликка фақатгина ягона ва иккинчиси бўлмаган давлат, яъни 1924 йилда қулатилган ва бугунги кунда қайта барпо этиш устида иш олиб борилаётган Исломий Халифалик давлатини барпо этиш орқали эришилишини ифодалайди. Мақсад минтақа суверенитетини ўз

Умматига қайтариш ҳамда уни нафақат Яқин Шарқ, балки бутун Уммат учун ҳақиқий хавфсизлик ва барқарорликни кафолатлайдиган тузум остида бирлаштиришдир. Ушбу икки модел ўртасидаги кураш узлуксиз давом этмоқда ва бу, айниқса, Ғазо, Сурия, Яман, Ливия ва Жазоирдаги инқирозлару урушлар асносида яққол намоён бўлмоқда.

### **Империализмдан кейинги интилишлар ва гегемонликнинг туғилиши**

Иккинчи жаҳон уруши ортидан Вашингтон анъанавий империянинг Яқин Шарқ геосиёсатини назорат қилишга қодир бўлмай қолганини англаб етди. Дин Ачесон (Президент Гарри Трумэн давридаги АҚШ ташқи ишлар вазири) Европа империясидан кейинги даврга оид қарашни (стратегияни) қуйидаги энг муҳим асосларда шакллантирди:

- **«Маршалл режаси» орқали Европани иқтисодий жиҳатдан қайта тиклаш**

- **«Бреттон-Вудс» келишувлари ва НАТО блоки воситасида глобал тизимнинг институционал муҳандислигини шакллантириш.**

- **Америкага тобе иттифоқчилар тармоғини вужудга келтириш, бунда Яқин Шарқ асосий меҳвар вазифасини ўтаган.**

1957 йилдаги Эйзенхауэр доктринаси ҳамда 1950 йилдан бери давом этиб келаётган бир қатор махфий аралашувлар воситасида Қўшма Штатлар Британия таъсирини – унинг мустамлакачилик юкини зиммасига олмаган ҳолда – сиқиб чиқаришга қаратилган илк авантюраларини бошлади. Бунинг дебочаси Мисрдаги «Озод офицерлар инқилоби» (1952) бўлиб, у Марказий разведка бошқармаси (CIA)нинг махфий иштирокида амалга оширилган эди. Вашингтон Сувайш инқирози (1956) чоғида Британия, Франция ва босқинчи вужудни Мисрдан чиқиб кетишга мажбур қилганида, империя ҳокимиятининг Атлантика оша ғарбга – Вашингтонга кўчгани узил-кесил тасдиқланди. Кейинги ўн йилликлар давомида хавфсизлик шартномалари, ҳарбий базалар ва долларда баҳоланган нефть воситасида Яқин Шарқдаги Америка гегемонлиги мустаҳкамланиб борди. Баъзи араб давлатлари ва босқинчи вужуд ўртасидаги 1973 йилги урушдан сўнг, Петродоллар тизими Америка валюта суверенитетининг таянчи сифатида олтин ўрнини эгаллаб мустаҳкамланди. Бу эса ўз

навбатида «Янги Яқин Шарқ» моделининг иқтисодий жиҳатини янада кучайтирди.

#### **«4+2» доираси (фаолият рамкаси)нинг архитектураси**

«4+2» тушунчаси «Brookings» марказининг «Яқин Шарқнинг янги геосиёсати» (2018) ҳисоботида расмий мақом берилган концепция бўлиб, у Американинг минтақавий барқарорлик бошқарувини тўртта таянч (меҳвар) давлат ўртасида тақсимлаш ҳамда жараён устидан АҚШ ва Россиянинг якуний назоратини ўрнатиш стратегиясини ўзида мужассам этади.

Ушбу давлатлар Америка қарор қабул қилувчиларининг пухта ҳисоб-китоблари асосида танлаб олинган:

1 – Туркия: НАТОнинг стратегик қуввати ва Ислом олами ўртасидаги кўприк. У икки ўзликни ўзаро мувозанатловчи гибрид (секуляр-исломий) қудратга ҳамда муҳим иқтисодий салмоққа эга.

2 – Эрон: Америкага нисбатан риторик адоватига қарамай, у минтақанинг зарурий иштирокчиси бўлиб қолмоқда, бу ҳол унинг Афғонистон, Ироқ ва Сурияда тутган позицияларининг Америка лойиҳасига хизмат қилганида ҳам ўз тасдиғини топди.

3 – Саудия Арабистони: Икки Ҳарами Шариф устидан тасарруф қилиш мақоми сабабли, у «сиёсийлашмаган диндорлик»ни тарғиб этиш орқали мафкуравий жиловлаш ролини бажаради. Шунингдек, у петродоллар тизимини ҳимоя қилиш ҳамда молиявий ва геосиёсий барқарорлик тизимини қўллаб-қувватлаш вазифасини ўтайди.

4 – Босқинчи вужуд: Ғарбнинг ҳарбий ва разведка қудратини (минтақага) йўналтириш учун хизмат қилувчи илғор база. Унинг (тизимдаги) ўта нозик роли эвазига, экспансионистик ҳирсларига кўз юмилади.

Россиянинг ҳамкор кафил сифатида киритилиши жараёнга кўп томонлама легитимлик тусини беради ва Американинг яккаҳокимлигини халқаро мувозанат ниқоби остида яширади. Ушбу лойиҳа Европа ва Хитойни четга суриб ташлашни ҳамда Вашингтонга БМТ чекловларидан холи равишда инқирозларни бошқариш имконини беришни кўзлайди. Йиллар силсиласи, хусусан, Сурия қўзғолони (2011–2024) даври шуни исботладик, Россия Америка чизиғидан асло четга чиқмай, ўз ролини «тўлиқ профессионаллик» билан ижро этди, вазифаси ниҳоясига етгач, майдонни тарк этди.

## **Тузилма зиддиятлари ва даъво қилинган барқарорликнинг барбод бўлиши**

Шунга қарамай, (4+2) доирасидаги зиддиятлар чуқур ва туб моҳиятга эгадир. Зеро, унинг ҳар бир рукни бошқасидан фарқли бўлган мафқуравий йўналишда ҳаракатланади. Шунингдек, босқинчи вужуд олиб бораётган босқин сиёсати ва муттасил урушлар ушбу тизим кафолатлашни даъво қилган барқарорликка путур етказмоқда. Ҳазо уруши эса тинч аҳоли бошига солган фожиали оқибатлари билан хавфсизликни бўйсунтириш ва гегемонликка тенглаштирадиган моделнинг ахлоқий ва стратегик жиҳатдан касодга учраганини фош этмоқда.

### **«1+0» исломий қараш**

Бунинг муқобилида, «1+0 модели» ҳақиқий барқарорлик фақатгина Исломий Халифалик давлати тимсолидаги яхлит ва асл исломий сиёсий вужуддан балқиб чиқиши мумкинлигини илгари суради. Ушбу модел ташқаридан мажбуран юкланган парчаланишни рад этади ҳамда суверенитет (мутлақ ҳукмронлик ва қонун чиқариш ҳуқуқи) – чегаралари мустамлакачилик томонидан белгилаб берилган секуляр миллий-ҳудудий режимларга эмас, балки ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига хос эканини қатъий таъкидлайди.

Тақийюддин Набахоний каби муфаккирлар ва Ҳизб ут-Таҳрир каби ҳаракатлар тарғиб қилаётган ушбу қараш бошқарув, иқтисод ва суд соҳаларида қонунлаштирилган муассасаларга эга ҳамда Қуръон ва Суннатга асосидаги давлатни барпо этишга қаратилгандир. Ушбу даъво романтика ёки хомхаёл эмас, балки структуравий ва воқеийдир. Зеро, 1924 йилдан олдин Яқин Шарқда асрлар оша ҳукм сурган ҳазорий жипсликни кучлар мувозанати эмас, балки айнан бирлик вужудга келтирган эди. Халифалик қулаганидан буёнги сиёсий бўлиниш доимий ташқи аралашувга замин яратди.

Ушбу модел тарафдорларига кўра, зулм, ишғол ва иқтисодий тобеликнинг давом этиши қайта тикланишнинг муқаррарлигини исботлайди. Зеро, ҳар бир уруш ёки хўрлик гирдоби, айниқса, Ҳазо уруши (2023-2025) каби инқирозлар қаршисида мавжуд режимларнинг ожизлиги шароитида, Халифалик қайтишининг яқин эканига бўлган ишончни кучайтиради. Шу боис, «1+0 модели» аксил-мафқурани ҳамда

«4+2» тартиботининг муқаррар барбод бўлишига етакловчи «тизимли дарз кетиш» ҳақидаги башоратни ифода этади.

### **Гегемонлик, ҳамда барқарорлик сароби**

«Янги Яқин Шарқ модели: 4+2 ёки 1+0» китобининг фасллари Миср, Эрон, Ироқ, Сурия ва Саудиянинг Америка гегемонлигига бўйсунуш механизмини ёритиб беради, бу жараёнда мазкур андоза турли шаклларда такрорланади:

- Қўшма Штатларнинг итоаткор армияларни қўллаб-қувватлаши;
- Мафкуравий рақобатларни дастак қилиши;
- Очиқ мустамлакачилик ўрнига шаклий суверенитет ниқобини ўрнатиши.

Америка гегемонликни ўрнатишда – турли услубларни қўллаган ҳолда – ягона бир стратегиядан фойдаланди. Бу – Коупленднинг Қоҳирадаги махфий фаолиятдан тортиб, ҳарбий базалар ва қуроллантириш орқали Эрон ҳарбий қўмондонларини ўз измига солиш, Ироқдаги бевосита босқинчилик ҳамда Кўрфаз қироллари ва амирларини ўз томонига оғдиришгача бўлган ҳаракатларни қамраб олади. Барча ҳолатларда натижа битта бўлди: Америка нуфузини энг кам харажат ва энг юқори самара билан мустаҳкамлаш.

Гарчи Америка босқинчи вужудга барқарорликни сақловчи тўрт давлат ичида марказий ролни ажратган бўлса-да, у Америка моделининг тўлиқ шаклланиши олдидаги сўнгги тўсиқ бўлиб қолди. Зеро, у Ғарбнинг илғор базаси бўлишига қарамай, ўзининг мустамлакачилик ва экспансионистик табиати, ядровий ва ҳарбий гегемонликка бўлган қаттиқ талпиниши ҳамда ҳар қандай узоқ муддатли барқарорликни йўққа чиқарувчи муттасил урушлари сабабли беқарорликнинг энг катта манбаи ҳисобланади. Бу ҳолат Ғазо урушини яқунлашга қаратилган «Тинчлик конференцияси»дан сўнг ўз тасдиғини топдики, ўшанда келишув имзоланганидан атиги бир ҳафта ўтиб, Трамп маъмурияти вице-президент Вэнс, махсус вакил Стив Уиткофф ва Жаред Кушнерни Нетаняху ҳузурига юборишга мажбур бўлди. Чунки Вашингтон яҳудий вужудининг минтақани доимий равишда ўзининг кенгайиш, мажбурий кўчириш ва стратегик устунликка эришишга қаратилган, хусусан, Эрон ядровий дастури масаласида яққол кўзга ташланадиган лойиҳаларига хизмат қилувчи ўта таранг вазиятда ушлаб

туришини англаб етган эди. Ҳатто босқинчи вужуд музокараларнинг давом этиши тез орада келишув имзоланишига олиб келишини сезиб қолгач, Қатардаги музокара ҳайъатига зарба берди.

### **«Петродоллар»дан кейинги Яқин Шарқ сари**

Долларнинг Саудия нефти ва «ОПЕК» ташкилоти ҳимояси остида кечган ярим асрлик ҳукмронлигидан сўнг, ушбу тизимнинг устунлари қўйидаги омиллар таъсирида емирила бошлади: глобал миқёсда доллар ликвидлигининг ҳаддан ташқари инфляцияси, муқобил энергия манбаларига ўтилиши, нефтга бўлган эҳтиёжнинг қисқариши, БРИКС давлатлари етакчилигидаги доллардан воз кечиш кампаниялари ҳамда буларнинг барчасига қўшимча ўлароқ, Ҳазодаги оммавий қирғин (геноцид) туфайли юзага келган халқ ғзаби.

Буларнинг барчаси Америка гегемонлигининг ахлоқий ва моддий асосларини заифлатади. Бунга қўшимча, Украинадаги уруш ва унинг кенгайиш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлиб, бу Вашингтоннинг устувор йўналишларини Яқин Шарқдан кенгроқ жабҳаларга буриб юбориши мумкин. Бу эса Американинг минтақадаги лойиҳасига шундай шикаст етказадик, ундан сўнг қайта ўнгланишнинг асло имкони бўлмай қолади. Ушбу кенгайиб бораётган халқаро бўшлиқда «1+0 модели» бир вақтнинг ўзида ҳам норозилик модели, ҳам сиёсий муқобил сифатида тобора ортиб бораётган акс-садо қозонмоқда ҳамда мафкуравий мустамлакачиликка барҳам беришнинг ўзига хос шаклини намоён этмоқда.

Шунга қарамай, Халифалик моделини рўёбга чиқариш йўлида улкан тўсиқлар мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардир:

- Мустаҳкам ўрнашган миллий давлатлар тузилмалари;
- Исломий ҳаракатларнинг бостирилиши;
- Бирлаштирувчи етакчиликнинг йўқлиги;
- Халқ оммасини туб ечимлардан узоқда сақлайдиган

узлуксиз урушлар билан доимий банд қилиб қўйилиши (чалғитилиши).

### **Хотима**

**«Янги Яқин Шарқ модели»** ўқувчиларни минтақага шунчаки тарқоқ низолар мажмуи сифатида эмас, балки гегемонлик ва аслик, ҳукмронлик ва бирлик, барқарорлик ва адолат

Ўртасида кечаётган тадрижий кураш сифатида қарашга чорлайди.

«4+2» тизими эътиборга молик бардошлиликни намоён этди. Бироқ унинг бардавомлиги мувозанатнинг доимий бузилишига ҳамда узлуксиз ахлоқий чекинишларга таянади. Аслини олганда, унинг инқилобий ўзгаришларни тўсишдаги муваффақияти айнан такрорланувчи зўравонликни кафолатловчи омил ҳисобланади.

Бунинг муқобилида, «1+0 модели» суверенитет ва ахлоқий жипсликка бўлган теран интилишни ифодалайди. У хоҳ сиёсий давлат сифатида қарор топсин, хоҳ йўл кўрсатувчи намуна бўлиб қолсин, унинг юксалиши Умматнинг четдан келтирилган ва пуч моделлардан сабр косаси тўлганини англатади.

Савол «Икки моделдан қайси бири устун келади?» деган масала эмас, балки, «Яқин Шарқ гегемонлик ва кураш зиддиятидан ошиб ўтиб, ўзининг ҳазорий илдизларига чуқур асосланган адолатли тузумни барпо қила оладими?» деган масаладир.

Агар XX аср империя ва гегемонлик асри бўлган бўлса, XXI аср – озодлик ва оламни қайта шакллантириш воситаси ўлароқ – фикрлар ва моделлар асри бўлиши мумкин.

Шу маънода, «Янги Яқин Шарқ модели» ахлоқий қонунийликдан ажралган геосиёсий барқарорликнинг давом эта олмаслигини англашга чорловчи бир даъватдир. У минтақа (қолаверса, бутун жаҳон тартиботи) келажаги қонунийлик ваколлати кимнинг қўлига (Америка ва унинг ҳукмронлик воситалари ихтиёрига ёки Ислом ҳамда унинг ягона давлати қўлига) ўтишига қараб белгиланишини англашга хизмат қилади.

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِۦٓ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир лекин одамларнинг кўплари (бунинг) билишмайди»**

[Юсуф 21] □

**ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОЖИЗЛИКДАН УЗРНИ ЙЎҚҚА  
ЧИҚАРУВЧИ ҚОДИРЛИККАЧА  
ҚОДИРЛИКНИНГ ИСЛОМ ДАВЛАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ВА  
ШАРИАТНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ФАРЗЛИГИДАГИ ТАЪСИРИ (3)**

**Устоз Соир Аҳмад Салома**

**Учинчи ҳалқа**

Давлатнинг биринчи ва энг ҳал қилувчи таянчи: Умматнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурини шакллантирувчи ҳамда Уммат у билан бошқарилишга розилик берадиган тузум шаклини белгиловчи ақидавий-фикрий асос:

Ислом давлатининг тузилмаси ақидавий ва фикрий асосга қурилган бошқарув низомларидан таркиб топади. Бу асос Уммат иймон келтирган ҳамда ҳаёт ва фаолиятда ундан балқиб чиқувчи шаръий аҳкомларга амал қилишни лозим тутган асосдир. (Бошқача айтганда, Ислом давлати шундай тушунчалар, мезонлар ва қаноатлар мажмуига таянадики, муаззам шариат улар воситасида Умматнинг ҳаёт ҳақидаги дунёқарашини шакллантирди ҳамда улар учун Аллоҳ Таоло рози бўлган ва улар шу билан бошқарилишини ирода қилган низом шаклини белгилаб берди. Уммат ҳам ўз ишларининг айни шу ақидавий-фикрий асос тақозоси билан бошқарилишига ихтиёрий равишда рози бўлди. Мазкур асос ўз тафсилотларида давлат билан (Уммат номидан шариатни татбиқ этиш ваколатини берувчи ҳамда ишларини бошқариш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масъулиятини юкловчи байъат аҳдномасига таянган ҳокимият сифатида) фуқаролар ўртасидаги сиёсий алоқаларга боғлиқ бошқарув тизимларини тартиблаб берувчи, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий, суд ва бошқа тизимларда фуқароларнинг ўзаро алоқаларини тартибга солувчи аҳкомларни қамраб олади. Ушбу аҳкомлар суверенитет (мутлақ ҳукмронлик ва қонун чиқариш ҳуқуқи) фақат шариатга хос экани ҳақидаги тамойилга боғлиқ бўлгани ҳамда оламлар Роббисининг буйруқ ва қайтариқлари ҳисоблангани сабабли, улар мазкур аҳкомлар асосида бошқарувчи ҳокимиятга мажбурлаш орқали эмас, балки ихтиёрий равишда қабул қилиниш ва бўйсунуш сифатини бахш этади).

Аллоҳ Таолонинг жамиятлардаги изчил ва ҳеч кимга ён босмайдиган суннатларига (қонуниятларига) биноан, Исломиё

давлат вужудининг барқарорлиги – худди ҳар қандай сиёсий вужуднинг барқарорлиги каби – Уммат ёки жамиятнинг мазкур фикрий асосга қай даражада иймон келтирганига ҳамда ушбу тузумнинг яроқлилигига бўлган ишончига таянади. Шунингдек, бу барқарорлик мазкур тушунчалар, мезонлар ва қаноатлар мажмуасининг одамлар ишларини гўзал бошқариш, адолатни қарор топтириш, ҳақ-ҳуқуқларни рўёбга чиқариш ҳамда фасод ва бузғунчиликнинг олдини олишга бўлган салоҳиятига боғлиқдир.

Исломга келсак, у Умматни ақида ва шариат дошқозонида тоблади. Зеро, ақида тарихда мисли кўрилмаган инқилобий тушунчалар тимсолида намоён бўлдики, ушбу ақида устида тафаккур қилиш ва теран мулоҳаза юритиш натижасида Қуръон ва Суннатда баён этилган эътиқод ҳақиқатларининг ростлиги ва воқеликка мувофиқлиги қатъий собит экани ҳақидаги ёрқин ҳужжатларга асосланган қатъий ишонч (якийн) вужудга келди. Натижада, мўминнинг Аллоҳнинг мавжудлигини ва Унинг барча илоҳий сифатларини ҳамда бу сифатларнинг ўз ҳаётидаги энг кичик тафсилотларгача боғлиқлигини ҳис этиши қатъий ишонч ҳамда Аллоҳ рози бўлган, у ҳам Аллоҳдан рози бўлган ижобий алоқа билан чамбарчас боғланиб кетди. Шу тариқа, ақидавий тушунчалар ақллари забт этишга муваффақ бўлди ва уларни ҳақиқат жиловини тўлиқ қўлга киритганликлари ҳақидаги мустаҳкам қаноатга тўлдирди, сўнгра ҳақнинг мазкур зотий қудрати кўп ўтмай ушбу ақлларга сингиб кетди ва уларнинг бошқарув жиловларини ўз қўлига олди, диллар унинг ҳидоятидан кенг бўлди ва мазкур тушунчаларнинг ҳаловати қалбларни жоҳилият сарқитларидан тозалагач, уларга омўхта бўлди, натижада уларни тирилтирди ҳамда хотиржамлик ва шодликка тўлдирди. Ушбу ақида ўз тушунчаларининг ўзидан бошқа тузумлардан келиб чиққан тушунчалар билан аралашишига асло рози бўлмади. Шу сабабли, у жамият алоқаларининг жоҳилият қабилачилиги, бутлари ёки урф-одатлари асосига қурилишини ман қилди, аксинча, «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини рўёбга чиқариш аввало қалбнинг кўфрнинг барча фикрлари, эътиқодлари, ўлчовлари ва қаноатларидан бутунлай холи бўлишини тақозо қилар эди. Бу воз кечиш уларни шунчаки улоқтиришдан иборат эмас, балки талаб қилинган нарса улардан тавба қилиш, уларни нопоклик

деб билиш ҳамда уларни кўтариб юрганига надомат чекишдир. Шу боис, тавба қалбни барча ғуборлардан поклайди ва уни суюкли Мустафо ﷺ келтирган динга тўлиқ таслим бўлишга, бунинг оқибатида қалбни исломий ақида билан зийнатлаш ва шариатга бўйсуннишга ҳозирлайди. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا﴾

**«Магар иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларгина (азобга дучор қилинмаслар). Бас, улар жаннатга кирурлар ва уларга бирон зулм қилинмас»** [Марям 60]

﴿وَإِنِّي لَغَفَّارٌ لِّمَن تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا ثُمَّ اهْتَدَى﴾

**«Ва мен тавба қилган ҳамда иймон келтириб яхши амаллар қилган, сўнгра тўғри йўлга юрган кишиларни мағфират қилгувчидирман»** [Тоҳа 82]

Қонунчилик масаласида эса муслмонлар ҳар қандай тасарруфни мажбурлов остида эмас, балки ўз ихтиёрлари билан, фақат ҳалол ва ҳаром мезонлари асосида амалга оширишга рози бўлдилар. Уммат Ислom Шариатини – Аллоҳ Таоло қоим қилишни буюрган ҳамда тажовуз қилиш ёки ҳаддан ошишни тақиқлаган илоҳий чегаралар сифатида – шаръий аҳкомларни ўраб олувчи мустаҳкам қўрғон деб билди. Айни мана шундай тобланиш ҳидоят нури ила уфқларни фатҳ қилишга отланган Ислom давлати қудратининг энг муҳим таянчи бўлди.

Шунинг учун қайси бир умматнинг ўз давлати асосланган фикрий пойдеворга ишончи барбод бўлса – масалан, унинг адолатни таъминлай олмаётганини кўрса – гарчи ҳарбий ва хавфсизлик қудрати воситалари режимнинг қўлида бўлса-да, бу ҳол унинг қонунийлиги издан чиқишига олиб келади. Натижада инқилобий ва ўзгариш ҳаракатлари уни алмаштириш учун ишга киришади ҳамда мазкур уммат ҳаёти – то ўзи рози бўладиган ва ишонадиган тузум шаклланмагунига қадар – беқарорлик гирдобиди қолади.

Умматлар эгалик қиладиган энг буюк мулк ва авлодлар авлодларга мерос қолдирадиган энг қимматбаҳо бойлик ғамланган мол-дунё ҳам, гуркираган заводлар ҳам, сон-саноқсиз лашкарлар ҳам эмас, балки ақлларда нур сочиб, қалбларда жўш уриб турувчи буюк фикратдир! Зеро, моддий

бойлик – гарчи куч-қудрат рамзидек кўринса-да – аслида у тирик фикр меваларидан бири ҳамда бойликни муҳофаза қилиб, уни ривожлантирадиган «маҳсулдор фикрлаш тарзи»нинг натижасидир. Бас, агар уммат мол-мулки ва ихтироларидан маҳрум бўлса ҳам, модомики ўзининг фикрий бойлигини сақлаб қолар экан, уларни қайта тиклашга қодир бўлади. Аммо агар фикр қулаб, фикрий пойдевор бой берилса – гарчи омборлар лиқ тўла ва хазиналар тўлиб-тошган бўлса-да – мол-дунё тезда завол топади, куч-қудрат секин-аста йўқолади ҳамда уммат қашшоқлик ва заифликка юз тутуди.

Шу сабабли, ўзидан шариат балқиб чиқадиган ҳамда ҳаёт ишларини Роббисининг буйруқ ва қайтариқларига бўйсуниб, шу шариатга мувофиқ юритадиган ақидавий фикр – ўзидаги мавжуд таъсир кучи ва самарадорлик туфайли – қуролдан кўра ўткирроқ ва темирдан кўра боқийроқдир. Ахир, Совет Иттифоқи ўзининг ядровий ва ҳарбий қудрати чўққисига чиққан бир пайтда, ўзи таянган мафкура емирилиши билан парчаланиб кетмадими? Бу ҳолат жамиятларни бахтсизликка гирифтор этган оқибатларига қарамай, марксистик иқтисодий низомнинг детерминизм ва зўравонликка таянган фикрий доғмаларида оёқ тираб туриб олингани ҳамда халқнинг ушбу муваффақиятсиз фикрий-ҳуқуқий тизимга бўлган ишончи сўнгани натижаси эмасми? Бунинг муқобилида, Росулulloҳ ﷺ Мадинада на заводлар ва на ривожланган қуролларсиз давлат қурмадиларми?! У зот уни ақида асосида барпо қилдилар ва натижада (бу давлат) биргина ўн йиллик ичида ер юзидаги энг буюк икки империя тахтларини ларзага келтирадиган даражада қад кўтарди, Форс империясини маҳв этди ва Шомда румликларни қақшатқич мағлубиятга учратди. Дарҳақиқат, Раббоний фикрат қалбларга чуқур ўрнашса, у бутун бошли Умматни ҳаракатга келтирадиган ва уни буюк ишларга сафарбар этадиган қудратга эга бўлади.

Кофир Ғарб Умматнинг вужудига иймон ва тасдиқ ўлароқ ўрнашиб қолган ушбу ақидавий-фикрий пойдеворни асрлар оша вайрон қилишга уринди, бироқ зафар куча олмади. У Умматнинг динини секуляризм ва миллатчиликка алмаштиришга ҳаракат қилди, аммо Миср мусулмонлари уни рад этдилар, Покистон ва Бангладешда эса улоқтирдилар, зеро, улар секуляризмни фасод ва йўлдан оғиш манбаси деб

билдилар. Ҳатто Ғарб мусулмон юртларида оммалаштиришга уринган моделлар ҳам фақат соддаларни алдаш учун «Ислом либоси»ни кийиб олгандагина муваффақият қозонди. Шунга қарамай, улар Уммат онгидан асл фикрни суғуриб ташлашга ожизлигича қолди. Боз устига, Ғарбнинг ўзи ҳам шуни англаб етдики, унинг фикрлари мусулмон юртларида асло қабул қилинмайди, магар уларга «Ислом туси» берилса ва бу ишга динини арзимас баҳога сотган кимсалар бошчилик қилсагина ўтиши мумкин. Бу билан у, Ислом – унинг лойиҳаси қаршисидаги энг мустаҳкам тўсиқ эканини зимдан эътироф этмоқда.

Шунга қарамай, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ғарб олиб борган мазкур муттасил ҳамлалар учта ўта хатарли оқибатга олиб келди:

Биринчи: исломий фикрлар билан уларнинг далиллари ва умуман ваҳий ўртасидаги боғлиқлик риштасини узиб ташлаш. Бу иш ҳар бир фикр, ҳар бир ҳукм ёки раъйни Китоб ва Суннат далиллари ёхуд ваҳий келтирган асослар билан боғлаш орқали исломий фикрларга ўз софлигини қайтаришга қаратилган машаққатли саъй-ҳаракатларни тақозо этди.

Иккинчи: Исломга ёт унсурларни сингдириш, Ғарб ғояларини мусулмонлар қабул қилишлари учун уларга «Ислом либоси»ни кийдириш ҳамда Уммат фарзандлари ва уламоларининг катта қисмидаги фикрлаш тарзини ўзгартиришга уринилди. Бу ишлар нассларни (шаръий матнларни) ўз мақсадларига мослаб буриб талқин қиладиган ҳамда воқеликни Ислом ғоялари билан ўзгартириш ўрнига, Исломни воқеликка мослаштириб тафсир қиладиган рационалистик ва ислоҳотчи мактаблар воситасида амалга оширилди. Бундай ҳолат Исломни мазкур хавfli фикрий иллатлардан поклаш учун машаққатли саъй-ҳаракатларни тақозо этди.

Учинчи: Иймон ва амал ўртасидаги риштани узиш ҳамда зеҳнлардаги исломий фикрларнинг тўғри тасаввурини бузиб кўрсатиш. Бу ҳолат заиф, ўзгалардан ажралиб турмайдиган исломий шахсияларни вужудга келтирди. Бу эса – исломий фикр тасаввури зеҳнларда ўнглиниши ва сулукда (ҳаёт тарзида) ўз аксини топиши учун – Ислом тушунчаларини тиниқлаштириш йўлида машаққатли саъй-ҳаракатларни ва ушбу тиниқлашган

фикрлар воситасида ақлия ва нафсия жиҳатидан мумтоз исломий шахсияларни шакллантиришни тақозо этди.

Шунга қарамай, Уммат ичидаги ўнлаб йиллик даъват таъсири унинг ўз шариатини татбиқ этиш зарурлигини англашида самара берди. У ҳукмрон тузумларда – хоҳ секуляр, хоҳ бошқаси бўлсин – ўз бахтсизлиги ва кулфатлари манбаини кўрди ва ўз бирлигига талпинмоқда.

Вақти-соати етиб келган фикрдан кўра қудратлироқ куч мавжуд эмас. Буни ҳатто Ғарбнинг айрим оқиллари ҳам англаб етишди, Патрик Бьюкенен айтганидек «Ғарбнинг унга қарши урушига қарамай, шариат билан ҳукм юритиш фикри мусулмонлар орасида мустаҳкам илдиз отмоқда ва агар ушбу фикр қалбларга қайтса, энг қудратли қўшинлар ҳам уни тўхтата олмайди». Бу – агар фикр қалбларни эгалласа, қиличлар ва танкларни синдириб ташлашини англаб етган рақибнинг эътирофидир.

Кўрфаз инқироzi чоғида содир бўлган воқеага ишора қилишнинг ўзи кифоя. Ўшанда Саддам Ҳусайн урушга диний тус бериш мақсадида икки Ҳарами Шарифга ишора қилиб, мусулмонларни қўзғашни биланоқ, катта Жорж Буш саросимага тушиб қолган ва можарони унинг ақидавий моҳиятидан ажратиб олишга бўлган умидсиз илинж билан ўз нутқида «Биз арабларга ҳам, мусулмонларга ҳам қарши эмасмиз», деб такрорлашга тушган эди. Негаки у Исломга – бирлаштирувчи фикр сифатида – қарши туриш ҳамда урушнинг диний урушга айланиб кетиши ўзлари қасд қилган ҳар қандай бошқа ном остидаги тўқнашувдан кўра хатарлироқ эканини яхши англади.

Тарих шунга ёрқин гувоҳки, Ислом ақидаси моддий куч самарасини бошқа ҳар қандай куч ёки омилдан кўра бир неча баробар ошириб юборади. Муътада уч минг мусулмон ўн минглаб румликларга рўпара келди, Ярмукда эса 36 минг киши Румнинг қарийб 70 минглик қўшини қаршисида турди. Форс ўлкасини забт этган фатҳ қўшинининг саноғи бор-йўғи 18 минг мусулмондан иборат эди. Аммо уларнинг қаршисида ҳеч қандай байроқ тура олмади ва Форс шаҳарлари бирин-кетин қулади. Қодисияда эса душманнинг қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар борасидаги устунлигига қарамай, 30 минг мусулмон қарийб 70 минг форсни мағлубиятга учратди. Ғалаба

мусулмонлар тарафида бўлди, негаки улар қалбларни тирилтирадиган, азму қарорларни мустаҳкамлайдиган ва ерни осмонга боғлайдиган фикратни кўтариб чиққан эдилар. Уммат фақат икки марта ҳал қилувчи мағлубиятга дучор бўлди. Биринчиси салиб юришларида (бунда у кейинчалик кучини қайта тиклаб, ғалаба қозонган эди), иккинчиси эса XIX асрдан то Биринчи Жаҳон урушининг якунига қадар бўлган даврда.

Шу тариқа, Ислом ақидаси асосида барпо бўлган давлат ўзининг фикрий ва ақидавий бунёдида ҳар қандай моддий заифлик ўрнини қоплай оладиган улкан фикрий қудратни, шунингдек, инсон қадр-қиммати ва ҳаётини, қолаверса давлатнинг ўзини муҳофаза қилиш, Исломни ёйиш ва башариятга етакчилик қилиш йўлида ҳар қандай имконли куч-қудратни вужудга келтириш учун зарур бўлган барча муқаддималар, омиллар, имкониятлар ва воситаларни мужассам этиши қатъий тасдиқланади. Буларнинг барчаси Аллоҳ Таолонинг ушбу сўзини рўёбга чиқариш учундир:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ﴾

**«Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз учун ўрта (адолатли) Уммат қилдик»** [Бақара 143]

Умматлар устидан гувоҳ бўлиш эса, мусулмонлар томонидан Аллоҳ барча инсонларни унга асосланишга буюрган Раббоний манҳажни татбиқ этиш орқали рўёбга чиқади. Исломий фикр бунинг учун қийматлар, қонунлар ва ўлчовлардан иборат шундай мукамал тизимни тақдим этдики, ундан ер юзини обод қилиш ва ундаги ер юзига халифа қилиш қийматини юзага чиқариш учун зарур бўлган ҳукмлар истинбот қилинади.

Бундан ташқари, у ҳоким ва фуқаролар ўртасидаги байъат битимини ғоят мустаҳкамлайди. Зеро, ақидасиз иқтисод таназзулга юз тутаети, фикрсиз армия эса қулайди. Тирик ақида давлатни барпо қилади, Умматни ҳаракатга келтиради, озчиликдан кўпчиликни ва заифликдан куч-қудратни ясайди ҳамда ўз байроқларига Аллоҳнинг ушбу ваъдасини битади:

﴿وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

**«Мўминларга нусрат бериш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»** [Рум 47]

Этибор қаратиш ва мутлақ иймон келтириш лозим бўлган энг муҳим ҳақиқатлардан бири шуки, Исломий давлат асосланган фикрий пойдеворни ташкил этувчи Ислом ақидасида чексиз қудрат мавжуддир. Ушбу қудрат йўналишни белгилашда ҳамда давлат қудрати бино бўладиган бошқа барча таянчларни унумли, самарали ва давлатга ўз мақсадларини рўёбга чиқариш, суверенитетини сақлаш ва халқаро тизимга таъсир ўтказиш имконини берадиган даражада ишга солишда намоён бўлади. Шунингдек, у ушбу ёш давлатни қулатиш учун тўқилаётган ҳар қандай тил бириктирувни чиппакка чиқаришга, қолган таянчлар ўртасида самарали сабабий уйғунликни вужудга келтиришга ҳамда давлатнинг бардавомлиги ва барқарорлигига хизмат қилиши учун уларни фаоллаштиришга қодирдир. Токи у душманларининг фитналари олдида мустаҳкам тўғонга айлансин. Нега ҳам шундай бўлмасин?! Ахир ушбу фикрий асос Ислом ақидаси ва оламлар Роббисининг шариатини ифодалайди-ку! Зеро, унинг Раббоний низомларида инсонлар ўртасида адолат ва ҳаққониятни қарор топтириш, уларнинг ҳаётини ислоҳ қилиш, бойликларини ишга солиш, иқтисодиётга жон бағишлаш ҳамда жиҳод, шаҳидлик, Аллоҳдан нусрат сўраш ва Унга таваккул қилиш сари Умматни маънавий сафарбар этиш салоҳиятлари мужассамдир.

Стратегик фикрий хулоса: Жанг қилишдан олдин фикр юритадиган иммунитет муҳандислиги

Янги вужудга келган давлат қудратини баҳолашдаги ҳал қилувчи мезон танкларнинг сони ёки хазиналарнинг ҳажми эмас, балки йўналишни белгилаб берувчи ва ҳаракат маромини назорат қилувчи фикрий асос етакчилиги остида таянчларнинг ўзаро жипслашувидир. Қачонки суверенитет (мутлақ ҳукмронлик ва қонун чиқариш ҳуқуқи) шариатники, салтанат Умматники бўлса ва давлат халқ қабул қилган тузумнинг ижрочи вужуди ўлароқ фаолият юритса, ана шунда фикрат, низомлар, иқтисод, армия, сақофат (даъват), аҳоли (байъат) ва география каби етти таянч ўзаро бирлашиб, мураккаб қудратга айланади. Бу қудрат шундай бир иммунитетни вужудга келтирадики, рақибнинг унга қарши чора топиши амри маҳолдир.

Мураккаб қудрат мантиғи:

Онгли итоатни вужудга келтирувчи легитимлик: Фикрий асос байъат, бошқарув, қазо ва Мазолим маҳкамаси тизимлари билан бирлашиб, шундай бир ихтиёрий бўйсунитишни шакллантирадики, у ички сизиб кириш тўйнуқларини бутунлай ёпади, ҳокимиятнинг шахсийлаштирилишига йўл қўймайди ва давлатнинг шахслар эмас, балки мезонлар асосида ушлаб турилишини таъминлайди.

Синдирилиши мушкул бўлган ижтимоий таянч: Бу – мажбуриятли раъйи ом, тарбияга қобил ёшлар қатлами ҳамда одамларга салтанат бевосита уларнинг ўзларидан ва улар орқали эканини ҳис эттирувчи байъатдир. Агар ташқи муҳит беқарорлашса ҳам, зотий хавфсизлик барқарор қолаверади, негаки жамият ўзи рози бўлиб сайлаган Султонни ўзи ҳимоя қилади.

Кўзбўямачиликка асосланган эмас, балки аниқ вазифаларга йўналтирилган иқтисодиёт: озиқ-овқат, дори-дармон ва энергетика каби устувор эҳтиёжларни қатъий белгилаш ҳамда меҳнат ресурслари ва инсон капиталини сафарбар этиш ички бардошлиликни таъминлаб, режали кенгайиш имконини беради. Бундай ёндашувда иқтисодиёт давлат иродасини жиловловчи кишан эмас, балки унинг олий рисолати бардавомлигини таъминловчи стратегик таянчга айланади.

Доктрина ва онглиликка эга бўлган ҳарбий қудрат: Аҳкомлар посбони бўлган армия босқичма-босқич тийиб туриш ва асимметрик тактикалар воситасида рақибнинг ҳужум қилиш журъатини йўққа чиқаради ва зарурат туғилганда ҳар қандай тажовузни рақиб учун сиёсий ва маънавий ва маънавий жиҳатдан мадорни қуритувчи талафотга айлантиради. Айни вақтда, исломий ҳарбий доктринанинг ҳақиқати ҳидоятни ёйиш ва бандаларни динлар зулмидан Ислом адолатига олиб чиқиш мақсадидаги ҳужумкорлик ва кенгайишдир. Зеро, Исломий давлат қанчалик кенгайса, шунчалик кучайиб боради ва рақибларини саросимага солади. Давлатнинг – айниқса, улкан салоҳиятларга эга бўла туриб – душман ҳужумини осонлаштирадиган мудофаа ҳолатида туриши асло тўғри эмас.

Чегара билмас жамоатчилик фикрини шакллантирувчи даъват: ишонтирарли ахлоқий концепция ҳамда адолатли ҳаёт намунаси ҳар бир қадамнинг таъсирини оширувчи «юмшоқ куч»ни юзага келтиради ва Ислом жуғрофиясини мададкор

ҳазорий таянчга айлантиради. Мусулмонлар дунёнинг қайси нуқтасида бўлишдан қатъи назар, уларнинг Исломга бўлган иймони ушбу давлатни қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг қудратини ошириш учун зарур бўлган маълумот ва тажрибалар билан таъминловчи муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Улар ўша олис ҳудудларда давлат душманларининг манфаатларига таҳдид солишлари ва шу орқали уларни Исломий давлатга ҳужум қилишдан тийиб қўйишлари мумкин. Зеро, бу Ислом давлати улар учун шариатлари татбиқининг ҳамда пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик ҳақидаги Пайғамбарлари қилган башоратнинг тимсолидир. Улар ушбу давлатга қўшилиш шавқида ёнадилар, хусусан, янги давлатнинг шариатни ҳақиқий татбиқ этаётганига ер юзидаги барча мусулмонларни ишонтириш учун кўп вақт талаб қилинмайди. Зеро, бу ғарб минг бор ҳисоблашадиган ғоят улкан ҳазорий омилдир. Масалан, Асад режими қулаши билан Суриядаги ҳаёт воқелиги ўзгариши ҳақидаги ривоят уфқларни қамраб олиши ҳамда муҳожирларни мамлакатга тўп-тўп ва якка ҳолда қайтишга чорлаши учун қанча вақт керак бўлди?! Ислом давлати ер юзининг турли бурчакларидаги мусулмонларга шундай бир хитоб билан юзланадики, бу хитоб уларга ушбу давлат уларнинг давлати эканини ва бутун вужудларини қамраб олган ақидаларидан балқиб чиққанини ҳис қилдиради ва уларни бунга ишонтиради.

Изоляцияга бўйсунмас инсоний ва географик майдон: Кенгайиш кўлами ҳамда йўлак ва чиқиш йўлларининг кўплиги қамал қилиниш эҳтимолини пасайтиради ва рақибни қалтис таваккалчилик ўрнига ўзаро келишув ҳақида фикр юритишга мажбур қилади. Исломий давлат Америка ва бошқалар жорий қиладиган санкцияларга нисбатан Эрон, Ироқ, Россия ёки ўзгалар каби муносабатда бўлмайди. Аксинча, давлат ўзига қарши санкция жорий қилган ҳар қандай вужуд ёки давлатнинг бу ишини «уруш эълони» деб баҳолойди ва йирик давлатларни қамал ҳақида ҳатто ўйлашдан ҳам тийилишга мажбурлаш учун ғарб манфаатларини бўғиб қўядиган даражада зудлик билан жавоб қайтариш мақсадида ўзининг жамийки бойликлари, имкониятлари ва геосиёсий салоҳиятини ишга солади. Ислом давлати тезкорлик билан ҳудудларни қўшиб олиш ва жадал кенгайиш қудратига эга. Хусусан, унинг атрофидаги муҳит мўрт

ва қулаш арафасида бўлиб, устунларини қурт емирган, халқлари эса коррупция ва бузғунчилардан халос бўлишга ташнадир! Давлат ҳар бир юртнинг обрўли шахслари ва омма халқи билан алоқа ўрнатиб, кенгайиш жараёнини тезлаштирадиган ва осонлаштирадиган режаларни амалга оширади. Бундай сиёсат эса ҳар қандай қамал ёки санкция режаларини остин-устун қилиб юборади.

Ушбу унсурларнинг тарқоқлиги эмас, балки бир бутун бўлиб бирлашиши «муҳандислик иммунитет»ни вужудга келтиради: бу жараёнда ҳар бир таянч фикрий асоснинг ишораси ва йўналиши остида бошқасининг нуқсонини тўлдиради (камини қоплайди), натижада бирор тирқишнинг душман учун ўтиш йўлагига айланиши амри маҳол бўлиб қолади.

Хўш, нима учун фақат танклар ва миллий даромадни ўлчашнинг ўзи кифоя қилмайди?

Зеро, легитимликка ва тартибли жамоатчилик фикрига таянмаган моддий куч тез фурсатда емирилади. Ақида қалбларни эгаллаган тақдирда эса, у ҳарбий техникаларнинг таъсир кучини бир неча баробар оширади ҳамда оз сонли кучни устун ва ғолиб кучга айлантиради. Яқин ва олис тарих тажрибалари таъкидлайдики, фикрлар қуролланган тизимларни қулатади ва қурол заводларини қуришдан олдин давлатларни барпо этади.

Душманни ҳисоб-китобларини қайта кўриб чиқишга мажбур этувчи тийиб турувчи омиллар:

Чегара билмас сиёсий бадал: ҳар қандай тажовуз кенг кўламли исломий жамоатчилик фикрини жунбушга келтиради, натижада тажовузкорнинг минтақавий ва халқаро манфаатлари хавф остида қолади.

Яшин тезлигидаги ҳал қилувчи ғалабанинг имконсизлиги: Халқ таянчи, шаръий муассасалар, зарурат иқтисодиёти ва ўзига хос доктринага эга армиядан иборат омиллар урушни тажовузкор учун қимматга тушувчи, тинкани қуритувчи ва ғалаба кафолатланмаган жараёнга айлантиради.

Тезкор амалий кенгайиш: Ҳазорий ва географик чуқурликка таяниш давлатни қуршовга олишни мушкуллаштиради ҳамда рақибларнинг режаларини остин-устун қилиб юборади. Зеро, бу – давлат бевосита олиб борадиган амалий сиёсатдир.

Рақибнинг ахлоқий жиҳатдан фош бўлиши: адолатли бошқарув модели ва қаноатлантирувчи мафкуравий баён санкция ва қамалларнинг легитимлигини йўққа чиқаради ҳамда босим воситаларини ўз эгаси учун оғир «ташвиқот юки»га айлантиради.

Ҳал қилувчи хулоса

Навқирон давлатнинг пойдеворларини мустаҳкамлайдиган ва душманларининг макрини қайтарадиган қудрат ўзича алоҳида бир «таянч» эмас, балки ақида етакчилик қиладиган, муассасалар қолипга соладиган, Уммат озиқлантирадиган ва шаръий сиёсат бошқарадиган яхлит интеграция муҳандислигидир. Кимки фақатгина армияга ёки соф иқтисодий кўрсаткичларга таяниб фикр юритса, ҳақиқий тийиб туриш механизmidан ғафлатта қолади. Зеро, онгли легитимлик + содиқ жамоатчилик фикри + функционал ўзини-ўзи таъминлаш иқтисодиёти + тўғри доктринага эга армия + географик ва ҳазорий чуқурлик = урушни душман учун фақат ноумид кимсанинг чорасиз қадамига айлантирувчи иммунитетдир.

Ана шунда душман ҳужум қилишдан олдин чуқур мулоҳаза қилишга мажбур бўлади. Зеро, тажовуз унга тезкор ғалабани ваъда қилмайди, аксинча, қимматга тушувчи ҳолдан тойдириш, легитимликдан маҳрум бўлиш ҳамда қалблардан тортиб хариталаргача ёйилган манфаатларини бой бериш хавфи остига қўяди.

(Давоми бор). □

## ДЕМОКРАТИЯ ВА ШҶРО ҲАҚИҚАТ ВА СОХТАЛИК ЎРТАСИДА

Дурайд Абдуллоҳ – Ироқ

Бизларга диннинг белгиларини аниқ баён қилиб берган, очиқ-ойдин Китобни инъом этган ҳамда ҳалол ва ҳаромни муфассал баён қилган ҳолда, Ўз аҳкомларини биз учун қонун қилиб жорий этган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! У Зот шариятни дунёга ҳакам қилди, шу сабабли халойиқ манфаатлари қарор топди ва ҳақ қоидалари собит бўлди. Шунингдек, У бу ишда гўзал ўлчов ва мукамал тадбир юритишни иш эгаларига (раҳбарларга) топширди.

У Зотга тақдир ва тадбир қилгани учун ҳамдлар бўлсин! Унинг амрини юзага чиқарган Росулига энг афзал салавот ва энг мукамал саломлар ёғилсин. Аммо баъд:

Дарҳақиқат, демократия ва унга даъват қилиш хусусида гап-сўзлар кўпайди. Ахборот воситаларидан бирортасида кўриниш берган бирор сиёсий етакчи ёки мутафаккир йўқки, уни мақтамаган бўлса. Гўёки у мафтункор сеҳр ва шифобахш малҳамдек.

Кўплаб мусулмонларнинг ақлларига бир яширин шубҳа сизиб кирдики, у Исломдаги бошқарув низомини шўро низоми деб, демократияни эса шўронинг айни ўзи деб тасвирлайди! Бунинг оқибатида улар «Исломдаги бошқарув демократикдир», деган мазмундаги хулосага келмоқдалар.

Бундай дейиш ҳақиқатни четлаб ўтишдир. Зеро, шўро на бошқарув низоми ва на ҳаёт низомидир. Балки у тўғри фикрни аниқлаш услубидир.

### **Исломда шўронинг моҳияти**

Шўро кенгашининг аъзолари Аҳли ҳал вал-ақд (ваколатли ва нуфузли шахслар) бўлиб, улар мусулмонлар жамоаси орасида кўзга кўринган ва уларнинг ишончини қозонган шахслардир. Улар фикр билдиришда одамлар номидан вакил ва халифага маслаҳатчидирлар. Шўро кенгаши аъзоси юқоридан тайинланмайди, балки сайлов йўли билан сайланади. Ушбу фикр (яъни шўро кенгаши аъзосини тайинлаш) Росулulloҳ ﷺ нинг ансор ва муҳожирлардан 12 нақибни (вакилни) хослаб ажратганларидан олинган.

Шўронинг моҳияти шундаки, у қонунчиликда бўлмайди. Зеро, қонун чиқариш инсонлардан эмас, балки Аллоҳдандир.

Шўро фақатгина Аллоҳ ихтиёр қилишга изн берган мубоҳ ишлардагина мавжуд. Демак, шўро Ислом ақидасидан балқиб чиққан фикр, мустақил бошқарув низоми эмас. Негаки, бошқарув низоми давлатнинг асоси, шакли, сифатлари, аппаратлари ва унда татбиқ этиладиган қонунларни баён қилувчи низомдир. Шўро кенгаши эса, бошқарув аппаратларидан бири, холос.

### **Демократия: Тушунча ва келиб чиқиш**

Бунинг муқобилида, демократия кенгроқ низом таркибидаги бир услуб эмас, балки унинг ўзи низомдир. Бу дунёдаги барча демократик конституцияларда яққол намоён. У ғарбча атама бўлиб «Халқнинг халқ томонидан ва халқ учун бошқаруви», деган маънони билдиради. Демак, демократияда халқ мутлақ ҳоким ҳамда суверенитет (мутлақ ҳукмронлик ва қонун чиқариш ҳуқуқи) эгасидир, у ўзи учун ўзи қонун чиқаради ва ишларини ўз иродаси билан бошқаради. Демократия Европада қироллар ўзларини Аллоҳнинг ер юзидаги вакиллари ҳамда инсонларни Унинг ваколати билан бошқараётганликларини даъво қилган кезларда пайдо бўлди. Одамлар бу даъвога қарши исён кўтаришди ва ўз ҳокимиятини «динни ҳаётдан ажратиш» принциpidан оладиган низомни барпо этишди. Шундай экан, у соф инсоний низом бўлиб, на ваҳийга ва на динга ҳеч қандай алоқаси йўқ. У Аллоҳни қўйиб, инсонга қонун чиқариш ҳуқуқини беради ва қонун чиқариш ёлғиз Аллоҳнинг ҳаққи эканини инкор этади.

Шу боис, демократияни йўл ҳаракати қоидалари каби оддий бир «маъмурий механизм» сифатида таърифлаш асло тўғри эмас. Зеро, у Исломга асл-асосидан зид келувчи ақидавий ва фикрий дунёқарашга асосланади. Шу сабабли, демократия ва шўро ўртасини боғлаш тўғри эмас. Чунки бу ўринда биз инсонлар ижоди бўлмиш вазъий ҳаёт низоми билан мукамал илоҳий бошқарув низоми бўлган Исломдаги маслаҳат услубини ўзаро қиёслаётганимиз йўқ.

### **Демократия – тоғутдир**

Ислом қатъий белгилаганки, Аллоҳдан ўзгага ҳукм сўраб бориш тоғутга ҳукм сўраб боришдир. Тоғутнинг ҳукми эса жоҳилият ҳукмидир. Шундай экан, Аллоҳнинг Китоби ва Росули ﷺнинг Суннатидаги ҳукмга зид келган ҳар қандай қонун чиқариш (ташриъ) – инсоннинг инсон устидан ҳукм юритиши,

инсоннинг инсонга қўллиги ҳамда Аллоҳ Азза ва Жалланинг илоҳлигини рад этишдир. Бас, ким ўзини Аллоҳ билан бирга қонун чиқарувчи қилиб олса, у хоҳ ҳукмдор, хоҳ депутат ёки қонун чиқарувчи ҳайъат бўлсин, шак-шубҳасиз, у қонун чиқаришда рубубият (Робблик) мақомини эгаллаган бўлади. Шу боис, Аллоҳни қўйиб қонун чиқарадиган парламентлар тоғут истеҳкомларидир, улардан четланиш вожиб. Чунки, улар ўзларини ҳалол ва ҳаром қилиш масаласида итоат қилинадиган қонун чиқарувчига айлантириб олишди. Қонун чиқаришда итоат қилиш ибодат бўлиб, у Аллоҳдан ўзгага бўлмайди.

### **Исломда суверенитет (мутлақ ҳукмронлик ва қонун чиқариш ҳуқуқи)**

Исломда суверенитет халққа эмас, балки шариатга тегишлидир. Конституция ва қонунлар учун ягона мурожаат манбаи шариат бўлгани сабабли, «Ислом қонунчилиги манбаларидан бири» ёки «асосий манба» каби ибораларни қўллаш мутлақо дуруст эмас. Бундай дейиш Китоб ва Суннатни қонунчилигининг ягона манбаси сифатида белгилаган Аллоҳнинг амрига зид келади. Ҳокимият ва салтанат масаласига келсак, у ҳақиқатда Умматникидир. Уммат ўз салтанатини шариатни татбиқ этиш шарти билан халифага байъат бериш орқали топширади. Демак, халифа қонун чиқарувчи эмас, балки ижро этишда Умматнинг вакили ҳисобланади. У одамлар ишларини Аллоҳ нозил қилган ҳукмлар билан бошқаришдаги ҳар қандай сусткашлиги учун муҳосаба қилинади.

### **Номзодлик ва сайловларнинг шаръий ҳукми**

Ҳозирги кундаги давлатларда мавжуд парламентларга номзодликни қўйиш ёки уларнинг аъзоларини сайлашга доир шаръий ҳукм уларнинг воқелигидан келиб чиқиб ойдинлашади. Улар Исломга зид бўлган инсоний низом ва қонунларни қонунлаштирувчи мажлислардир. Исломда қонун чиқариш ҳаром амал ҳисобланади, чунки бу ҳуқуқ фақатгина Аллоҳ Таолога тегишлидир. У овоз бериш ёки ваколат тақдим этиш йўли билан амалга оширилмайди, ҳаттоки вазъий қонун бирор шаръий ҳукмга мувофиқ келса ҳам. Чунки шаклий мувофиқлик эмас, балки манба эътиборга олинади: агар у ваҳийдан олинмаган бўлса, демак, у шариат эмас. Шу сабабли, мусулмон кишига ушбу мажлисларда иштирок этиш – хоҳ

номзодлик, хоҳ сайлаш ва хоҳ Аллоҳни қўйиб (ўзга) қонун чиқарувчиларга овоз бериш йўли билан бўлсин – мутлақо ҳаромдир.

### **Муҳосабанинг моҳияти**

Ҳокимларни муҳосаба қилиш амри маъруф ва наҳий мункар бобидан бўлиб, шаръан вожибдир. Бироқ, агар у вазъий конституция асосида амалга оширилса, тоғутга ҳукм сўраб бориш бўлади. Зеро, замонавий конституциялар Аллоҳнинг қонунчилиги билан башарият қонунчилигини тенглаштиради. Улар ҳатто, ҳукмни халққа бериш учун, Аллоҳнинг ҳукмини четга суриб ташлайди. Бу эса тавҳиднинг аслига зиддир.

### **Референдум алдовидан огоҳлик**

Демократик низомларда давлат конституцияси ёки парламент қабул қиладиган айрим қонунлар юзасидан ўтказиладиган умумхалқ референдуми ботилни қонунийлаштириш ва Умматни ўз вазифасидан чалғитиш мақсадидаги сиёсий найрангдир. Аммо Исломга кўра, дорул-Исломда қонунчилик устида референдум ўтказишга ўрин йўқ. Негаки, қонун чиқариш халқнинг ҳуқуқларидан эмас, балки Аллоҳ Субҳанаҳунинг хусусиятларидандир. Шу боис, Аллоҳ Таолонинг шариатидан ҳукм сўрашни қабул қилиш ёки рад этиш хусусида референдум ўтказиш асло тўғри эмас.

### **Хотима**

Исломий давлат соясидаги сайловлар вазъий конституцияларга эмас, балки Ислом аҳкомларига мувофиқ амалга оширилади. Негаки, ундаги бошқарув низоми Халифаликдир. Аммо вазъий парламентларга кириш ҳаром ишда вакил бўлиш, ботил қонунчиликда шериклик қилиш ва Умматни ўзининг ҳақ уйғониш йўлидан адаштиришдир. Бас, мусулмонлардан талаб қилинган нарса кўфр низомларини сохта «ислоҳот» пардозлари билан безаш эмас, балки шариат ҳукмронлигини ўз ўрнига қайтаришдир.

Аллоҳим, ушбу Умматга ўз рушду ҳидоятини илҳом эт, ундан рози бўл ва дуоларини ижобат қил! Унинг орасида Ўз динингни ҳукмрон қил, уни ўзгаларни ҳидоятга бошловчи ва ўзи ҳам ҳидоят топган Уммат қилгин. Аллоҳим, Умматни ягона имом атрофида жамла, разил кофирлар устидан унга нусрат бер ва уни бутун инсоният устидан гувоҳ бўлишга муносиб айла! Аллоҳим, бизга ҳимоя қилувчи таянчни муҳайё қил, бизни

мўминларнинг кучлилари ва энг поклари билан қўллаб-қувватла, эй раҳмлиларнинг Раҳмлиси! Аллоҳим, ваъдангни рўёбга чиқар, нусратингни тезлат, раҳматингни кенг ёй ва бизни махфий ва ошкора Ўзингга итоат қилишга муваффақ айла! Уммий, Содиқ ва Амин бўлган Набийга ҳамда у зотнинг аҳли оиласи ва барча саҳобаларига салавот ва саломлар бўлсин! □

## РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ БИЛАН У ЗОТНИНГ САҲОБАЛАРИ ВА ЭЛЧИЛАРИНИНГ СОБИТҚАДАМЛИГИ

Райён Исо – Ироқ вилояти

Дарҳақиқат, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Ўз Росули Мухаммад ﷺ ни ўз қавмига уларни жоҳилият зулматларидан буюк Ислом нурига олиб чиқиш учун элчи қилиб юборди. Пайғамбар ﷺ ўз даъватларини Қурайш қаршисида ошкор қилдилар ва даъватнинг илк куниданоқ Сафо тоғида ўз қавмларини огоҳлантириб, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло у зотни уларга башорат берувчи ва огоҳлантирувчи элчи қилиб юборганини етказдилар. Қавм Росулulloҳ ﷺ нинг ростгўй ва ишончли эканликларини билишса-да, у зотни ёлғончига чиқаришди ва у зотга қарши курашиб, озор беришди.

Шундан сўнг бутун Қурайш аҳли ушбу янги даъватга жиддий эътибор қаратмади. Зеро, улар буни фақат Бану Ҳошим ва Бану Абдулмутталибга хос иш деб гумон қилишган эди. Хусусан, Росулulloҳ ﷺ даъватларининг аввалида Аллоҳ Таолонинг қуйидаги қавли ижроси ўлароқ, асосий эътиборни ўз аҳли ва дўстлари орасидаги энг яқин кишиларга қаратган эдилар:

﴿وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ﴾

**«Яқин қариндош-уруғларингизни огоҳлантиринг!»** [Шуаро 214]

Саҳоба  ларнинг сафи кенгайиб, ададлари кўпайгач, Набий  уларга Қурайш кўзидан йироқда, махфий равишда тўпланадиган жойни белгилаб бердилар ва бу Арқам ибн Абу Арқамнинг ҳовлиси эди. Бу ҳолат уч йил давом этди ва у зот бу вақт ичида уларга улуғ Қуръондан таълим бердилар. Ҳамза ибн Абдулмутталиб, унинг ортидан Умар ибн Хаттоб  Исломни қабул қилганларидан сўнг Росулulloҳ ﷺ барча издошлари билан икки сафда очиқ чиқдилар. Сафлардан бирининг бошида Ҳамза, иккинчисининг бошида Умар турар эди ва бу кофирлар учун ғоят оғир кун бўлди.

Айнан шу ўринда Қурайш ишнинг нақадар хатарли эканини ҳамда Росулulloҳ ﷺ ва у зотнинг издошларини йўлдан қайтариш учун қатъий туриш лозимлигини англаб етди. Натижада, улар томонидан ёлғон, зулм, бўҳтон, қамоқ, қийноқ, сургун, қамал, мол-дунёга қизиқтириш, шунингдек, Росулulloҳ ﷺ даъватни тарк этишлари учун у зотга подшоҳлик, аёллар ва

ҳукмронликни таклиф этиш каби ишлар содир бўлди. Бироқ У зот ﷺнинг амакиларига жавоблари фақат ушбу сўзлар бўлди:

«يَا عَمَّ، وَاللَّهِ لَوْ وَضَعُوا الشَّمْسَ فِي يَمِينِي وَالْقَمَرَ فِي يَسَارِي عَلَى أَنْ أَتْرُكَ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّى يُظْهِرَهُ اللَّهُ أَوْ أَهْلِكَ فِيهِ مَا تَرَكْتُهُ»

**«Эй амаки! Аллоҳга қасамки, агар улар шу ишни тарк этишим эвазига қуёшни ўнг қўлимга, ойни чап қўлимга қўйишса ҳам, то Аллоҳ бу ишни (динни) ғолиб қилмагунча ёки мен шу йўлда ҳалок бўлмагунимча, уни асло тарк этмайман».** Агар улар у зот ﷺ шартли равишда талаб қилган нарсани – гарчи бу мутлақ имконсиз иш бўлса-да – муҳайё қилганларида ҳам, у зот ﷺ буни улардан асло қабул қилмас эдилар. Бу – эришадиган дунёси ёки никоҳланадиган аёли сабабли ўз динидан, ақидасидан ва Умматидан воз кечган ҳар бир киши учун дарсдир!!!

Бир томондан Росулulloҳ ﷺ ва у зотнинг издошлари, иккинчи томондан Қурайш зодагонларининг зўравонлиги, бўҳтон ва зулмлари ўртасида кечган бир неча йиллик фикрий курашдан сўнг, кенглигига қарамай ер Маккадаги муслмонларга торлик қилиб қолгач ва у ердаги жамият Ислom даъвати қаршисида тошдек қотгач, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Росулulloҳ ﷺнинг Ясриб аҳлидан бўлмиш Ҳазраж қабиласининг бир гуруҳи билан учрашишларини ирода қилди ва натижада уларнинг қалблари у зотнинг даъватлари учун очилди. Шунда Росулulloҳ ﷺ саҳобаларидан бири Мусъаб ибн Умайрни уларга Ислomдан таълим бериш учун бирга юбордилар. Мусъаб ибн Умайр ибн Ҳошим ибн Абдулманoф Маккада ҳашамат ва ноз-неъмат ичида ўсган, энг гўзал кийимларни киядиган ва энг қимматбаҳо атирларни сепадиган йигит эди. У Ислomни биринчилардан бўлиб қабул қилганди. Ота-онаси унинг Ислomга кирганини билган заҳоти уни бу йўлдан қайтаришга ва бутларга ибодат қилдиришга уринишди, аммо у рад этди. Шунда улар Мусъаб رضي الله عنهни қамаб қўйиб, мол-мулкдан маҳрум этишди, натижада у фақир ва йўқсил ҳолга тушиб қолди. Сўнг улардан қочиб Ҳабашистонга ҳижрат қилди. Кейин – Аллоҳ ундан рози бўлсин – Маккага қайтганлар билан бирга қайтиб келди. Росулulloҳ ﷺ уни Мадинада даъватни ёйиш вазифаси учун танлаб олдилар ва у Росулulloҳ ﷺнинг энг

яхши элчиси ҳамда Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилган илк муҳожир бўлди. У Росулulloҳ ﷺ билан бирга Бадр ва Уҳудда иштирок этди, Росулulloҳ ﷺнинг «Уқоб» байроқларини кўтарувчи эди. Мусъаб رضي الله عنه Уҳуд жангида шаҳид бўлди, ўшанда унинг устида фақат биргина намира (жунли мато) бор эди холос, агар у билан юзини ёпсалар оёқлари очилиб қолар, агар оёқларини ёпсалар боши очилиб қолар эди. Шунда Росулulloҳ ﷺ:

«غَطُّوا رَأْسَهُ وَاجْعَلُوا عَلَيَّ قَدَمَيْهِ الْإِدْحَرَ»

**«Бошини ёпинглар ва оёқлари устига изхир (хушбўй ўсимлик) қўйинглар»**, дедилар ва унинг тепасида туриб Аллоҳ Таолонинг қуйидаги қавлини тиловат қилдилар:

﴿مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَّنْ قَضَىٰ نَحْبَهُ وَمِنْهُمْ مَّنْ يَنْتَظِرُ وَمَا بَدَّلُوا تَبْدِيلًا﴾

**«Мўминлар орасида ўзлари Аллоҳга берган (У зотнинг йўлида жиҳод қилиб, шаҳид бўлиш ҳақидаги) аҳду паймонларига содиқ бўлган кишилар бордир. Бас улардан (айрим) кишилар ўз аҳдига вафо қилди, (яъни шаҳид бўлди), улардан (айрим) кишилар эса (шаҳид бўлишга) интизордир. Улар (мунофиқларга ўхшаб Аллоҳга берган аҳду паймонларини) ўзгартирганлари йўқ»** [Аҳзоб 23]

Биринчи Ақаба байъатидан сўнг, Набий ﷺ Мусъабни Мадинага Ислумни ёйиш учун юбордилар ва Аллоҳ унга бу ишда муваффақият ато этди. Авс ва Ҳазражнинг саййидлари унга эргашдилар, омма эса ўз етакчилари ордидан бориб, Аллоҳ Азза ва Жалланинг динига тўп-тўп бўлиб кирдилар. Мусъаб Росулulloҳ ﷺ ҳузурларига қайтган вақтда Мадинада бирор хонадон қолмаган эдики, унда Аллоҳни ягона деб билган муслмон бўлмаса ёки Ислум яхшилик билан тилга олинмаса. Сўнг Авс ва Ҳазраждан вакиллар келиб, Росулulloҳ ﷺга хурсандчиликда ҳам, қийинчиликда ҳам қулоқ солиб, итоат этишга байъат бердилар. Бу биринчи байъатдан бир йил ўтиб юз берган иккинчи Ақаба байъати бўлиб, айна вақтда «уруш байъати» ҳамда Мадинаи Мунавварада илк ислумий авлатни барпо этиш аҳдномаси эди. Шу тариқа Аллоҳ унга нур

устига нур зиёда қилди ҳамда бу Ислom ва муслмонлар азизлигининг бошланиши бўлди.

Аллоҳ Азза ва Жалланинг тавфиқи ва раҳматидан сўнг, агар Росулulloҳ ﷺ нинг ўз даъватларидаги собитқадамлик ва қатъиятлари ҳамда одамларга юборадиган элчиларини гўзал тарзда танлаганлари бўлмаганида эди, Ислom давлати барпо бўлмас эди. Росулulloҳ ﷺ худди ўз мақсадларига етишишни истаган ҳар қандай инсон каби ҳаракат қилдилар, бевосита ишга киришдилар ва шу йўлда кездилар. Бу – ваҳий билан қўллаб-қувватланган соф инсоний саъй-ҳаракат бўлиб, У зот гўё ўз Умматларига «Агар менинг йўлимга ва суннатимга эргашсангиз, ўз давлатингизни барпо эта оласиз ҳамда у орқали азизлик ва шарафингизни қайтара оласиз. Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннатидан иборат бўлган ваҳий сизлар билан биргадир. Бас, у иккисидан оғишманглар ва ажралманглар. Уларни доимо кўз ўнгингизда тутинглар. Зеро фақат шулар билан давлатингизни янгидан қайта тиклайсизлар», деяётгандек эдилар.

Бугунги кунда муслмонлар ҳолига назар солган киши Умматни эллиқдан ортиқ давлатга бўлиниб кетган энг аянчли аҳволда кўради. Бунинг устига, миллатчилик, ватанпарварлик, капитализм ва даҳрийлик фикрларининг ҳукмронлиги ҳамда ҳар бир кишининг Уммат ҳаётидан кўра ўз шахсий ҳаёти билан овора бўлиб қолгани оқибатида шахсиятпарастлик, худбинлик ва ўз нафсини ўйлаш омма муслмонлар ҳаётидаги энг кўзга кўринган белгига айланди. Вазиятни янада оғирлаштирган нарса шуки, малай ҳукмдорлар ва хоин жиноятчилар муслмонларнинг ишлари ва дунёлари устидан ҳукмронликни қўлга олиб, уларга қарши чиққан ҳар бир кишини аёвсиз янчидилар, ҳатто муслмон киши қўрқув ва даҳшатдан ортига аланглаб юрадиган бўлиб қолди! Хўш, Аллоҳ Таолони рози қиладиган ҳолат шуми ёки У Зотни бизнинг азизлигимиз, юксаклигимиз ва бутун олам устидан етакчилик қилишимиз рози қиладими?

Эй барча махлуқотлар саййиди Муҳаммад ﷺ нинг Уммати! Аллоҳга қасамки, бугун сизлар учун ўз Пайғамбарингизнинг тариқатидан ўзга йўл йўқ. Зеро, фақат шу йўл билангина динингизни ҳаётингизга ҳоким қилиб қайтара оласиз, сўнгра уни худди ўтган салафларимиз – Аллоҳ улардан рози бўлсин –

кўтариб чиққанларидек оламга олиб чиқасиз. Бугунги кун кечаги кунга нақадар ўхшаш! Бизнинг бу воқелигимиз фақат сабр, собитқадамлик ва бадали қанчалар аччиқ бўлмасин, воқеликни ўзгартириш йўлидаги қатъият билангина ўзгаради.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اصْبِرُوا وَصَابِرُوا وَرَابِطُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

**«Эй иймон келтирганлар! Сабр қилингиз, сабру тоқат қилишда (кофирлардан) устун бўлингиз ва доимо (кураш-жиҳод учун белингиз боғлиқ ҳолда) ҳозир бўлиб турингиз ҳамда Аллоҳдан қўрқингиз, шояд (шунда) нажот топгайсизлар!»** [Оли Имрон 200] □

## РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ НИНГ АХЛОҚЛАРИ

### Баҳоуддин Ҳусайний

Қийматлар емирилиб, ғафлат зулматлари қуюқлашган ушбу даврда, Набий ﷺ нинг сийратлари битмас-туганмас чашма ва жаннат шабадалари ифор таратиб турган райҳон бўлиб қолаверади. Зеро, инсониятдаги ҳар қандай олийжаноб хулқ у зот хулқларининг бир сояси, солиҳлар йўлидаги ҳар бир нур эса Аллоҳ оламларга раҳмат қилиб юборган Пайғамбаримизнинг нуридан бир шуъладир.

### Зикрнинг улуғворлиги ва мадад сўраш

Расулуллоҳ ﷺ бирор нарсани унутсалар, муборак пешоналарини кафтларига қўйиб:

«اللَّهُمَّ ذَكِّرْنِي مَا نَسِيتُ، يَا مُذَكِّرَ الشَّيْءِ وَقَاعِلَهُ، ذَكِّرْنِي مَا نَسِيتُ»

«Аллоҳим, унутган нарсамни менга эслат! Эй нарсани эслатувчи ва уни бажарувчи Зот, унутган нарсамни менга эслат» дер эдилар. Бу дуо инсоннинг энг нозик ҳолатларида ҳам Аллоҳга юзланишдаги юксак одобни намоён этади. Зеро Расулуллоҳ ﷺ фақат ўз хотираларига таяниб қолмас, балки ҳар бир тавфиқни адашмайдиган ва унутмайдиган Зот бўлган Аллоҳга боғлар эдилар. Шу тариқа Пайғамбар ﷺ бизга унутиш ўринларида зикр қилиш айна ибодат эканини, Аллоҳдан мадад сўраш эса илм ва ҳидоятнинг калити эканини таълим берадилар.

### Муомала ва вафодорлик суннатлари

Қарзни қайтариш Расулуллоҳ ﷺ нинг суннатларидандир. Қарз – бирор нарсани унинг мислини қайтариш шarti билан беришдир. Шунингдек, орияни қайтариш ҳам суннат бўлиб, у бирор нарсани манфаатланиш учун олиб, сўнгра эгасига қайтаришдир. Расулуллоҳ ﷺ дан ривоят қилинади:

«إِنَّ خِيَارَكُمْ أَحْسَنُكُمْ قَضَاءً»

**«Сизларнинг энг яхшиларингиз қарзни энг чиройли адо қилувчиларингиздир».** (Имом Муслим ривояти). Яъни, вафо қилишда энг комил ва адо этишда энг аниқ бўлганларингиздир. Ушбу ҳадисда муомалалардаги вафо иймоннинг бир бўлаги экани, кимнинг зиммаси (ҳақ-ҳуқуқ борасида) тўғри бўлса, унинг дини ҳам тўғри бўлиши ҳамда омонат фақатгина йирик битимларда эмас, балки ҳаётнинг ҳар бир кичик жабҳасида ҳам мавжуд экани борасида етук таълим бор.

Шунингдек, меҳмондўстлик, яъни уни икром этиш ва кўнглини хушнуд қилиш у зот ﷺнинг суннатларидандир. Зеро, Пайғамбаримиз ﷺ шундай марҳамат қилганлар:

«مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ»

**«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин».** (Муттафақун алайҳ). Чунки меҳмонни икром қилиш шунчаки ижтимоий урф-одат эмас, балки қалб софлиги ва нафс саховатини ифода этувчи холис ибодатдир.

### **Зикр ва мадад сўраш руҳи**

Росуллоҳ ﷺ

«لا حول ولا قوة إلا بالله»

**«Куч ва қувват фақат Аллоҳнинг ёрдами билан бўлади»** калимасини кўп айтар эдилар. Набий ﷺ саҳиҳ ҳадисда уни жаннат хазиналаридан бир хазина деб таърифлаганлар. (Имом Бухорий ривояти). Бу калима тилдаги шунчаки такрор эмас, балки ҳар бир ҳаракат ва сукунатда Аллоҳга тўлиқ таслим бўлиш эълонидир. Бас, ким уни чин қалбдан айтса, Аллоҳ унинг қалбини таклиф (мукаллафлик) юкидан роҳатлантиради ҳамда унинг ожизлигини ҳаракатга, заифлигини эса куч-қудратга айлантиради.

### **Набий ﷺнинг инсонларга раҳмати ва учрашув одоби**

Агар бирор киши Набий ﷺни намоз ўқиётган ҳолларида кўриб, у зотни кутиб ўтирса, у зот намозларини қисқа қилар, унга мулойимлик билан юзланиб «Бирор ҳожатинг борми?» дер эдилар. Бу қандай буюк қалбки, Роббисига қилаётган

муножоти ҳам уни муҳтожнинг ҳожатини раво қилишдан чалғита олмаса?! Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ ибодат билан хизматни, намоз билан камтарликни, Аллоҳ билан ёлғиз қолиш билан Унинг махлуқотларига ғамхўрлик қилишни ўзларида жамлаган эдилар. Шу тариқа, Пайғамбар ﷺ бизга ҳақиқий ибодат инсонларни ўзидан четлатиш эмас, балки уларни ўз бағрига олиш эканини таълим бермоқдалар.

### **Набий ﷺнинг тозаллик ва гўзаллик суннати**

Росулulloҳ ﷺ хушбўйлик ва озодаликни яхши кўрар ва:

«إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ»

**«Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни яхши кўради»**, дер эдилар. (Имом Муслим ривояти). Тирноқ олиш, сочни парваришлар, қўлтиқ ва аврат тўқларини тозалаш Пайғамбаримизнинг суннатларидандир. Шунингдек, нафсни бир вақтнинг ўзида ҳам зоҳирий, ҳам ботиний покликка ўргатиш мақсадида олинган соч, тирноқ ва қонни тупроққа кўмар эдилар. Бундан ташқари, Росулulloҳ ﷺ кўзларига Ҳижозда машҳур бўлган, кўриш қобилиятини оширадиган ва кўз нуруни кучайтирадиган «Исмид» сурмасини суртар эдилар.

Агар Росулulloҳ ﷺга бирор хушбўйлик тақдим қилинса, албатта ундан суртар эдилар, у зот мушк, алоэ ва бошқа барча хушбўйликларни яхши кўрар эдилар, ҳатто Анас رضي الله عنه бундай деганлар:

«كَانَ النَّبِيُّ ﷺ لَا يَرُدُّ الطَّيْبَ»

**«Набий ﷺ хушбўйликни қайтармас эдилар»**. (Имом Бухорий ривояти). Зеро, Пайғамбаримиз ﷺ наздида гўзаллик ибодат, озодалик иймондан, хушбўйлик эса худди маконни тўлдиргани каби, қалбларни ҳам чулғаб олувчи сокинликдир.

### **Нур ва хушбўйлик жумаси**

Агар жума кўни бўлиб, ҳузурларида хушбўйлик топилмаса, Росул ﷺ аёлларидан бирини чақирар, аёллари сувга хушбўйлик қўйиб берар, сўнг у зот уни муборак юзларига суртар эдилар. Бу иш Пайғамбаримиз ﷺнинг Имом Муслим ривоят қилган қўйидаги

«خَيْرُ يَوْمٍ طَلَعَتْ عَلَيْهِ الشَّمْسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ»

**«Қуёш чиққан кунларнинг энг яхшиси жума кунидир»** деган ҳадисларида таърифлаган ушбу улўф кундаги қувончни изҳор этиш учун эди.

Шунингдек, Пайғамбаримиз ﷺ намозга чиқишдан аввал мўйловларини қисқартирар, тирноқларини олар ва топа олган энг хушбўй атирларидан суртар эдилар. Токи, Росул ﷺ дан хушбўй ҳид таралиб турар экан, ҳасанотлар тўхтовсиз ёзилиб турсин.

### **Сўз одоби ва баён балоғати**

Набий ﷺ бирор сўз айтсалар ёки саволга жавоб берсалар, одамлар у зотдан мақсадни тўлиқ англаб олишлари учун уни уч марта такрорлар эдилар, бу ҳақда «саҳиҳ»да хабар қилинган. Бу таълим бериш одоби ва тингловчига нисбатан раҳмат бўлиб, токи у маънони англаб олсин ва уни эшитганидек бошқаларга етказсин. Зеро Росулulloҳ ﷺ наздида сўз омонатдир, у беҳуда айтилмас ва шунчаки ташлаб қўйилмас, балки ҳикмат тарозисида ўлчанар эди. Шу боис Аллоҳ Таоло у зот ҳақида шундай деган:

﴿وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ۗ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ﴾

**«У ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У фақат ваҳий қилинаётган ваҳийдир»** [Нажм 3]

Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺ нинг ҳар бир ҳарфи ҳидоят қилар, ҳар бир сукунни таълим берар ва ҳар бир табассуми қалбни обод қилар эди.

### **Масжидлар – Пайғамбарлар бўстони**

Росулulloҳ ﷺ :

«الْمَسَاجِدُ مَجَالِسُ الْأَنْبِيَاءِ»

**«Масжидлар – Пайғамбарлар мажлисларидир»**, деганлар. Масжидга кирганда қиблага юзланиб, сокинлик билан ўтириш, унда овоз кўтармаслик ва ўзни дунёвий сўзлар билан машғул қилмаслик суннатдандир. Зеро, масжид қалблар мактаби бўлиб, унда сакинат нозил бўлади ва руҳлар юксалади, ким унга қалби ва жасади

пок ҳолда кирса, ундан юзлари мунаввар ва қалби Аллоҳга боғланган ҳолда чиқади.

### **Набавий ўрнак жилоси**

Росулуллоҳ ﷺнинг ҳаёти илоҳий одобнинг мукамал бир дастури эди: бу ҳолат Пайғамбаримиз ﷺнинг уйқу ва бедорликларида, сўз ва сукутларида, еб-ичиш ва кийинишларида, саховат ва табассумларида намоён бўлар эди. У зот ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси юксак ахлоқларга бошловчи бир нурдир. Зеро, Росулуллоҳ ﷺ:

«إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ مَكَارِمَ الْأَخْلَاقِ»

**«Мен фақат олий хулқларни камолига етказиш учун юборилдим»,** деб марҳамат қилганлар. (Имом Молик ривояти).

Бас, ким ўзини ислоҳ қилишни истаса, Росулуллоҳ ﷺнинг одоблари билан одоблансин, ким қалбини поклашни истаса, У зотнинг суннатларига эргашсин. Зеро, суннат қотиб қолган маросимлар эмас, балки қалблар у билан яшнайдиган ва жамиятлар ислоҳ бўладиган рошид ҳаёт йўлидир.

### **Хотима**

Эй нотинч замонда хотиржамлик излаётган инсон, Набий ﷺнинг сийратларига назар сол, қатъий ишончни топасан. Эй ҳаёт ғамлари елкасини эзган киши, у зотнинг

«لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ»

**«Куч ва қувват фақат Аллоҳнинг ёрдами билан бўлади»** деган сўзлари ҳақида тафаккур қил, тасалли топасан. Эй гўзаллик ва софлик шайдоси, Росулуллоҳ ﷺнинг поклиги, хушбўйлиги ва сакинати эргаш!

Зеро, бахтли одам Аллоҳ уни Пайғамбар суннати аҳлидан қилган киши, нажот топган эса, то Росул ﷺнинг ҳавзларига етиб боргунга қадар йўлларини маҳкам тутган кишидир. Аллоҳим, бизга Набийнинг ﷺга гўзал тарзда эргашишни насиб эт, бизни у зотнинг шамоийллари, одоблари ва нурлари аҳлидан қил, албатта, Сен бунинг валийси ва бунга қодир Зотсан! □

## ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿وَدَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً﴾

**«Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар»**

Устоз Иброҳим Салома

Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَإِذَا كُنْتَ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ الصَّلَاةَ فَلْتَقُمْ طَآئِفَةً مِنْهُمْ مَعَكَ وَلِيَأْخُذُوا أَسْلِحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا فَلْيَكُونُوا مِنْ وَرَائِكُمْ وَلْتَأْتِ طَآئِفَةٌ أُخْرَى لَمْ يُصَلُّوا فَلْيُصَلُّوا مَعَكَ وَلِيَأْخُذُوا حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتَهُمْ وَدَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِنْ كَانَ بِكُمْ أَدَى مِنْ مَطَرٍ أَوْ كُنْتُمْ مَرْضَى أَنْ تَضَعُوا أَسْلِحَتَكُمْ وَخُذُوا حِذْرَكُمْ إِنَّ اللَّهَ أَعَدَّ لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُهِينًا﴾

**«(Эй Муҳаммад), қачон сиз (жанг майдонида) мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган ҳолда намоз ўқимоқчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси қуролланган ҳолларида сиз билан намозга турсинлар. Бас, қачон сажда қилишгач (яъни намознинг бир ракатини ўқиб бўлишгач), орқаларингизга бориб, (сизларни қўриқлаб) турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар. Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар. Агар ёғингарчиликдан азият чексангизлар ёки бемор бўлсангизлар, қуролларингизни ечиб қўйишингиз гуноҳ эмас. Аммо эҳтиёт чорангизни кўриб қўйинглар. Албатта Аллоҳ кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйган»**

[Нисо 102]

Ушбу ояти карима намознинг аҳамиятига ҳамда уруш ва хавф-хатар ҳолатида ҳам уни адо этиш вожиблигига алоҳида эътибор қаратади. Зеро, намоз мўмин киши ҳеч қачон беҳожат бўлолмайдиган қурол, Аллоҳ Табарока ва Таоло билан доимий боғлиқлик воситаси, диннинг устуниси, иймоннинг саҳиҳлигидир. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳукмига розилик, қазосига таслим бўлиш ҳамда Унинг буйруқлари ва Набий ﷺнинг суннатини ижро этиш далили ҳисобланади. Модомики мусулмоннинг ақл-идроки жойида экан, намоз ундан соқит бўлмайди, аксинча, ҳатто энг хатарли вазиятларда ҳам уни адо этиш талаб қилинади.

Оят мафҳуми мусулмон кишига ҳатто намоз ўқиётган ҳолида ҳам қуролини ёнида сақлаши вожиб эканини эслатади. Демак, намоздан бошқа пайтларда душман макридан омонда бўлиш учун қурол кўтариб юриш янада муҳим ва лозимдир.

﴿وَدَّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَيْلَةً وَاحِدَةً﴾

**(Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар).** Бу ҳужум ҳеч нарсани қолдирмайдиган ва ҳеч кимни омон қўймайдиган қирғинбарот ҳужум сифатида таърифланмоқда.

Ҳаёт воқелиги кофирларнинг макри, алдови ва мўминларни пойлаб туришига гувоҳдир. Аллоҳ Таоло бирор озор ёки касаллик етган кишига қуролини вақтинча қўйиб туришига рухсат берди, лекин У Зот – Жалла шаънуҳу – бунинг ортидан қўйидагини таъкидлади:

﴿وَحُذُوا حِذْرَكُمْ﴾

**(... Эҳтиёт чорангизни кўриб қўйинглар).** Яъни, зинҳор зулм қилганларга заифлик кўрсатманг ва уларга суюяиб қолмангки, оқибатда қуролларингизни ташлаб қўйиб, душманингиздан ғафлатда қолманг.

Албатта, Аллоҳ Таоло кофирлар учун хорловчи азоб тайёрлаб қўйган бўлиб, бу нарса Пайғамбар ﷺ

﴿وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ﴾

**«Роббингизнинг қўшинларини ёлғиз Унинг Ўзигина билур»**

[Муддассир 31]

деб айтганидек, Ўз ҳузуридаги қўшинлари орқали, ёки Ундан тақво қиладиган ва Унга итоат этадиган мўминларнинг қўллари билан бўлади. Бас, эй ақл эгалари, Аллоҳдан тақво қилинлар, Аллоҳга ва Унинг Росули ﷺ га итоат этинлар ҳамда душманингизга қарши жангда собит туринлар. Зеро, сизлар Аллоҳ устиларига хорлик ва пасткашликни битиб қўйган қавмга рўбарў келасиз. Собитқадам бўлинг, собитқадам бўлинг! Аллоҳга таваккул қилиб, Унинг йўлидаги жиҳодни холис қилинг:

﴿وَلَا تَهِنُوا فِي ابْتِغَاءِ الْقَوْمِ إِن تَكُونُوا تَأْلَمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا تَأْلَمُونَ وَتَرْجُونَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا﴾

**«Бу кофир қавмни қувишда сусткашлик қилмангиз! Агар қийналаётган бўлсангизлар, улар ҳам сизлар қийналганингиздек қийналишмоқда. (Шу билан бирга) сизлар Аллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарсани (яъни савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишни, қолаверса, ғалаба қозонишни) умид қилмоқдасизлар-ку?! Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир»** [Нисо 104]

Душманингизга қарши жангда дадил олға босинлар, бирор тўсиқ сизларни тўхтатиб қолмасин. Аллоҳнинг шариатига эргашинлар ва ҳаддан ошманлар. Собитқадамлик ила илгариланг, малолланманг ва толманг, жароҳатлар, оғриқлар ва қурбонликларга қарамай, асло хор бўлманг ва бўйин эгманг! Зеро, сизлар қўлингиздан келганча куч-қудратни ҳозирладингиз, Аллоҳ эса Ўзининг солиҳ бандаларининг Унга бўлган ишончларини асло пучга чиқармайди. Бас, Аллоҳ ҳақида чиройли гумонда бўлинглар. Чунки У Зот Ўзининг мўмин бандаларига нусрат беришни ҳамда Ўз раҳмати, афви ва мағфиратини ваъда қилган.

Жанг қанчалик шиддатли бўлмасин, мусибатлар нақадар оғирлашмасин, ғам-андуҳ ва фитналар қанчалик кўпаймасин, озуқа ва ёрдамчилар қанчалик озаймасин, барибир нусрат Азиз ва Ҳаким бўлган Аллоҳнинг қўлидадир:

﴿وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ﴾

**«Ғалаба фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур»** [Оли Имрон 126]

Ҳолбуки, кофирлар сиздан кўра қаттиқроқ алам чекишганига қарамай, Аллоҳдан на нусрат ва на раҳмат умид қилишади. Чунки улар Унга кофир ва осий бўлишган. Ўлим улар учун қалбларидаги аламли ҳасрат, вужудларидаги оғир лаънат ва зеҳнларидаги зулмат-хираликдир. Аммо сизлар-чи, эй мўминлар жамоаси:

﴿وَتَرْجُونَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ﴾

**«Аллоҳ томонидан улар умид қилмаган нарсани (яъни савобни, шаҳидлик неъматига муяссар бўлишни, қолаверса, ғалаба қозонишни) умид қилмоқдасизлар-ку?!»** [Нисо 104]

Сизлар Унинг раҳмати ва мағфиратини, У Зот сизни Ўз йўлида аброр шаҳидлар қаторида қабул қилишини ҳамда фазли ва карами ила сизларга ва зурриётларингизга инъом этишини умид қиласизлар. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿إِن يَمَسُّكُمْ قَرْحٌ فَقَدْ مَسَّ الْقَوْمَ قَرْحٌ مِّثْلُهُ، وَتِلْكَ الْأَيَّامُ نُدَاوِلُهَا بَيْنَ النَّاسِ وَلِيَعْلَمَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَيَتَّخِذَ مِنْكُمْ شُهَدَاءَ وَاللَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ﴾

**«Агар сизларга жароҳат етган бўлса, у қавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. (Токи ибрат бўлсин деб) ва Аллоҳ ҳақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда ораларингдан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни (яъни ғалаба ва мағлубият кунларини) одамлар орасида айлантириб турадиз. Аллоҳ зolim кимсаларни севмайди»**

[Оли Имрон 140]

Аллоҳ сизларни шаҳидлик билан мукааррам этади, сизни сон-саноксиз Уммат орасидан саралаб, Ўз бандаларининг энг яхшилари қаторидан шаҳидлар этиб танлаб олади.

﴿أَحْيَاءَ عِنْدَ رَبِّهِمْ يُرْزَقُونَ﴾

**«Улар тирикдирлар, Роббилари ҳузурида ризқлантирилувлар»** [Оли Имрон 169]

Сизлар Унинг розилиги ва раҳмати билан неъматланасиз, сизларга на хавф бор ва на маҳзун бўласиз. Аллоҳ Табарока ва Таоло:

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَادُ﴾

**«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам нусрат-ёрдам берурмиз»**

[Ғофир 51]

деб марҳамат қилганидек, албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ ва ростдир, унда ҳеч қандай шубҳа йўқ. У қатъий, кескин, очиқ ва равшан ваъда бўлиб, унда ҳеч қандай баҳсга ўрин йўқ. Зеро Аллоҳ Субҳонаҳу бундай деди:

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا﴾

**«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ... нусрат-ёрдам берурмиз».**

Росуллоҳ ﷺ Аллоҳга итоат этишлари, рисолатни етказишлари, Аллоҳнинг у зотни қўллаб-қувватлаши ва нусрати, қолаверса, ўзларидаги иймоний ва инсоний қувват сабабли ғалаба қозондилар. Шунингдек, Пайғамбар ﷺ билан бирга Аллоҳ ва Росулига итоат этган ҳамда ниятларини ёлғиз Аллоҳ учун холис қилган содиқ мўминлар бор эди.

Набий ﷺ Ислом ақидасини ҳаёт воқелигида одамларни Аллоҳнинг шариати билан тартибга соладиган ва бошқарадиган қилиб қоим қилдилар ва Мадинаи Мунавварада адолатли Ислом давлатини барпо этдилар. Ушбу давлат узоқ асрлар давомида – то мусулмонларнинг ўз динларига амал қилиши сусайиб, жамоатлари тарқаб, башарият етакчилигидан ортда қолиб кетгунларига қадар – барқарор турди. Сўнг (шу сабаблар туфайли) давлатлари қулади. Бироқ шунга қарамай, Аллоҳнинг ваъдаси қоимдир ва асло кечикмайди, қачонки мусулмонлар иймонларида содиқ ва таваккулларида холис бўлсалар ҳамда Унинг шариати билан ҳукм юритган ва Росули ﷺнинг йўлини маҳкам тутган ҳолда Унинг амрини ижро этишга астойдил бел боғласалар бу ваъда рўёбга чиқади.

Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿يَوْمَ لَا يَنْفَعُ الظَّالِمِينَ مَعَذِرَتُهُمْ﴾

**«У кунда золим-кофир кимсаларга узр-баҳоналари фойда бермас»**

[Ғофир 52]

Золимлар айна кофирлардир. Бугунги кунда мусулмон ҳукмдорлари орасидан Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритмайдиган, кофирларни дўст тутиб, уларга ёрдам

берадиган, аммо Фаластин ва бошқа Ислом ўлкаларидаги биродарларига нусрат беришдан воз кечган кимсалар ҳам золимлардир. Шу боис, улар Аллоҳнинг лаънати ва охиратдаги ёмон оқибатга мустаҳиқ бўлдилар.

﴿وَلَهُمُ اللَّعْنَةُ وَلَهُمْ سُوءُ الدَّارِ﴾

**«... Уларга лаънат бўлур, уларга энг ёмон жой – дўзах бўлур»** [Ғофир 52]

Албатта, ушбу ҳукмдорлар ҳамда уларнинг мўминларни ёрдамсиз ташлаб қўйган армия ва жаллодлардан иборат ҳамтовоқлари Ислом душманлари қўлидаги воситага айланиб қолишди. Гўё улар Фаластин ва бошқа юртлардаги қуролсиз мусулмонларни аёвсиз қираётган душман армияларининг бир қисмидир. Мусулмонлар учун Аллоҳ Табарока ва Таолодан ўзга ҳеч қандай нусрат берувчи йўқ. У Зот нақадар яхши мавло ва нақадар яхши мададкордир.

Албатта, ушбу салибчи-сионист саратонни ҳамда уни қўллаб-қувватлайдиган, ҳаёт ва боқийлик воситалари билан таъминлайдиган мусулмон юртлари ҳокимларининг барчасини илдизи билан қўпориб ташлаш ва йўқ қилиш вожибдир. Ҳазода ёки мусулмон юртларининг бирор қисмида қурол ташлашга бўлган чақириқлар шубҳали даъватлар бўлиб, мўмин киши буни асло айтмайди. Зеро бу Аллоҳ Табарока ва Таолонинг қўйидаги каломига зиддир:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهِبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ وَعَدُوَّكُمْ  
وَعَاخِرِينَ مِنْ دُونِهِمْ لَا تَعْلَمُونَهُمُ اللَّهُ يَعْلَمُهُمْ ۗ وَمَا تُنْفِقُوا مِنْ شَيْءٍ فِي سَبِيلِ اللَّهِ يُوَفَّ  
إِلَيْكُمْ وَأَنْتُمْ لَا تَظْلَمُونَ﴾

**«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни ҳамда улардан ташқари сизлар билмайдиган, Аллоҳ биладиган бошқа бировларни ҳам қўрқувга солурсизлар. Аллоҳ йўлида нимани сарф қилсангиз, сизларга зулм қилинмаган ҳолда комил қилиб қайтарилур»** [Анфол 60]

Эй мусулмонлар! Қодир бўлганингизча куч-қудрат ва мудофаа воситаларини ҳозирланг, қуролларингизни ўз қўлингизда сақланг ва душманингизга қарши жанг қилинг,

заифлашманг, бўйин эгманг ва қуролларингизни топширманг, зеро иш Аллоҳнинг қўлидадир, олдин ҳам, кейин ҳам ҳукм Униқидир.

Босқинчи қаршисида қурол ташлаш даъвосининг нақадар ботил эканига амалий воқеликнинг ўзи ёрқин гувоҳдир. Масалан, Британия Мисрни қарийб 80 йил ишғол қилди ва то Америка уни чиқариб юбориб, ўрнига ўзи ўтирмагунича чиқиб кетмади. Шунингдек, у Туркияни ўз тарихи ва динидан жудо қилди, Шариф Ҳусайн ва Ибн Сауд кўмагида Араб ярим ороли устидан ҳукмронлик ўрнатди, сўнгра Шом ва Ироқ юртлирини ишғол қилиб, уларни ўз хоҳишига кўра шакллантирди ва яҳудий вужудини пайдо қилди ҳамда (сионистларга) ўз давлатларини тиклаш имконини бериш мақсадида араб давлатларини сионистик тўдалар билан бўладиган сохта урушга киргизди.

Ўшандан буён араб юртлари ўз қироллари ва президентлари орқали Ғарб мустамлакачилигининг билвосита ҳукмронлиги остида эзилмоқда. Яҳудийларнинг Фаластинда инглизлар ҳимояси остида содир этган қирғинларини эсланг, улар фаластинликларга бирор қуролга эга бўлиш ёки аҳамиятга молик бирор ташкилот тузишни тақиқлаб қўйишган эди.

Дайр Ясин, Сабра ва Шатила, Босния ва Герцеговина, Ироқ ва Афғонистонни ҳамда Ғарбнинг даъво қилинган кафолатларига қарамай у ерларда содир этилган қирғинларни эсланг!

### **Эй араб ҳукмдорлари!**

Агар босқинчини Ғазодан чиқариб юборишга қодир бўлмасангиз – ваҳоланки, бу ҳатто миллатлар урфида ҳам қонуний ҳақдир – америкаликлар ва яҳудийлар билан ҳамоҳанг бўлиб, қуролларни топширишни талаб қилманглар, Аллоҳ сизларни ҳалок қилсин! Айрим Ғарб газеталари олти араб давлати Ғазо уруши давомида яҳудий вужуди билан фикрий, хавфсизлик, ҳарбий ва тижорий жиҳатдан ҳамкорлик қилганини хабар берди. Хўш, халқлар қаерда?!

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ غَفِيلاً عَمَّا يَعْمَلُ الظَّالِمُونَ إِنَّمَا يُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ الْأَبْصَارُ ﴿۸۰﴾  
 ﴿مُهْطِعِينَ مُقْنِعِي رُءُوسِهِمْ لَا يَرْتَدُّ إِلَيْهِمْ طَرْفُهُمْ وَأَفْعَدْتُهُم هَوَاءً ﴿۸۱﴾ وَأَنْذِرِ النَّاسَ يَوْمَ يَا تَبِيتُهُمْ﴾

الْعَذَابُ فَيَقُولُ الَّذِينَ ظَلَمُوا رَبَّنَا أَخِّرْنَا إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ نُحِبِّ دَعْوَتَكَ وَنَتَّبِعِ الرَّسُولَ ۗ أَوْ لَمْ  
تَكُونُوا أَقْسَمْتُمْ مِّن قَبْلُ مَا لَكُمْ مِّن زَوَالٍ ﴿٦٠﴾ وَسَكَنتُمْ فِي مَسْكِينَ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ  
وَتَبَيَّنَ لَكُمْ كَيْفَ فَعَلْنَا بِهِمْ وَضَرَبْنَا لَكُمْ الْأَمْثَالَ ﴿٦١﴾ وَقَدْ مَكَرُوا مَكَرَهُمْ وَعِندَ اللَّهِ  
مَكَرُهُمْ وَإِن كَانَ مَكْرَهُمْ لِتَزُولَ مِنْهُ الْجِبَالُ ﴿٦٢﴾ فَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ فَخْلَفَ وَعَدِيهِ رُسُلَهُ ۗ إِنَّ  
اللَّهَ عَزِيزٌ ذُو انتِقَامٍ ﴿٦٣﴾

**«Сиз ҳаргиз: «Аллоҳ золим кимсаларнинг қилаётган амалларидан ғофил», деб ўйламанг! Фақат Аллоҳ уларни (нэ жазоларини) кўзлар (даҳшатдан) қотиб қоладиган (қўрқинчли қиёмат) кунига қолдирмоқда, холос. (У куну) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида (чорланган томонга ҳисоб-китоб учун) чопурлар. Кўзлари ўзларига қайтмайди (яъни, қўрқувдан қотиб қолиб, ўзларининг қандай ҳолда эканликларини ҳам кўрмайдилар). Қалблари (даҳшатдан) бўм-бўш бўлиб қолур. (Эй Муҳаммад), одамларни огоҳлантириб қўйингки, уларга азоб келар кунда (қиёматда) золим-кимсалар: «Парвардигоро, бизларга озгина муҳлат бергин, (яъни, бизларни дунёга қайтариб, озгина ҳаёт бергин, албатта) Сенинг даъватингни қабул қилурмиз ва пайғамбарларингга эргашурмиз», дейишади. (Шунда уларга жавоб қилинур): «Илгари (ҳаёт пайтларингизда) ҳеч қачон заволга юз тутмаслигингиз (яъни, ҳеч қачон ўлмаслигингиз ва охираат жазосига дучор бўлмаслигингиз) ҳақида қасам ичмаган эдингизларми?! (Ахир) сизлар ўзларига зулм қилган кимсаларнинг масканларига (улар заволга юз тутганларидан кейин) жойлашган эдингиз. Уларни қандай (ҳалок) қилганимиз ҳам сизларга аниқ маълум эди. Биз сизлар учун (қанчадан-қанча) мисоллар келтирган эдик (лекин сизлар бу кўрган билганларингиздан ибрат олмадингиз, ҳақ йўлга юрмадингиз)». Дарҳақиқат, улар (яъни Макка мушриклари) ўзларининг макр-ҳийлаларини қилишди. (Лекин) агар уларнинг макрлари сабабли тоғлар емирилиб кетадиган бўлса-да, уларнинг (бу) макр-ҳийлалари Аллоҳ ҳузурида (маълумдир). Сиз ҳаргиз Аллоҳни ўз пайғамбарларига берган (нусрат бериш тўғрисидаги) ваъдасига хилоф қилувчи, деб**

**Ўйламанг. Албатта Аллоҳ куч-қудратли (қиёматда) интиқом олгувчидир»** [Иброҳим 42-47]

Бас, ҳеч ким Аллоҳни золимларнинг қилмишларидан ғофил деб ўйламасин. Албатта, У Зот муҳлат беради, аммо жазосиз ташлаб қўймайди, балки уларга кўзлар даҳшатдан қотиб қоладиган, қалблар қўрқувдан титрайдиган кунгача муҳлат беради:

﴿مُهْطِعِينَ مُقْنِعِي رُءُوسِهِمْ﴾

**((У куну) улар бошларини (осмонга) кўтарган ҳолларида чопурлар).** Яъни, шошилган, ҳайратдан қотиб қолган ва хор бўлган ҳолда.

﴿لَا يَرْتَدُّ إِلَيْهِمْ طَرْفُهُمْ﴾

**(Кўзлари ўзларига қайтмайди).** Уларнинг нигоҳлари вазиятнинг даҳшатидан донг қотиб қолади.

﴿وَأَفْعَدْتُهُم مَّوَاءًا﴾

**(Қалблари бўм-бўш).** Яъни, хотиржамлик ва иймондан холи бўлади.

Кофирлар ва уларнинг ҳамтовоқларининг макри гарчи улкан бўлса-да, Аллоҳ уларни ихота қилиб турувчидир ва уларнинг макри – гарчи шиддатидан тоғларни қўпориб ташлагудек бўлса ҳам – завоқ топишга маҳкумдир. Аллоҳ Таоло

﴿فَلَا تَحْسَبَنَّ اللَّهَ مُخْلِفًا وَعَدِيهِ رُسُلَهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ ذُو انْتِقَامٍ﴾

**«Сиз ҳаргиз Аллоҳни ўз пайғамбарларига берган (нусрат бериш тўғрисидаги) ваъдасига хилоф қилувчи, деб ўйламанг. Албатта Аллоҳ куч-қудратли (қиёматда) интиқом олгувчидир»** [Иброҳим 47]

деб марҳамат қилганидек, золимларнинг макри ва мўминларнинг қурбонликлари қай даражага етмасин, Аллоҳнинг нусрати Унинг авлиёларидан (дўстларидан) асло кечикмайди. Аллоҳнинг нусрати муқаррардир. Зеро Аллоҳ аввал ҳам Исломни ғолиб қилган ва мусулмонларни – улар жиҳодларида ва Унга бўлган итоатларида содиқ турган кунларида – ер юзида ҳукмрон қилган эди.

Аллоҳим, қадамларимизни собит қил, гуноҳларимизни ва ишларимиздаги исрофимизни кечир ҳамда кофир қавм устидан бизга нусрат бер. Аллоҳим, мени, ота-онамни, зиммамда ҳаққи

бўлганларни ва ҳисоб-китоб қоим бўладиган кунда барча мўминларни мағфират айла. Аллоҳим, саййидимиз Муҳаммадга, у зотнинг аҳли оилаларига ва барча саҳобаларига салавот, салом ва баракалар ёғдир.

﴿وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَىٰ أَمْرِهِۦٓ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳ Ўз ишида ғолибдир. Лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар»** [Юсуф 21] □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Идлиб атрофида салибчи коалиция томонидан содир этилаётган ҳаво десантлари ва суиқасдларга Дамашқ ҳукумати мутлақо бефарқ қолмоқда</b>		
<p>«Сурия ТВ»нинг хабар беришича, Ҳама вилоятининг жанубий чеккасидаги Журайжиса қишлоғида халқаро коалиция томонидан амалга оширилгани тахмин қилинаётган «ҳаво десанти» (куч ташлаш амалиёти) юз берган.</p> <p>Шунингдек, манбанинг қўшимча қилишича «Ҳаво десанти операцияси билан бир вақтда ички хавфсизлик кучларининг юқори хавфсизлик сафарбарлиги кузатилди».</p> <p>«Сурия ТВ»нинг очиқлашича, операция ярим соат давом этган ва Ливандаги «Румия» қамоқхонасининг собиқ маҳбуси бўлган бир шахснинг ўлдирилиши билан якунланган.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Тўхтовсиз суиқасдлар давом этаётган бир пайтда, Дамашқ ҳукумати гўёки ўзининг собиқ таянчи бўлган жангчиларга мутлақо алоқаси йўқдек, Америкага хушомад қилиш (илтифот кўрсатиш) билан банд.</p>		
<b>Миллий давлатни сақлаб қолиш бир пайтлар тавҳид байроғини кўтаришни даъво қилган ва ундан ўзгасини тоғут санаган кимсалар қўли билан амалга оширилмоқда</b>		
<p>Сурия Ташқи ишлар вазири Асъад Шайбоний жума оқшомида Вашингтондаги Дамашқ элчихонаси узра ўз давлати байроғини кўтарди. Бу ҳодиса Дамашқ томонидан «тарихий» деб таърифланган ва Асъад Шайбонийнинг сўнгги чорак аср ичида АҚШга сафар қилган илк Сурия вазири сифатида амалга ошираётган ташрифи доирасида юз берди.</p> <p>Суриянинг «СНА» ахборот агентлиги вазир Шайбонийнинг Вашингтондаги элчихона биносида Сурия Араб Республикаси байроғини кўтариш маросими бошлангани ҳақида хабар берди.</p> <p>Кузатувчиларнинг фикрича, ушбу қадам Қўшма Штатлар томонидан янги Сурия ҳукуматининг зимдан эътироф этилиши саналади. Бу эса келажакда икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтиришга замин ҳозирлайди.</p>		
<b>Жўлонийнинг АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ) собиқ директори Дэвид Петреус билан учрашуви</b>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>АҚШ Марказий разведка бошқармаси собиқ директори Дэвид Петреус душанба куни Нью-Йоркда Аҳмад Шара билан бўлиб ўтган мулоқотни, унинг Сурия президенти бўлишидан олдин «Ал-Қоида» ташкилоти аъзоси бўлган даврдаги ўтмиши ҳақида савол бериш билан бошлади.</p>		
<p>Петреус БМТ Бош Ассамблеяси сессияси доирасида ўтказилаётган «Конкордия» саммитидаги чиқишида шундай деди: «Биз у вақтда икки хил вазиятда эдик: мен Ироқда ҳарбий хизматни ўтаётган кезларда, сиз Америка қўшинлари томонидан беш йил давомида ҳибсда сақланган эдингиз. Энди эса, сиз Сурия президенти мақомидасиз, Сурияни Башар Асад режимидан озод этдингиз ва айна дамда ўз мамлакатингиз раҳбари сифатида БМТ йиғилишида илк бор иштирок этмоқдасиз... Бизга, бундан 20 йил муқаддам Ироқдаги «Ал-Қоида» сафидан – бугунги кунда Сурия президенти сифатида – Нью-Йоркдаги ушбу минбарга қадар қандай етиб келганингизни изоҳлаб берсангиз».</p>		
<p>Шунда Сурия муваққат президенти қуйидагича жавоб қайтарди: «Бир вақтлар жанг майдонида бўлган эсак-да, ҳозир мулоқот майдонига кўчганимиз қувонарли ҳолдир. Урушни бошидан кечирган инсон тинчлик қадрини энг яхши билувчи кишидир. Ўтмишнинг ўша давр урф-одатлари ва қонунларига боғлиқ бўлган ўзига хос ҳукмлари бор. Агар тарихни муҳокама қилмоқчи бўлсак, уни бугунги кун қонунлари билан эмас, ўтмиш қонунлари билан муҳокама қилишимиз лозим».</p>		
<p>Шара ўз ўтмишига ишора қилиб, шундай деди: «У минтақада ўзига хос шароитлар ҳукм сурган бир давр эди. Унда Ироқ ишғол остида, Сурия эса жиддий хавф остида эди. Ўша пайтдаги босқичнинг кўлами, онг ва ёшлик шижоати, буларнинг барчаси мазкур даврдаги танловларга туртки бўлган омиллар эди. Муҳими шундаки, инсонларни ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда минтақада ҳукм сураётган зулмдан аёллар ва болаларни қутқариш йўлидаги ниятлар тўғри бўлган».</p>		
<p>Шара қўшимча қилди: «Ҳар қандай инсоннинг босиб ўтган йўлида хатолар содир бўлиши мумкин. Бироқ энг муҳими қайси ҳудудда бўлишидан қатъи назар, юз бераётган беқарорликлар</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>асносида инсонни уни қуршаб олган хавф-хатарлардан муҳофаза қилишга асосий диққат-эътиборни қаратишдир... Бизнинг ушбу йўналишга содиқлигимиз бизни бугунги мақомга етказди ва бир-биримизни дўст сифатида тинглашимизга сабаб бўлди».</p>		
<p>Шу тариқа, Суриянинг амалдаги маъмурияти раҳбари Аҳмад Шара 1967 йилдан буён БМТ Бош Ассамблеяси йиғилишларида иштирок этган мамлакатнинг илк раҳбарига айланди.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Табиийки, Жўлонийни ҳокимиятга олиб келган кучлар Туркия ва унинг ортида турган Америкадир. Бу иш уларнинг Туркияда ўрнашган Миллий коалицияни Башарнинг вориси сифатида «ўтказиш» (қабул қилдириш) ва секуляр миллий давлатни сақлаб қолишдаги муваффақиятсизлигидан сўнг юз берди. Пировардида, улар Жўлоний ва унинг шерикларини ушбу вазифани зиммаларига олишга кўндиришди. Шу тариқа, Халифалик ва жиҳоддан Миллий давлат ва БМТга, Араб Давлатлари Лигаси ва унинг аъзоларига, қолаверса Туркия ва яҳудий вужуди билан нормаллашувга қараб «кескин бурилиш» содир бўлди. Оқибатда вазият душман қўлидаги шахмат тахтасига айланиш даражасига етди, душман унинг барча қоидаларини ўзи белгилаб беради, бу жараён эса «реализм» ниқоби остида ҳокимлар фикрлашини исломий фикрдан капиталистик фикрга ўзгартиришдан бошланади.</p>		
<p><b>Ливан давлати ва «Эрон ҳизби» тарафдорлари яҳудийларни нишонга олиш, уларнинг тажовуз ва суиқасдларини тўхтатиш ҳамда яҳудий давлатининг мавжудлигига чек қўйиш йўлида амалий ҳаракат қилиш ўрнига, Байрутдаги Равша қоясига Ҳасан Насруллоҳнинг суратини ёритиш (акс эттириш) масаласида ўзаро ихтилофга бормоқдалар</b></p>		
<p>Адлия вазири Одил Нассор «Жадид» телеканалига берган баёнотида қуйидагиларни таъкидлади: «Бош прокуратура – барча сиёсий мулоҳазалардан мутлақо холи равишда – хавфсизлик органлари билан ҳамкорликда Равша қоясидаги ҳодиса айбдорларини аниқлаш учун ҳаракатга тушди».</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Муслмон муслмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Шунингдек, вазир «Қонун барчага нисбатан ҳеч қандай айирмачиликсиз татбиқ этилишини» қатъий уқтирди.</p>		
<p>Ҳукумат раҳбари Навоф Салом кечаги баёнотида қайд этишича, бугун Равша ҳудудида юз берган ҳодиса Байрут шаҳар ҳокими тадбир (акция) ташкилотчиларига тақдим этган ва йиғилишга руҳсат берилишига асос бўлган розилик мазмунига очиқдан-очиқ хилофдир. Зеро, ушбу ҳужжатда: «Равша қоясини на қуруқлик, на денгиз ва на ҳаводан мутлақо ёритмаслик, шунингдек, унга ҳеч қандай нури тасвирларни туширмаслик (проекция қилмаслик)» шарти аниқ белгилаб қўйилган эди.</p>		
<p>У ўз баёнотида қуйидагиларни қайд этди: «Шу сабабли, мен ички ишлар, адлия ва мудофаа вазирлари билан боғландим ҳамда улардан амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли чораларни кўришни, жумладан, айбдорларни ҳибсга олиб, қилмишларига яраша жазо олишлари учун тергов органларига ўтказишни талаб қилдим».</p>		
<p><b>Иорданиялик Қайсийнинг жасорати бу ўлка яҳудий давлати учун ҳамда уларнинг посбонлари бўлмиш Иордания қироллари учун эмин-эркин изғиб юрадиган майдон бўлмаслигини қатъий тасдиқлади</b></p>		
<p>Ижтимоий тармоқ фаоллари «Карома» ўтиш жойида амалиёт ўтказиб, ўзи яҳудий армияси ўқидан шаҳид бўлишидан олдин икки яҳудий аскарини ҳалок қилган Абдулмутталиб Қайсийнинг васиятини муҳокама қилдилар. Васиятнома матнида Қайсий ўз ватандоши Моҳир Жозий сафига қўшилган ҳолда, «Аллоҳ ва тарих олдидаги мавқеи»ни қайд этаётганини таъкидлади. У шунга ишора қилди: «Босқинчининг ғазода содир этаётган жиноятлари, бир кун келиб, бизнинг шаҳарларимиз ва ватанларимизга ҳам, албатта, етиб келажак».</p>		
<p>Франция, Бельгия, Люксембург, Мальта, Монако ва Андорра Фаластин давлатини расман тан олганини эълон қилишди, ундан бир кун олдин Британия, Канада, Австралия ва Португалия ҳам айти шундай қарорни қабул қилган эди. Ушбу воқеа Нью-Йоркда ўтаётган «Икки давлат ечими» анжуманида давлат раҳбарлари ва вакиллари Исроилнинг ғазо секторида қарийб икки йилдан буён содир этаётган геноцидини навбатма-навбат қоралаётган бир пайтга тўғри келди.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Франция президенти Эммануэл Макрон ўз мамлакати Фаластин давлатини расман тан олганини душанба оқшомида БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ўтказилган, Фаластин масаласини тинч йўл билан ҳал этиш ва «икки давлат ечими»ни амалга оширишга қаратилган олий даражадаги халқаро анжуманнинг очилиш маросимидаги нутқида маълум қилди.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Дунё ҳукмдорлари ўнлаб йиллардан бери Фаластин давлати ҳақида гапиришади-ю, бироқ ундан номнишон йўқ, гўёки у ҳавода муаллақ ёки ўзга сайёрададек. Шояд бу ҳолат мазкур даъволарнинг бари қуруқ сароб эканини кўрсатиб, Ислом Умматини янада қаттиқроқ уйғотса. Зеро, муқаддас заминни фақатгина барча исломий юртларни бирлаштириш орқали бир вужудга айланган Ислом Уммати озод этади.</p>		
<p align="center"><b>Кения ҳам терроризм ҳақида тўқиб чиқарилган сохта айбловлар билан исломий ҳаракатларни сиёсий фаолиятдан маҳрум этишга уринаётган давлатлар сафига қўшилди</b></p>		
<p>Кения ҳукумати Ихвонул Муслимин жамоаси ва Ҳизб ут-Таҳрирни терроризмга қарши кураш қонунига мувофиқ, расман «террорчи тузилмалар» рўйхатига киритганини эълон қилди. Ҳукумат бу қадамни мамлакат ичида ҳар қандай «экстремистик» фаолият илдиз отишидан аввал, унинг олдини олишга қаратилган чора, деб изоҳлади.</p>		
<p align="center"><b>Америкалик Баракнинг сурбетлиги уни «Ливан армиясини қуроллантириш яҳудий вужудига қарши жанг қилиш учун эмас, балки ички мақсадлар учундир» дейишга ундади</b></p>		
<p>АҚШнинг Ливандаги вакили Том Баракнинг айтишича, Қўшма Штатлар Ливан армиясини «Ҳизбуллоҳ»ни қуролсизлантириш мақсадида қуроллантирган. Унинг таъкидлашича, ҳеч ким буни Исроилга қарши жанг қилиш учун деб ўйлаши мумкин эмас.</p> <p>Барак шундай қўшимча қилди: «7 октябрдан сўнг Яқин Шарқда барча нарса ўзгарди. Исроил бош вазири Биньямин Нетаняхунинг айтишича, у на чегараларга ва на қизил, кўк ёки яшил чизиқларга парво қилади, агар у ўз чегаралари ёки халқи таҳдид остида эканини ҳис қилса, исталган жойга етиб боради ва исталган ишни қилади».</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<b>Ғазода тинчлик келишуви кучга кирганига қарамай, яҳудий вужудида аҳд-паймон йўқдир</b>		
<p>Ғазо секторида ўт очишни тўхтатишнинг 3-куни ҳамда Фаластин халқига қарши 735 кун давом этган геноцид урушидан сўнг, Ҳамас ҳаракати ва яҳудий вужуди ўртасида асир алмашиш амалиёти бўйича майдондаги тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Айни вақтда, тинчлик масаласига бағишланган халқаро саммитда иштирок этиш учун АҚШ президенти Дональд Трамп ва бошқа етакчиларнинг Мисрга ташриф буюриши кутилмоқда.</p>		
<p>«Ал-Жазира» мухбирининг хабар беришича, ёрдам юк машиналари Ғазога киришдан олдин кўриқдан ўтиш учун «Карам Абу Солим» ва «Авжа» ўтиш пунктларига йўл олди. Айни вақтда, секторнинг юз минглаб аҳолиси икки йиллик дарбадарлик ва мажбурий кўчириш уринишларидан сўнг, ўзларининг вайрон бўлган хонадонларига қайтишни давом эттирмоқда. Ўт очиш тўхтатилиши билан, фуқаролик муҳофаази хизматлари вайронлар остидан янада кўпроқ шаҳидлар жасадини чиқариб олиш устида ишламоқда. Айни пайтда, шифохоналар секторнинг турли шаҳарларидаги ғоят кўп сонли бемор ва ярадорларни даволаш учун зарур тиббий ёрдам кўрсатишни тезлаштиришга дунё ҳамжамиятини ундамоқда.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> яҳудий вужуди каби, босқинчилик асосига қурилган давлатнинг суиқасдлар ва мажбурий кўчиришдан бошқа аҳд-паймони бўлмайди. Зеро, улар Ислом Уммати яна оёққа туриб, босқинчи вужудни илдизи билан қўпориб ташлашдан қўрқишади. Гарчи ҳозир тинчлик битими тузилса-да, яҳудий вужудидан хиёнат ва жангларни қайта бошлашдан бошқа нарса кутилмайди. Шундай экан, мусулмон қўшинлари, айниқса, атрофдаги давлатлар армиялари ҳеч қандай асос (баҳона) кутиб ўтирмай, бутун бошли ишғолга чек қўйиш борасидаги ўз вожибларини адо этишлари керак эмасми?!</p>		
<b>Ислохотлар меъёри паст бўлган ва кўзланган ўзгаришлар ҳақида яхлит тасаввур мавжуд бўлмаган шароитда, Марокаш мисолида кузатилганидек, жузъий талаблардан чалғитиш осонлашади</b>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Марокашнинг «Z авлоди 212» ёшлар ҳаракати шанба куни – мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида шошилинич ислоҳотлар талаби билан икки ҳафта давом этган намойишлардан сўнг – ўз норозилик акцияларини вақтинча тўхтатганини эълон қилди.</p> <p>«Ал-Жазира» мухбирининг ҳаракат баёнотига таяниб хабар беришича, ҳаракат шанба ва якшанба кунлари намойишга чақирмайди. Мазкур қарор соҳа мутахассислари ва турли шаҳарлардан келган аъзолар билан ўтказилган кўп соатлик баҳс-мунозара ва маслаҳатлашувлардан сўнг, шунингдек, бу соҳадаги вазият ва жорий сиёсий шароит таҳлилига асосланган ҳолда қабул қилинган. Гуруҳ akkaунтларида эълон қилинган баёнотда айтилишича, ушбу вақтинча тўхталиш «ташкилий ишлар ва ўзаро мувофиқлаштиришни кучайтириш ҳамда келгуси босқичнинг янада самарали ва таъсирчан бўлишини кафолатлашни кўзловчи стратегик қадамдир». Франция матбуот агентлиги (AFP) хабарига кўра, ҳаракат ўз талабларига содиқлигини таъкидлади, уларнинг энг асосийси «коррупционерларни жавобгарликка тортиш ва оғирлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазият масъулиятини ҳукумат зиммасига юклаш»дир. «Z авлоди 212» ҳаракати бугун кечроқ намойишлар ўтказиш бўйича янги чақирқиқ эълон қилишини маълум қилди. Ушбу намойиш «ҳукуматга ҳамда Марокаш халқининг қадр-қиммат, адолат ва мансабдорлар жавобгарлиги борасидаги талабларини амалга оширишга ғов бўлаётган барча кимсаларга қарши қаратилади.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> Ўз тасаввурларида ҳаёт, ундан олдинги ва ундан кейинги нарсалар ҳақидаги куллий фикрдан, шунингдек, дунё ҳаёти мазкур куллий фикрга мувофиқ қандай шаклантирилиши лозимлигидан келиб чиқмаган ҳар қандай ҳаракатнинг қисмати ана шундайдир. У охир оқибат умидсизлик, сустлик ҳамда мавжуд режим ва унинг ҳаёт тарзи бағрига қайтиш билан якун топади.</p>		
<p><b>Шомда ҳибсга олишлар ва яҳудий вужудининг бостириб киришлари давом этмоқда</b></p>		

### Шом ҳукмдорларидан эса Кўрфаз сармоясига эътибор қаратишдан бошқа ҳеч қандай амалий жавоб йўқ

Расмий «Ихбория» телеканалининг бугун, шанба куни хабар беришича, яҳудий кучлари Сурия жанубидаги Даръа вилоятига амалга оширган янги бостириб кириш амалиёти чоғида 4 кишини ҳибсга олган. Каналнинг «X» платформасидаги саҳифасида хабар қилинишича, яҳудий босқинчи кучлари бугун тонг саҳарда амалга оширган бостириб кириш амалиёти чоғида Даръанинг ғарбий чеккасидаги Жумла қишлоғидан 4 нафар ёш йигитни ҳибсга олган. Дамашқ ва Тель-Авив ўртасида сулҳ музокаралари ҳақида сўз юритилаётганига қарамай, яҳудийларнинг янги тажовузи ҳисобланган ушбу ҳодиса юзасидан Сурия расмийлари ҳеч қандай тезкор муносабат билдирмади. □

Бугун Қўшма Штатлар икки мингдан зиёд шаҳар ва шаҳарчаларда «Қиролларга йўқ!» (No Kings Protests) номи остида кечаётган мисли кўрилмаган норозилик намойишлари тўлқинига гувоҳ бўлмоқда. 18 октябр кўни етти миллион намойишчи оддий бир ширorni баланд кўтариб чиқди: «Монархияга йўқ! Истибодга йўқ!». Бироқ баландпарвоз широрлар замирида янада теранроқ манзара мужассам: Американинг қатор тадқиқот марказлари бир неча йил аввал таърифлаган ички зиддиятлар бугун очиқ-ойдин намоён бўлди. Ушбу зиддиятлар тобора қизиби бораётган «совуқ фуқаролар уруши»нинг даракчилари сифатида тавсифланмоқда.

Жорий норозилик намойишлари шунчаки ўткинчи ҳодиса эмас, балки сўнгги 20 йилдан буён давом этиб келаётган ижтимоий ва сиёсий кескинликлар силсиласининг янги ҳалқасидир. Зеро, Республикачилар ва Демократлар ўртасидаги сиёсий қўтблашув шу даражага етдики, «Brookings» институти уни «Америка демократик тузумига нисбатан бевосита таҳдид», деб баҳолади. Бугунги ихтилофлар энди сиёсатлар атрофида эмас, балки давлатнинг айна моҳияти хусусида бормоқда: «Ҳақиқий Америка»ни ким тамсил қилади? Фуқароликнинг маъноси нима? Ҳокимият ва шахс ўртасидаги муносабатларни қайси қийматлар бошқаради?

Ушбу ўткир сиёсий бўлиниш остида тарангликнинг бошқа қатламлари ҳам фаоллашмоқда. Бу Қўшма Штатлар тарихида мисли кўрилмаган синфий жарликдир. «Pew Research Center» ва Федерал Захира тизими маълумотларига кўра, аҳолининг 1%и қолган 99% аҳолининг жами бойлигига тенг бойликка эга. «Brookings», «CSIS» ва «RAND» тадқиқотлари кўрсатиб ўтганидек, ушбу жарлик шунчаки иқтисодий кўрсаткич бўлиб қолмади, балки у ғазаб, нигилизм (ҳамма нарсани инкор қилиш) ва давлат институтларига бўлган ишончсизлик туйғуларини озиқлантирувчи, исталган лаҳзада аланга олишга қодир ижтимоий «ёқилғи»га айланди.

Оммавий ишонч даражасига келсак, «Harvard Kennedy School» тадқиқотлари америкаликларнинг 20%идан камроғи федерал ҳукуматга ишонишини кўрсатади. Сиёсий ва ахборот кенгликларида зўравонлик руҳидаги риториканинг авж олиши манзарасида, фуқаро ва давлат ўртасидаги жарлик янада кенгайди. Айна пайтда, ижтимоий тармоқлар (келажақдаги) портлаш учун замин ҳозирловчи руҳий сафарбарлик майдонларига айланиб улгурди.

Тарихан, империялар ташқи мағлубият туфайли эмас, балки ички зиддиятлар ва хатарларни бошқаришдан ожиз қолганда қўлайди. Бугун Қўшма Штатлар ўз қудратининг таянчи бўлган учта устуннинг – ички ишонч, иқтисодий устунлик ва «юмшоқ куч»нинг бир вақтда емирилишига юз тутмоқда. Жамият бойлиқни монополия қилган молявий элита билан «Америка орзуси»нинг саробга айланганини кўраётган омма ўртасида парчаланиб кетган. Иқтисодиёт эса миллий қарз юки остида эзилмоқда, Американинг қарзи бор-йўғи 12 ой ичида 2,5 триллионга ошиб, 37,5 триллион долларга етди. Буларнинг баробарида, Американинг миллий қиёфасини белгилаб берган қадриятларга нисбатан ишонч ҳам тобора сўниб бормоқда.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Қўшма Штатлар кўчаларида содир бўлаётган ҳодисалар шунчаки бирор сиёсий қарорга қарши норозилик намойиши эмас, балки Америка вужудининг келажаги борасидаги умумхалқ референдумидир. Агар қўтблашув томон йўналган ушбу тенденция давом этса, мамлакат одатда ижтимоий портлаш ёки «юмшоқ» федерал бўлинишдан олдин юз берадиган «тизимли таранглик» босқичига кириши мумкин. Эҳтимолий сценарийлар очиқ фуқаролар урушидан тортиб, ягона давлат ичидаги ўзаро адоватли қўшхокимият тизимигача фарқ қилиши мумкин. Аммо шуниси аниқки, «Эски Америка» расмий баёнотларда айтилаётганидан кўра анча тезроқ суръатда емирилиб бормоқда.

Охирида шуни айтиш мумкинки, Принстон ва RAND тадқиқотларида огоҳлантирилганидек, Қўшма Штатларнинг ўз ички курашида, яъни ҳаддан ташқари кенгайиб кетган марказий ҳокимият ва ўз «республикаси»ни қайтариб олишни талаб қилаётган халқ ўртасидаги аёвсиз курашда «ортга қайтмас нуқта»га яқинлашиб қолганини англаш учун кузатувчидан ҳеч қандай башорат талаб этилмайди. Мазкур намойишлар Америка ва у билан бизга бутун дунё қиёфасини қайта қизиши мумкин бўлган тарихий бўрилишнинг илк аломатларидан ўзга нарса эмас. □

Мунзир Абдуллоҳ

Ислому жоҳилий тузумнинг уни эътироф этишини кутмайди ва ундан нафас олиш учун бирор майдон ҳам сўрамайди. Зеро, у етакчилик ва суверенитет соҳиби бўлган диндир, у шерикликни қабул қилмайди, билъакс, ёлғиз ўзи олий бўлишни истайди. Худди Росулulloҳ ﷺ марҳамат қилганларидек:

«الإسلام يُغلو ولا يُغلى»

**«Ислому олийдир ва ундан ҳеч нарса олий бўлмайди».** (Дориқутний ривояти).

Агар сен тинчлик-хотиржамликни афзал кўриб, шахсий манфаатларингдан хавотир олаётган бўлсанг, бу қўрқувингни Исломининг асл кўламини кичрайтириш ёки уни секуляризм сояси остида тинчгина яшашни кўзлайдиган мулоим бир даъватга айлантириш учун баҳона қилма.

Ё ботилга қарши туришда Исломининг кураши ва шиддати даражасида бўл, ёки Исломини ўз ҳолига қўйгин-да, ўзинг учун на кураш, на қурбонлик ва на алам бор бўлган хавфсиз ҳаётни изла!

Ботилга қарши туриш, унинг сохталигини фош этиш, одамларни ундан огоҳлантириш ва уни тарк этишга чақириш шунчаки танлов эмас, балки буюк фарзидир. Барча пайғамбарлар алайҳимуссалом айна шу йўлни тутдилар, улар ёлғиз Аллоҳдангина қўрқадиган Раббоний етакчилар эдилар. Шу боис ҳақ йўлида озор ва қувғинларни тотдилар.

Ислому худди баъзилар қилаётганидек, ахлоққа даъват қилиш орқали секуляризмни ямашни истамайди. Шунингдек, у садақа ва хайрия ишларига чақириш билан капитализмнинг шафқатсизлигини юмшатишни ҳам кўзламайди. Ислому мусулмон кишининг фиқҳ ва зулму ҳукмрон бўлган жамиятда худди бир «беозор товуқ»дек бўлиб қолишини асло истамайди. Билъакс, ундан ҳақни баралла айтувчи, ботилга қарши муросасиз курашувчи бўлишни, жоҳилий тузумга бўйин эгишдан бош тортиб, уни (илдизи билан) қулатиш ва ўрнига Ислому ҳукмини барпо этиш учун ҳаракат қилишини талаб этади.

﴿وَجَاهِدْهُمْ بِهِ جِهَادًا كَبِيرًا﴾

**«Уларга қарши у билан (Қуръон ёрдамида) қаттиқ жиҳод қилинг»** [Фурқон 52]

Кимки пайғамбарлар қиссаларини ўқиса-ю, сўнгра ботилга қарши курашмай ёки ҳақни баралла айтмай, таслимият ичида кун кечирса, қарши туришдан кўра ўз омонлигини афзал билса ва бузғунчи элиталарга хушомад қилса, батаҳқиқ, у пайғамбарлар йўлидан тонибди. Бугунги кунда, Ислому қарши қилинаётган ваҳший ҳужум қаршисида, ботилга қарши туриш шунчаки ихтиёр эмас, балки ҳар бир даъватчи ва ғайратли мусулмонга вожиб бўлган фарзидир. Эй Аллоҳнинг бандаси! Сен икки йўл орасидасан: ё дининг ва Умматингни ҳимоя қилиш учун мардларча курашасан; ёки қўрқоқлик қилиб, бундан бош тортасан ва шафқатсиз жангда душманга ўлжа бўласан. Сен Ислому истеҳкомларидан бирида турибсан, бас, душман зинҳор сен томондан кириб келмасин (Ислому сен сабабли зарба берилмасин)! Мусулмонларни ўз юртларида «аҳли зимма»га айлантиришга уринаётган кимсаларга келсак, улар мусулмонларнинг ўз даъват ва муқаддас рисолатларидан воз кечишларини ҳамда Уммат масалаларидан буткул узилиб қолишларини истайдилар.

Аллоҳ Билол رضي الله عنهни биргина калима билан имтиҳон қилди, у эса бу сўзни собитқадамлик билан айтди. Натижада Аллоҳ унинг зикрини олий қилди ва исмини эҳтиром билан ёнма-ён қилди. У Зот жилд-жилд китобларни ёд олган бугунги кун уламоларини ҳам синовдан ўтказди, бироқ уларнинг аксари илк синовдаёқ қуладилар, негаки улар фойдали илмдан маҳрум эдилар. □